

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФУКАРО АВИАЦИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**”ФИЗИКА ВА КИМЁ“ КАФЕДРАСИ**



**К.А.САМИГОВ**

**ОПТИКА, АТОМ ВА ЯДРО ФИЗИКАСИ**

**БЎЙИЧА**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Техника соҳасининг

5520800 “Авиасозлик ва космик техника”,

5520900 “Авиация ва космик техникадан фойдаланиш”,

5840100 “Хаво ҳаракатларини бошқариш”,

5521300 “Электротехника, электромеханика ва электротехнология”,

5522000 “Радиотехника”

5140090 “Касбий таълим” (педагогика)

мутахассисликлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун

**ТОШКЕНТ – 2007**


## МАЪРУЗА – 1

### ЭЛЕКТРОМАГНИТ ТУЛКИНЛАРНИНГ КУШИЛИШИ. ЁРУГЛИК ТУЛКИНЛАРИ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ. КОГЕРЕНТЛИК.

**Маърузанинг максоди:** Еруглик тулкинларини хосил булиши, уларнинг табиати, уларнинг тенгламаси, турлари ва энергияси хакида маълумотлар берилади. Еругликнинг интерференцияси урганилади.

Электромагнит тулкин назариясига асосан, фазонинг ихтиёрий нуктасида электр майдоннинг хар кандай узгариши кушни нукталарда узгарувчан магнит майдонни вужудга келтиради. Бу майдон эса, уз навбатида, узгарувчан электр майдонни пайдо килади ва хоказо. Бу узгаришлар фазонинг бир нуктасидан иккинчи нуктасига узатилади, натижада електромагнит тулкиннинг хар томонга таркалиши содир булади. *Электромагнит тулкин таркалаётганда фазонинг хар бир нуктасида электр ва магнит майдонлар даврий равишда (масалан  $\omega$  частота билан) узгариб туради.* Бу узгаришлар **E** ва **H** векторларнинг тебранишлари сифатида ифодаланади:

$$\begin{aligned} \mathbf{E} &= E_m \cos(\omega t + \varphi_0) = E_m \cos(2\pi\nu t + \varphi_0) \\ \mathbf{H} &= H_m \cos(\omega t + \varphi_0) = H_m \cos(2\pi\nu t + \varphi_0) \end{aligned} \quad (1)$$



1.1.- Расм

Бунда  $E_m$  ва  $H_m$  - мос равишда электр ва магнит майдон кучланганлиги векторларининг максимал (амплитуда) кийматлари,  $\omega t + \varphi_0 = \varphi$  - тебраниш фазаси,  $\varphi_0$  - бошлангич фаза,  $\nu$  - тебраниш частотаси,  $\omega = 2\pi\nu$  - циклик частота.

**E** ва **H** векторларнинг тебранишлари бир хил фазада ва узаро перпендикуляр текисликларда содир булади. 1.1 - расмда *Ox* йуналиш буйича таркалаётган тулкин тасвирланган. Электромагнит тулкин **E** ва **H** векторларнинг фазода тебранишидан иборатдир. Лекин соддалаштириш максодида биз бундан кейинги мулохазаларимизда факат **E** векторнинг тебранишлари тугрисида гапиримиз, **H** векторни эса деярли эсга олмаймиз. Аммо **E** векторга перпендикуляр йуналишда **H** вектор хам тебранаётганлигини унутмаслигимиз керак. Агар тулкиннинг турли нукталаридаги **E** векторлар факат бир текисликда ётса, бундай тулкинни *ясси електромагнит тулкин* деб, бу текисликни эса *тебраниш текислиги* деб атаймиз. 1.1 - расмда тасвирланган тулкин ясси електромагнит тулкиндир.

Максвелл хисоблашлар асосида электромагнит тулкинлар  $3 \cdot 10^8$  м/с тезлик билан таркалиши лозим, деган хулосага келди. Бу киймат кейинчалик оптик усуллар билан аниқланган ёруглик тезлигига тенг булиб чиқди. Бу эса - ёруглик электромагнит тулкиндир деб талкин қилишга имкон беради.

Хозирги вақтда энг замонавий тажрибалар асосида *ёругликнинг вакуумда таркалиш тезлиги*  $c = (299792456,2 \pm 1,1)$  м/с деб қабул қилинган.

Ҳақиқатдан, кейинчалик амалга оширилган текширишлар электромагнит тулкинларнинг частоталар диапозони ниҳоят кенг эканлигини курсатди. Хусусан, инсон кузи кура оладиган электромагнит тулкинларнинг частоталари

$$\nu = (0,75 \div 0,40) \cdot 10^{15} \text{ Гц} \quad (2)$$

диапазонда ётади. Бундай частотали тулкинларнинг вакуумда узунлиги

$$\lambda_0 = \frac{c}{\nu} = (0,40 \div 0,75) \cdot 10^{-6} \text{ м} = (0,40 \div 0,75) \text{ мкм} \quad (3)$$

интервалга туғри келади. Электромагнит тулкинларнинг бу диапозонини *ёруглик тулкинлар* деб юритилади. Механик тебранишлар частоталарининг маълум диапозонини инсон товуш тарзида қабул қилганидек, электромагнит тулкинлар частоталарининг юқорида келтирилган диапозонини кузимиз ёруглик сифатида қайд қилади.

Электромагнит тулкинларнинг ёруглик диапозони етарлича кенг. Уни катор монохроматик ёруглик тулкинларнинг йигиндисидан иборат, деб қараш мумкин. *Монохроматик ёруглик тулкин* деганда ёруглик диапозонидаги  $\Delta\nu$  частоталар интервали ниҳоят кичик булган ёруглик тулкин тушунилади. Монохроматик ёруглик тулкин бизнинг кузимизда маълум рангли ёруглик сифатида намоён булади. Масалан, тулкин узунликлари 0,55 дан 0,56 мкм гача булган интервалдаги нурланишни инсон кузи яшил ранг тарзида қабул қилади. Частоталар интервали  $\Delta\nu$  канчалик кичик булса, нурланиш монохроматикрок булади. ҳар қандай реал монохроматик ёруглик тулкин учун  $\Delta\nu$  чекли кийматга эга. Юқоридаги (1) ифода эса идеал монохроматик тулкин учун уринлидир.

Ёруглик нурларининг йуналишига перпендикуляр қилиб ҳаёлан  $S$  юзни жойлаштирайлик. Бу юз орқали бирлик вақтда утаётган ёруглик тулкинларнинг энергияси *ёруглик оқими* ( $\Phi$ ) деб аталади ва Ж/с ёки Вт хисобида улчанади. Бирлик вақт ичида юз бирлиги орқали утаётган ёруглик оқими, яъни

$$I = \frac{\Phi}{S} \quad (4)$$


*ёруглик оқимининг зичлиги* ёки *ёруглик интенсивлиги* дейилади.

Ёруглик интенсивлиги Вт/м<sup>2</sup> хисобида улчанади. Ёруглик интенсивлиги ёруглик таркалаётган муҳитнинг синдириш курсаткичи  $n$  га ва ёруглик тулкин амплитудасининг квадратига пропорционал:


$$I \sim nE_n^2 \quad (5)$$

## Ёруглик интерференциясининг мохияти.

Ёругликнинг электромагнит тулкин назариясини XIX асрнинг иккинчи ярмида Максвелл яратган. Лекин бу давргача ҳам ёруглик табиати тугрисида иккита гипотеза мавжуд эди:




1.2.- Расм



1.3- Расм

1. Ньютон илгари сурган *корпускуляр гипотезага* асосан, ёруглик жуда кичик зарралар (корпускулалар) окимидан иборат. Корпускулалар ёруглик манбаидан нур деб аталувчи тугри чизиклар буйлаб окиб чиқади .



1.4- Расм

2. *Тулкин гипотезани* эса Гюйгенс яратди. 1.3 - расмда тулкин гипотезага асосан, М манбадан ёругликнинг нурланиши тасвирланган. Манбадан таркалаётган тугри чизиклар нурлар деб аталади. Бу нурлар тулкин фронтлари деб аталадиган сферик сиртларга перпедикулярдир.

Манбадан узоклашган сари тулкин fronti яссирок булаверади.

Ньютон ва Гюйгенс вафотларидан сунг ҳам бу икки гипотеза тарафдорлари орасида узок бахслар давом этди. Лекин 1801 йилда ёш инглиз физиги Юнг амалга оширган тажриба барча олимларнинг диққатини узига жалб этди.

Бунда М - ёруглик манбаи,  $M_1$  ва  $M_2$  лар тусикдаги жуда тор тиркишлар. Улар бир-биридан  $1 \div 2$  мм узокликда жойлашган. Ньютоннинг корпускуляр гипотезасига асосан,  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлардан утган корпускулалар туфайли Э экранда тиркишларнинг шаклига монанд равишда икки ёруг соха вужудга келиши лозим эди (расмнинг б кисмига каранг). Вахоланки, экранда бир неча ёруг ва коронгу сохалар кузатилади (расмнинг в кисмига к.). Кизиги шундаки,  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлар урта нуктасининг каршисида ёруг соха вужудга келди. Бу тажрибада кузатилган ходиса *ёруглик интерференцияси* деб ном олди. Интерференция сузи лотин тилидаги *interfere* - "халакит бермок" деган феълдан келиб чиққан. Хакикатдан, ёругликни тулкин деб караладиган булса, экрандаги ёруг ва коронгу сохаларнинг вужудга келишини куйидагича тушунтириш мумкин.  $M_1$  ва  $M_2$  лардан чиқаётган тулкинлар экраннинг  $A_0$  ва  $A_1$  сохаларида учрашиб, бир-бирини кучайтиради. Бу тулкинлар экраннинг  $A_1$  сохасида

учрашганда эса бир-бирини сусайтиради, аникроги бир-бирини йукотади. Шу мисолни ёругликнинг электромагнит тулкин назарияси асосида мухокама килайлик. Бунинг учун (1) ифодадан фойдаланиб,  $M_1$  ва  $M_2$  лардан чиқаётган ёруглик тулкинларни мос равишда

$$\begin{aligned} E_1 &= E_{1m} \cos(\omega t + \varphi_{10}) \\ E_2 &= E_{2m} \cos(\omega t + \varphi_{20}) \end{aligned} \quad (6)$$

Тенгламалар билан ифодалайлик. Хар кандай электромагнит тулкиннинг, хусусан ёруглик тулкиннинг электр ва магнит майдон кучланганликлари хам майдонлар суперпозицияси принципига буйсунади. Шунинг учун (6) тенгламалар билан ифодаланадиган частоталари бир хил булган икки ёруглик тулкин экраннинг бирор нуктасида учрашиб кушилиши туфайли вужудга келадиган натижавий тулкин хам  $\omega$  частота билан тебранади. Натижавий тулкин амплитудаси ( $E_m$ ) кушилувчи тулкинлар амплитудалари билан куйидагича боғланган:

$$E_m^2 = E_{1m}^2 + E_{2m}^2 + 2E_{1m}E_{2m} \cos(\varphi_1 - \varphi_2) \quad (7)$$

Кушилаётган тебранишлар фазаларининг фарки  $\Delta\varphi = \varphi_1 - \varphi_2 = \varphi_{10} - \varphi_{20}$  вақт утиши билан узгармаса, куйидаги хусусий холларни амалга ошириш мумкин:

1. Фазалар фарки  $\pi$  га жуфт каррали ( $\Delta\varphi = 2k\pi$ ;  $k = 0, 1, 2, \dots$ ), яъни кушилаётган ёруглик тулкинлар бир хил фазада тебранаётган булса, (7) ифодадаги  $\cos(\varphi_1 - \varphi_2) = 1$  булади. шунинг учун натижавий ёруглик тулкиннинг амплитудаси

$$E_m = E_{1m} + E_{2m}$$

булади. Бундай хол экраннинг  $A_0, A_2$  сохаларида амалга ошади.

2. Фазалар фарки  $\pi$  га тоқ каррали ( $\Delta\varphi = (2k - 1)\pi$ ;  $k = 0, 1, 2, \dots$ ), яъни кушилаётган ёруглик тулкинлар карама-карши фазада тебранаётган холда  $\cos(\varphi_1 - \varphi_2) = -1$  булади.

Натижада (7) ифодадан фойдаланиб

$$E_m = |E_{1m} - E_{2m}|$$

деган хулосага келамиз. Шунинг учун экраннинг  $A_1$  сохаларида энг кам ёруглик кузатилади.

3. Фазалар фарки  $(2k - 1)\pi$  билан  $2k\pi$  интервалида булган холларда эса

$$|E_{1m} - E_{2m}| < E_m < E_{1m} + E_{2m} \quad (8)$$

муносабат бажарилади.

Кушилувчи тебранишлар амплитудаси тенг, яъни  $E_{1m} = E_{2m}$  булган хусусий холда, экраннинг  $A_1$  сохаларида кушилувчи ёруглик тулкинлар бир-бирини бутунлай йукотади, натижада коронгулик кузатилади.  $A_0, A_2$  сохаларда эса натижавий ёруглик тулкиннинг амплитудаси 2 марта, интенсивлиги эса 4 марта ошади.

## Когерентлик.

Юнг тажрибасида  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлардан чиқаётган ёруглик тулкинларининг устма-уст тушиши натижасида ёруглик интерференцияси руй беради. Бошқача қилиб айтганда  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлар ёруглик манбалари вазифасини утайди. У ҳолда қуйидаги савол туғилади: хонада икки электр лампа ёруглик таркатиб турган бўлса, хонанинг ёритилган сохаларидаги ёруглик интенсивлиги айрим лампалар туфайли вужудга келувчи интенсивликлар йигиндисига тенг бўлади., яъни ёруглик интенсивлигининг максимум ва минимумлари кузатилмайди. Бунинг сабаби нимада?

Юнг тажрибасини муҳокама қилаётганимизда  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлардан чиқаётган ёруглик тулкинларининг частоталарини бир хил, фазаларининг фарқи эса узгармас деб ҳисоблаганимизни эслайлик ((6) га қаранг). Бу шартлар бажарилганда қушилувчи ёруглик тулкинлар *когерент тулкинлар* дейилади. Когерент ёруглик тулкинлар устма-уст тушгандагина тургун интерференцион манзара кузатилади. Табиий ёруглик манбалари (хусусан, ёниб турган электр лампочкаси ҳам) эса когерент бўлмаган тулкинлар нурлантиради. Ҳақиқатдан, табиий ёруглик манбалари сочаётган ёруглик куп атомлар нурланишининг йигиндисидан иборат. Ҳар бир атом бошқа атомларга боғлиқ бўлмаган ҳолда нурланиш чиқаради. Алоҳида атомнинг нурланиш чиқариш вақти  $10^{-8}$  секундлар чамаси давом этади. Бу вақт давомида атом чиқарган нурланиш (яъни электромагнит тулкин) бир қатор дунглик ва ботикликлардан иборат бўлади. Уни *тулкинлар тизмаси* деб атайлик. Тулкинлар тизмасининг узунлиги (1.5-расмда  $L$  деб белгиланган) топиш учун ёруглик тулкиннинг тезлиги  $c$  ни атомнинг нурланиш вақти  $\tau \approx 10^{-8}$  с га қупайтирамиз:

$$L = c \cdot \tau \approx 3 \cdot 10^8 \text{ м/с} \cdot 10^{-8} \text{ с} \approx 3 \text{ м} \quad (9)$$

Ёруглик манбаидаги атомлар хаотик равишда "чакнаб" ва "учиб" туради. Шунинг учун турли атомлар томонидан чиқарилган тулкин чизмаларининг частоталари, амплитудалари ва бошланғич фазалари турлича бўлади. Ҳатто ёруглик филтёр ёрдамида икки табиий ёруглик манбаидаги бир хил атомлар чиқарадиган бир хил частотали (яъни монохроматик) тулкинларни ажратиб олганимизда ҳам, улардаги алоҳида тизмаларнинг фазалар фарқи узғариб туради. Шунинг учун бундай монохроматик ёруглик тулкинларининг устма-уст тушиши натижасида вужудга келадиган интерференцион манзара жуда қисқа вақт сакланиб туради. Сунг навбатдаги тулкинлар тизмаси туфайли янги интерференцион манзара вужудга келади. Лекин бу манзаранинг максимум ва минимумларнинг жойлашуви олдинги тулкинлар тизмаси туфайли вужудга келган интерференцион манзарадагидан фарқ қилади. Шу тариқа интерференцион манзаралар жуда тез узғариб туради. Инсон кузи эса секунднинг унли улушларига тенг вақт ичидаги узғаришларни сезишга

кодир, холос. Бу вақт ичида интерференцион манзара бир неча миллион марта узгаришга улгуради. Демак, биз бу миллион манзаранинг устма-уст тушишини кузатамиз, холос. Албатта, бунинг натижасида интерференцион максимум ва минимумлардан ҳеч қандай из қолмайди. Шундай қилиб, икки табиий ёруғлик манбаи туфайли интерференцион манзара кузатилмаслигининг сабаби - ёруғлик манбаларидан тарқалаётган нурларнинг когерент эмаслигидир, дея оламиз. У ҳолда ёруғлик интерференциясини қандай амалга ошириш мумкин, деган савол тугилади.


Ёруғлик интерференциясини кузатиш учун бир қанча сунъий усуллардан фойдаланилади. Уларнинг барчасининг ҳам принципи шундан иборатки, бир манбадан чиқаётган ёруғлик нурланиш икки қисмга ажратилади, сунг улар интерференциялашиши учун учраштирилади (1.5-расмга қ.). Бу тулкинлар ажралиш жойидан учрашиш жойигача турли йулларни босиб утади. 1.5-расмда икки ҳол тасвирланган: а) 1 нур қисқарок, 1' нур эса узунрок йулни босиб утади. Бу иккала нурларнинг  $\Delta l$  йул фарқи тулкин тизмасининг  $L$  узунлигидан катта. Натижада бир атом томонидан нурлантирилган, аммо турлича узунликдаги йулларни босиб утаётган ёруғлик тулкинлар интерференциялашмайди, чунки 1' тулкин тизмасининг боши учрашиш нуқтасига етиб келганда, қисқарок йул босаётган 1 тулкин тизмасининг охири учрашиш нуқтасидан утиб кетган бўлади. б) 2 ва 2' тулкин тизмаларининг  $\Delta l$  йул фарқи тулкин тизмасининг  $L$  узунлигидан кичик бўлганлиги учун улар интерференциялашади. Аммо 2 тулкин тизмасининг бир қисми ( $\Delta l$  га тенг қисми) учрашиш нуқтасидан утиб бўлганда, 2' тулкин тизмасининг боши учрашиш нуқтасига етиб келади. Натижада 2 ва 2' лар бир-бири билан тулик эмас, балки қисман учрашади. Шунинг учун  $\Delta l$  катталашган сари интерференцион манзара сусайиб боради. Интерференцион қурилмалардаги йул фарқи тулкин тизмасининг узунлигидан жуда кичик бўлади. Шу сабабли бу нурларда интерференцион манзара деярли сусаймайди.

Одатда, тулкин тизмасининг  $L$  узунлиги *когерентлик масофаси*, атомнинг нур чиқариб туриш вақти  $\tau$  эса *когерентлик вақти* дейилади.


Шу принцип, яъни табиий ёруғлик манбаидан чиқаётган нурнинг узини узи билан интерференциялаштириш принципи асосида ёруғликнинг бир қатор интерференция усуллари амалга оширилган.

Юқорида муҳокама қилинга Юнг тажрибасида  $M_1$  ва  $M_2$  тиркишлар икки когерент манбалардек хизмат қилади.

Когерент манбаларни ҳосил қилишда энг қўл қўлланиладиган усул Френель кузгуларидан фойдаланишдир (1.6-расм). Иккита ясси кузгу бир-бирига  $180^\circ$  га яқин бурчак остида ёндоштирилади.  $M$  манбадан чиқаётган ёруғлик нурлари кузгулардан қайтиб шундай йуналадики, бу йуналишларни тесқари томонга давом эттирсак (расмдаги пунктир чизиклар), улар кузгулар орасидаги  $M_1$  ва  $M_2$  нуқталарда учрашади. Бу нуқталар  $M$  манбанинг кузгулардаги тасвирларидир. Демак, кузгулардан



1.6.- Расм



1.7.- Расм

кайтиб Э экранга тушаётган ёруглик нурлари худди  $M_1$  ва  $M_2$  мавхум когерент манбалардан чикаётгандек булади. Улар экранда тургун интерференцион манзарани хосил килади. Френель бипризмасидан фойдаланиш ҳам когерент ёруглик нурларини хосил қилиш имконини беради (1.7-расм). Бу холда мавхум когерент манбалар ( $M_1$  ва  $M_2$  лар) табиий ёруглик манбаи  $M$  дан чикаётган нурларнинг бипризмада синиши туфайли вужудга келади.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Ёруглик тулқинлари қандай тулқинлар?
2. Электромагнит тулқинларнинг тенгламаси ва турларини изохлаб беринг.
3. Монохроматик ёруглик тулқини деганда нимани тушунаси?
4. Ёруглик оқими ва интенсивлиги нима?
5. Ёруглик интерференцияси деб қандай ходисага айтилади?
6. Когерентлик шартини қандай тушунтирасиз?

### Таянч суз ва иборалар

Ёруглик тулқинлари - киши онгидан ташқаридаги объектив борликдан қуриш сезгиларига таъсир уйғота оладиган сабабчи.

Монохроматик ёруглик тулқини тебранишлар частоталари бир хил булган, маълум рангли ёруглик сифатида намоён булади.

Ёруглик интенсивлиги - ёруглик нурларининг йуналишига тик булган  $1\text{ м}^2$  юзадан  $1\text{ с}$  да утаётган энергия оқими.

Интерференция ходисаси - ёруглик тулқинлари (когерент) нинг фазонинг бирор нуктасида қушилиб, бир-бирини қучайтириш ёки сусайтириш.

Оптик йуллар фарқи-геометрик йуллар фарқини мухитнинг синдириш курсаткичига қупайтмасига тенг. Когерент тулқин деб вақт утиши билан фазалар фарқи урганиладиган тулқинга айтилади.

### Тест-синов саволлари



1. Табий еруглик тулкин узунлиги  $\lambda$  мкм кайси дипазонда узгаради?

а) 0,4-0,75; в) 0,3-0,7; с) 0,2-0,75; д) 0,5-1,0 ;

2. Оптик йуллар фарки  $dx$ , геометрик йуллар фарки  $dL$  билан кандай боғлиқ?

А)  $dx=ndL$ ; В)  $dx=dL/n$ ; с)  $dx=2dL/n$ ; д)  $dx=2ndL$

3. Юнг интерференциясида, тешиklar орасидаги масофа  $d$ , тешикдан экранга булган масофа  $L$  булиб,  $\lambda$ -тулкин узунлигидаги еруглик тушмоқда, кушни интерференция максимумлар орасидаги масофа  $dx$  аниклансин.

а)  $\Delta x = \lambda L/d$  в)  $\Delta X = \lambda d/L$  с)  $\Delta X = \Delta L/\lambda$  д)  $\Delta X = 2\Delta L/\lambda$

4. Монохроматик еругликнинг интерференцияланувчи иккта тулкинлар орасидаги оптик йули фарки  $\Delta X = 0,3\lambda$ ; фазалар фарки аниклансин.

А)  $0,6\pi$  в)  $\pi$  с)  $1,5\pi$  д)  $2\pi$

5. Узунлиги 2,4мм булган , тебраниш частотаси  $5 \cdot 10^6$  гц булган монохроматик еругликнинг вакумда нечта тулкин узунлиги жойлашади?

А) 2000 в) 3000 с) 4000 д) 5000

#### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т., “Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон”, 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## МАЪРУЗА-2.

### ЁРУГЛИК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИНИ КУЗАТИШ УСУЛЛАРИ: ЮПКА ПЛАСТИНКАЛАРДАГИ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ. НЬУТОН ХАЛКАЛАРИДАГИ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ХОДИСАЛАРИ.

**Маърузанинг маъсади:** ёруғликнинг интерференцияси ходисасини кузатиш усуллари ва шартлари, когерентлик шартлари асосида маълумотлар баён иилинади. Гюгенс принципи асосида ёруғликнинг тўғлиқ табиати ёрдамида интерференцияни кузатиш усуллари билан, интерференциянинг тузилиши уларнинг ишлаш тамоили билан оптек йўл фарқи хосил иилиниши хаида, интерференция ходисасини йўлланлиши тўғрисида таништирилади.

Бунинг учун йўйидаги мавзуларни куриб ўтамиз:

**Ёруғлик интерференциясини кузатиш усуллари.**

**Юпка пластинкалардаги интерференция.**

**Ньютон халкаларидаги интерференция ходисалари.**

Икки реал ёхуд мавхум когерент ёруғлик манбалари чизма текислигида бир-биридан  $d$  масофа узокликда жойлашган булсин (2.1-расм). Манбаларга параллель килиб улардан  $l$  масофа узокликдаги ( $l \gg d$ ) Э экран жойлаштирайлик. Экранда ихтиёрий А нуктани танлаб олайлик. Бу нукталарнинг манбалардан узоклигини мос равишда  $l_1$  ва  $l_2$  деб, экраннинг марказий чизигидан узоклигини  $x$  деб белгилайлик.

Бу нуктага когерент  $M_1$  ва  $M_2$  манбалардан етиб келаётган ёруғлик тулкилар учун йўл фарқини хисоблайлик. 2.1- расмдан куринишича  $l_1$  ва  $l_2$  лар тугри бурчакли учбурчакларнинг гипотенузалари. Шунинг учун кўйидагиларни ёзиш мумкин:


$$l_2^2 = l^2 + \left(x + \frac{d}{2}\right)^2$$

$$l_1^2 = l^2 + \left(x - \frac{d}{2}\right)^2$$

Бу ифодаларни бир-биридан айирсак,  
 $l_2^2 - l_1^2 = 2xd$  ёки  $(l_2 - l_1)(l_2 + l_1) = 2xd$   
булади.

Агар  $l_2 - l_1 = \delta$  белгилаш киритсак,  
юкоридаги ифодадан

$$\delta = \frac{2xd}{l_2 + l_1} \quad (1)$$



2.1.- Расм

келиб чиқади. Лекин  $l \gg d$  деб шартлашган эдик. Шунинг учун  $l_2 + l_1 \approx 2l$  деб ҳисоблаш мумкин. Натижада (1) ифода

$$\delta \approx \frac{2xd}{2l} = x \frac{d}{l} \quad (2)$$

қурилишга келади. Агар  $\delta$  нинг қиймати ёруклик тулкининг ярим узунлиги ( $\lambda_0/2$ ) га жуфт қаррали бўлса, А нуктага когерент манбалардан етиб келаётган тулкин тизмалари бир хил фазаларда бўлади. бир хил фазалардаги тебранишларнинг қушилиши натижасида вужудга келган натижавий тебраниш амплитудаси қушилувчи тебранишлар амплитудаларининг йигиндисига тенг бўлади.

Агар  $\delta$  нинг қиймати ( $\lambda_0/2$ ) га тоқ қаррали бўлса, манбалардан А нуктага етиб келаётган тулкин тизимлари қарама-қарши фазаларда бўлади. Бу ҳолда натижавий тебраниш амплитудаси қушилувчи тебраниш амплитудаларининг айирмасига тенг бўлади. Ёруклик интенсивлиги эса тулкин амплитудасининг квадратига пропорционал. Шунинг учун экрандаги *интерференцион манзаранинг максимум ва минимум шартлари* қуйидаги қурилишга келади:

$$\delta_{\text{макс}} = \pm 2k \frac{\lambda_0}{2}; k = 0, 1, 2, \dots \quad (3)$$

$$\delta_{\text{мин}} = \pm (2k + 1) \frac{\lambda_0}{2}; k = 0, 1, 2, \dots \quad (4)$$

Булардан қурилиб турибдики, экраннинг марказий чизиги бўйлаб интенсивликнинг максимуми, бу максимумдан икки томонга қараб ( $x$  уқи бўйича) навбатма-навбат қоронгу ва ёруғ соҳалар қузатилади. Шунинг ҳам қайд қилайликки, юқорида баён этилган интерференцион манзаралар чизикли манбалар (масалан, энсизгина узаро параллель тиркишлар) учун уринли. Шунинг учун экрандаги ёруғ ва қоронгу соҳалар (максимум ва минимумлар) йул-йул полоса тарзида қузатилади. (3) ва (4) ифодалардан фойдаланиб, икки қетма-қет максимумларнинг (масалан,  $k$  ва  $k+1$  максимумлар) экраннинг марказий чизигидан узокликлари

$$x_k = k \lambda_0 \frac{l}{d} \quad (5)$$

$$x_{k+1} = (k+1) \lambda_0 \frac{l}{d}$$

эканлигини топамиз. Уларнинг бирини иккинчисидан айирсак, интерференцион манзарадаги икки қушни максимумлар орасидаги масофа

$$\Delta x = x_{k+1} - x_k = \lambda_0 \frac{l}{d} \quad (6)$$

бўлади. Бундан  $\Delta x$  қатталиқ ёрукликнинг тулкин узунлигига ва тажриба параметрларини ифодаловчи  $l/d$  нисбатга боғлиқ, деган хулосага келамиз. Шунинг учун тажрибада монохроматик ёруклик эмас, балки оқ ёрукликдан фойдаланилса, оқ ёруклик таркибидаги турли рангли ёрукликлар учун

интерференцион манзаралар бир-бирига устма-уст тушмайди. Натижада ранг-баранг товланадиган интерференцион манзарани кузатамиз. Хакикатдан, (б) ифодага асосан, бинафша нурлар ( $\lambda_0=0,40$  мкм) нинг икки кушни максимумлари орасидаги масофа кизил нурлар ( $\lambda_0=0,75$  мкм) нинг икки кушни максимумлари орасидаги масофадан кичик. Бу хол 1.8-г расмда тасвирланган.

### Юпка пластинкалардаги интенференция.


Бу пластинканинг устки ва остки текисликлари узаро параллель. Калинлиги  $d$  га тенг. Пластинкага бирор  $i$  бурчак остида параллель нурлар, яъни ясси ёруглик тулкин тушаётган булсин. Бу нурлардан хаёлан иккитасини (расмда 1 ва 2 деб белгиланган) ажратиб, улар хакида мулохаза юритамиз. Нурларга перпендикуляр равишда утказилган АВ текислик ясси ёруглик тулкиннинг фронтидир. Бу текисликка етиб келган вақтда 1 ва 2 нурларнинг фазалар фарки

$$\Delta\varphi = \varphi_1 - \varphi_2$$

ва йулла фарки

$$\delta = 0$$

булади. (2.2-расм) А нуктага тушаётган 1 нур кисман кайтади (расмда 1' деб белгиланган), кисман синиб АД йуналишда давом этади. Синган нур пластинканинг остки текислигигача



2.2.- Расм

етиб боргач, кисман синиб пластинкадан хавога чикади. Бошка кисми эса DC йуналишда пластинка ичига кайтади. Кайтган бу нур пластинканинг устки текислигидан кисман кайтади, кисман синиб хавога чикади (нурнинг бу кисми 1'' деб белгиланган). Лекин C нуктага ясси ёруглик тулкиннинг 2 нури хам тушади. 2 нурнинг пластинка устки текислигидан кайтган кисми (расмда 2' деб белгиланган) ва 1'' нур интерференциялашади, чунки пластинканинг устки ва остки текисликларидан кайтган бу нурлар узаро когерентдир. Агар пластинка  $\lambda_0$  тулкин узунлиги монохроматик нурлар билан ёритилаётган булса, C нуктадаги ёруглик интенсивлиги 1 ва 2 нурлар учрашгунча босиб утган йулларининг фаркига боглик булади. 1 нур ADC йулни, 2 нур эса BC йулни босиб утади. Лекин йулла фарки бу икки йулнинг геометрик айирмасига тенг деб булмайди. Бунинг сабаби шундаки, 1 нур синдириш курсаткичи  $n$  булган пластинка ичидаги, 2 нур эса вакуумдаги йулларни босиб утади. Шунинг учун 1 ва 2 нурларнинг геометрик йулла фаркини эмас, балки оптик йулла фаркини хисоблаш керак. У холда, аввал оптик йул узунлиги деб аталувчи тушунча билан танишайлик.

Ёруглик тулкин синдириш курсаткичи  $n$  булган мухитда вакуумдагига нисбатан  $n$  марта кичик тезлик билан ( $v = \frac{c}{n}$ ) билан таркалади. Шунинг учун вакуумда ёруглик тулкин бирор чекли вақт давомида мухитдагига нисбатан  $n$  марта узунрок йулни босиб ута олади. Бу йул узунлигини оптик йул узунлиги деб аташ одат булган. Бошқача килиб айтганда, оптик йул узунлиги - синдириш курсаткичи  $n$  булган мухитда ёруглик тулкин бирор масофани босиб утиши учун кетган вақт давомида ёруглик вакуумда қандай йулни босиб утиши мумкинлигини курсатувчи катталиқдир.

Бундан ташқари, ёруглик тулкин оптик зичлиги кичикрок мухит билан оптик зичлиги каттарок мухит чегарасидан қайтганда унинг фазаси  $\pi$  га узгаради. Бундай ҳолат муҳокама қилинаётган мисолда 2 нурнинг  $C$  нуктадан қайтишида содир булади. буни ҳисобга олиш учун йуллар фарқини ҳисоблаётганда  $\delta$  га ёругликнинг вакуумдаги ярим тулкин узунлиги кушиш ёхуд айириш керак.

Натижада 1 ва 2 нурларнинг  $C$  нуктадаги опти йуллар фарқи

$$\delta = (AD + DC) \cdot n - BC + \frac{\lambda_0}{2} \quad (7)$$

булади. Тригонометрик формулалар ёрдамида  $AD$ ,  $DC$ ,  $BC$  ларни пластинка қалинлиги  $d$  ва ёругликнинг тушиш бурчаги  $i$  орқали ифодалаш мумкин. У ҳолда (1.16) ифода қуйидаги қурилишга келади:

$$\delta = 2d\sqrt{n^2 - \sin^2 i} + \frac{\lambda_0}{2} \quad (8)$$

Бу ифодага асосан,  $\delta$  нинг қиймати нурларнинг тушиш бурчаги  $i$ , пластинка моддасининг синдириш курсаткичи  $n$  ва қалинлиги  $d$  га боғлиқ. Қуйидаги ҳолларни қурайлик:

1. Ясси-параллел пластинкага тушаётган барча нурлар учун  $i = \text{const}$  булсин, яъни пластинкага  $\lambda_0$  тулкин узунликли монохроматик параллель нурлар тушаётган булсин. У ҳолда пластинканинг устки ва остки текисликларидан қайтган нурларнинг интерференциялашиши натижасида ёруглик интенсивлигининг максимуми

$$2d\sqrt{n^2 - \sin^2 i} + \frac{\lambda_0}{2} = 2k \frac{\lambda_0}{2} \quad (k=0, 1, 2, \dots) \quad (9)$$

шарт бажарилганда, минимуми эса

$$2d\sqrt{n^2 - \sin^2 i} + \frac{\lambda_0}{2} = (2k + 1) \frac{\lambda_0}{2} \quad (k=0, 1, 2, \dots) \quad (10)$$

шарт бажарилганда кузатилади. Пластинка ясси-параллель, яъни пластинканинг барча қисмларининг қалинлиги бир хил булганлиги учун пластинканинг барча соҳаларида  $\delta$  нинг қиймати бир хил булади. Шунинг учун (9) шарт бажарилган тақдирда пластинка юзининг барча қисми  $\lambda_0$  тулкин узунликли нурнинг рангига буялгандек қуринади. (10) шарт бажарилганда эса пластинканинг юзи қоронгу булади.

2. Нурлар параллель, яъни  $i = \text{const}$ , лекин  $d$  узгарувчан булсин. Бу холни куйидаги тажрибада амалга ошириш мумкин. Бир-бирининг устига куйилган икки ясси-параллел пластинкаларнинг оралигига бир томондан юпка шиша булакчасини кистириб куйсак, бу икки пластинка оралигидаги хажм понасимон хаводан иборат булади.

Бу хаво пона калинлиги аста-секин узгариб борувчи пластинкадир. Факат бу пластинканинг моддаси хаводан иборат. Хаво понасининг А соҳасида калинлик жуда кичик. Шунинг учун понанинг шиша пластинкалар билан чегарадош устки ва остки катламларидан кайтаётган нурларнинг йуллар фарқи  $\delta = \frac{\lambda_0}{2}$  га жуда якин булади. Понанинг калинрок соҳаси томон

силжиганимизда шундай В соҳага етиб келамизки, бу ерда  $\delta = 2 \frac{\lambda_0}{2}$


булади. Янада калинрок соҳалар томон юрганимизда  $\delta = 3 \frac{\lambda_0}{2}$  булган С

соҳа,  $\delta = 4 \frac{\lambda_0}{2}$  булган D соҳа ва хоказоларга дуч келамиз, шунинг учун  $\lambda_0$

тулкин узунликли монохроматик параллель нурлар билан ёритилаётган понанинг сиртида навбатма-навбат келувчи коронгу ва ёруг йул-йул соҳалар (полосалар) намоён булади.

Ясси шиша пластинкага радиуси R булган ясси каварик линза куйилган булсин. 2.3-расмда бу системанинг кесими тасвирланган.

Линза билан шиша пластинка оралигида хаво катлами хосил булади. Линза билан пластинканинг туташ нуктаси В дан узоклашган сари хаво катламининг калинлиги ортиб боради. Линзанинг ясси томонига тик равишда параллель монохроматик нурлар тушаётган булсин. Шу нурлар ичидан



2.3.- Расм

бирини хаёлан ажратиб курайлик. Бу нур С нуктага етиб боргач, қисман кайтади, қисман хаво катлами ичига кириб боради. Нурнинг бу иккинчи кими D нуктадан кайтгач, (тушиш бурчаги нолга тенг булгани учун хаво катламининг устки ва остки қисмларидан кайтиш бурчаклари ҳамда синиш бурчаги нолга тенг), С нуктадан кайтган нур билан интерференциялашади. Интерференциялашувчи нурларнинг йуллар фарқи хаво катламининг калинлиги  $d$  га боғлиқ. Тажрибада кулланилаётган ясси каварик линза R радиусли сферанинг бир булагидан иборат булгани учун линза билан пластинканинг туташ нуктаси В дан бир хил узокликдаги нукталар учун (бу нукталар маркази В да жойлашган  $r$  радиусли айланалардан иборатдир) хаво катламини чегараловчи сиртлардан кайтувчи нурларнинг йуллар фарқи бир хил булади. Шунинг учун В нукта

атрофида коронгу ва ёруг концентрик халкалар кузатилади. Бу тажрибани биринчи марта Ньютон амалга оширганлиги учун интерференцион манзара Ньютон халкалари дейилади.  $k$ -халканинг радиуси  $r_k$  ва унга мос булган хаво катламининг калинлиги  $d$  орасидаги боғланишни аниқлайлик. Тугри бурчакли АОС учбурчакдан куйидаги тенгликни ёза оламиз:

$$R^2 = r_k^2 + (R-d)^2$$

Бу тенгликни содалаштириб ва  $d^2$  хадни кичиклиги туфайли хисобга олмасдан

$$d \approx \frac{r_k^2}{2R}$$

ифодани хосил киламиз. Натижада хаво катламини чегараловчи сиртлардаги С ва D нукталардан кайтган нурларнинг йуллар фарки

$$\delta = 2CD + \frac{\lambda_0}{2} = 2d + \frac{\lambda_0}{2} = \frac{r_k^2}{R} + \frac{\lambda_0}{2} \quad (11)$$

ифода билан аниқланади.

Интерференцион максимум ва минимум ((3) ва (4) ифодаларга қаранг) шартларидан фойдалансак,

$$\delta = \frac{r_k^2}{R} + \frac{\lambda_0}{2} = 2k \frac{\lambda_0}{2} \quad (12)$$

тенглик бажарилганда ёруг халкалар,

$$\delta = \frac{r_k^2}{R} + \frac{\lambda_0}{2} = (2k+1) \frac{\lambda_0}{2} \quad (13)$$

тенглик бажарилганда эса коронгу халкалар вужудга келади. Бу икки тенгликдан ёруг халкаларнинг радиуслари

$$(r_k)_{\text{макс}} = \sqrt{(k-1/2)\lambda_0 R} \quad (14)$$

ифода орқали, коронгу халкаларнинг радиуслари эса

$$(r_k)_{\text{мин}} = \sqrt{k\lambda_0 R} \quad (15)$$

ифода орқали аниқланишини топамиз. Коронгу халкалар интерференцион манзаранинг бошидан марказидан бошланади. Шунинг учун коронгу халкаларнинг хисоби  $k=0$  дан, ёруг халкаларнинг хисоби эса  $k=1$  дан бошланади.

Шуни ҳам қайд қилайликки, агар тажрибаларда монохроматик нур эмас, балки ок ёругликдан фойдаланилса, интерференцион манзаралар ранг-баранг буялган булади.

Юқорида қурилган иккала мисолад ҳам айрим сохалардаги интерференциялашувчи нурлар учун йуллар фарки доимий булишининг сабаби мухит (биз қурган мисолларда хаво пона ва хаво катлами) калинлигининг доимийлигидир. Бошқача айтганда, шу мисоллардаги ёруг ва коронгу сохаларнинг ҳар бири мухитнинг бирдай калинликдаги жойларидан кайтган ёруглик нурларининг интерференциялашиши сабабли

вужудга келади. Шунинг учун юкоридаги тажрибаларда кузатилган полосаларни (1-мисол) ва халкаларни (2-мисол) бирдай калинлик полосалари ва халкалари дейилади.

3. Пластинка калинлиги узгармас, яъни  $d=\text{const}$  булсин, лекин нурларнинг тушиш бурчаклари хар хил. Бу холни куйидаги тажрибада амалга ошириш мумкин. Ясси-параллел пластинкага М нуктавий манбадан ёруглик тушаётган булсин. Турли бурчаклар ( $i_1=i_2=i_3$ ) остида тушаётган нурлар пластинканинг устки ва остки сиртларидан кайтиб, Л линзанинг фокал текислигида жойлашган Э экранда учрашади ва интерференциялашади. Агар тажрибада монохроматик нурлардан фойдаланилса, ёруглик интерференциясининг натижаси факат тушиш бурчаги  $i$  га боглик, холос. Бу холда интерференцион манзара нисбатлашувчи эгри чизик шаклидаги йул-йул ёруг ва коронгу полосалардан иборат булади. хар бир полоса нурлар тушиш бурчагининг бирор кийматига мос келади. Шунинг учун бу полосалар бирдай киялик полосалари деб аталади. Пластинкага ок ёруглик тушаётган булса, экранда ранг-баранг бирдай киялик полосаларининг системаси намоён булади.

Шуни хам кайд килиш лозимки, юпка пластинкалардаги интерференция факат кайтган ёругликдагина эмас, балки утган ёругликда хам кузатилади.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Ёруглик интерференциясини кузатиш усулларини айтиб беринг.
2. Гюйгенс принципини изохлаб беринг.
3. Юпка пластинкадаги ёруглик интерференциясида максимум ва минимум шартлари кандай аникланади?
4. Ньютон халкаларида интерференция ходисаси кандай амалга ошади?

### Таянч суз ва иборалар

Оптик йул узунлиги - ёруглик тулкинларининг мухитда бирор масофани босиб утиши учун кетган вақт давомида ёруглик вакуумда кандай йулни босиб утишини курсатувчи катталиқ.

Ёруглик интерференцияда максимум ва минимум шартлари - кушилувчи тулкинларнинг оптик йул фарки ( $\Delta$ ) га боглик булади:

$$\Delta_{\text{макс}} = \pm 2k \frac{\lambda}{2} ; k=0, 1, 2, \dots$$

$$\Delta_{\text{мин}} = \pm (2k+1) \frac{\lambda}{2} ; k=0, 1, 2, \dots$$

$\lambda$  - ёруглик тулкин узунлиги.



## Тест-синов соволлари

1. Еругликнинг тулкинингсиндириш курсаткичи  $n$  булган мухитда босиб утган оптик йули  $x$  ва геометрик йул узунлиги  $L$  узаро кандай боғланган?

А)  $L=x \cdot n$ ; в)  $x=L \cdot n$ ; с)  $x=L/n$ ; д)  $L=2x/n$

2. Кайтган еругликнинг фазаси кайси холда  $\pi$  га узгаради?

А) Агар еругликнинг оптик зичлиги катта мухитдан оптик зичлиги кичик мухитга тушса.

В) Агар еругликнинг оптик зичлиги кичик мухитдан оптик зичлиги катта мухитга тушса.

С) Агар еруглик мухитга тик тушса ;

3. Фабри Перо-тулкин узунлиги  $\lambda$  ортиши билан еруг халкани радиуси кандай узгаради.

А) камаяди В) ортади С) узгармайди.

4) Гавода турган совун пардасига ( $n=1,3$ ) ои ёрулик нурларининг дастаси нормал тушади. Парданинг кандай энг кичик  $d$  ялинликда тглин узунлиги  $\lambda = 0,55$  мкм бглан яйтган ёрулик интерференция натижасида максимал кучайган бглади?

а) 0,2 мкм

б) 0,1 мкм

с) 0,3 мкм

д) 0,4 мкм

5) Яйтган ёруликда ( $\lambda = 0,6$  мкм) кузатилган. Ньютоннинг иккинчи ёру халисининг диаметри  $d_2 = 1,2$  мм. Тажриба учун олинган ясси явари линзанинг оптик кучи  $D$  анилансин.

а) 1,25 дптр

б) 1,4 дптр

с) 1,5 дптр

д) 1,0 дптр

## Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.

2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992

3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т., “Укитувчи” 1989

4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Ўзбекистон”, 1994

5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## МАЪРУЗА-3.


### ЁРУГЛИК ТУЛКИНЛАРИ ДИФРАКЦИЯСИ. ГЮЙГЕНС-ФРЕНЕЛЬ ПРИНЦИПИ. ДИФРАКЦИОН ПАНЖАРА ВА УНИНГ АЖРАТА ОЛИШ КОБИЛИЯТИ. ФРАУНГОФЕР ДИФРАКЦИЯСИ.

**Маърузанинг маъсади:** Ёруғликнинг тгліин табиати асосида дифракция ходисасини тушинтиришдан иборат.

Гюгенс-Френель принципи ёрдамида Френель зоналарига асосан битта тор тиріиш ёки дифракцион панжарадан ёруғлик тгліинларини уларни айланиб гтаётганда, иккиламчи тгліинлар хосил бглиши ва уларнинг ігшилиши туфайли дифракцион манзарани кузатилиши хаіда маълмотлар баён іилинади.

Ёруғлик дифракцияси деб аталадиган ходисада ёруғлик нурлари шаффофмас тусиклардан эгилиб утиб, геометрик соя сохасига кириб боради. Дифракция сузи лотинча "difrakcio" - "эгилиб утиш" дан олинган.

Масалан, нуктавий монохроматик ёруғлик манбаи М дан таркалаётган ёруғлик нурларининг йулига шаффофмас жисмдан ясалган диск шаклидаги Т тусик жойлаштирилган булсин (3.1- расм).



Геометрик оптика конунларига асосан, Э экранда Т тусикнинг сояси – доира шаклидаги коронгу соха кузатилиши лозим. Тажрибада, хакикатдан, шундай манзара кузатилади. Лекин тусикдан экрангача булган масофа тусик улчамларидан бир неча минг марта катта булган холда экраннинг тусик каршисидаги сохасида коронгулик эмас, балки кетма-кет жойлашган ёруг ва коронгу концентрик халкачалар кузатилади. Худди шундай манзара ёруғлик жуда кичик тиркишдан утганда хам кузатилади.


Геометрик оптика конунларига зид булган ёруғлик дифракциясининг мохияти куйидаги тарзда тушунтирилади: *Гюйгенс принципига асосан, тулкин фронтининг хар бир нуктасини иккиламчи тулкинларнинг манбалари деб хисоблаш мумкин.* Френель эса Гюйгенс принципини такомиллаштириб, бу иккиламчи тулкинларнинг манбаларини когерент манбалар деб ва фазонинг ихтиёрий нуктасидаги тебранишини бу нуктага этиб келган иккиламчи когерент тулкинлар интерференциялашишининг натижаси деб караш лозим, деган фикрни илгари сурди. Френель узи такомиллаштирган принцип (бу принципни *Гюйгенс-Френель принципи* деб аташ одат булган) ёрдамида ёруғлик дифракциясига оид бир катор ходисаларни тушунтирди. Тулкин frontiдаги нукталар, яъни иккиламчи когерент манбалар сони нихоятда куп булгани учун иккиламчи тулкинларнинг фазонинг ихтиёрий нуктасидаги интерференциясини

хисоблаш умумий холда анча кийин масала. Аммо Френель томонидан таклиф этилган тулкин фронтини зоналарга ажратиш усулидан фойдаланиш натижасида бу хисоблашни оддийгина амлга ошириш мумкин.

### Френель зоналари.

Нуктавий монохроматик ёруклик манбаи М дан ёруклик нурлари (уларнинг мухитдаги тулкин узунлиги  $\lambda$ , тезлигини  $v$  деб белгилаймиз) бир жинсли мухитда таркалаётган булсин. Чекли  $t$  вақтдан сунг ёрукликнинг тулкин fronti радиуси  $R=vt$  булган сферик сиртдан иборат булади. 2-расмда шу сферик сиртнинг бир кисми S тасвирланган. Бу сиртдаги барча нукталар – иккиламчи когерент тулкинлар манбаидир.

Фазонинг ихтиёрий А нуктасидаги ёруклик тулкиннинг амплитудасини топайлик. Бунинг учун S сиртнинг барча нукталаридан А нуктага етиб келаётган иккиламчи когерент тулкинларнинг йигиндисини топиш керак. Бу масалани Френельнинг зоналар усулидан фойдаланиб хал киламиз.



3.2.- Расм

М ва А нукталарни тугри чизик билан бирлаштирайлик. Бу тугри чизик S сиртни О нуктада кесиб утади. О нукта S сиртадги барча нукталар ичида А нуктага энг якин жойлашган. ОА ни  $r_0$  оркали белгилайлик. Марказлари А нуктада жойлашган, радиуслари эса мос равишда

$$\begin{aligned} r_1 &= r_0 + \frac{\lambda}{2} \\ r_2 &= r_1 + \frac{\lambda}{2} = r_0 + 2 \frac{\lambda}{2} \\ r_3 &= r_2 + \frac{\lambda}{2} = r_0 + 3 \frac{\lambda}{2} \end{aligned} \quad (2.1)$$

булган сфераларга уткажайлик. Бу сфералар тулкин фронтининг кесиши натижасида S сирт билан бир катор халкасимон зоналарга ажратилади. Уларни *Френель зоналари* деб аташ одат булган. Хисобларнинг курсатишича, Френель зоналарининг юзлари тахминан бир хил булади, деган хулосага келамиз. Аммо Френель зоналарининг номерлари ортган сари зоналардан А нуктагача булган масофалар хам чизикли конун билан жуда секин орта боради (масалан,  $r_3 > r_2 > r_1$ ). Бундан ташкари зоналарнинг номери ортган сари А нуктадан зоналарнинг юзларининг куруниш бурчаклари хам ортиб боради. Шунинг учун зоналардаги *барча иккиламчи тулкинлар манбаларидан А нуктагача етиб келаётган ёруклик тулкинларнинг натижавий амплитудалари* ( $E_{1m}, E_{2m}, E_{3m}, E_{4m}, E_{5m}, \dots$ )

монотон равишда камайиб борувчи сонлар кетма-кетлигини ташиқил этади, яъни

$$E_{1m} > E_{2m} > E_{3m} > E_{4m} > E_{5m} > \dots \quad (2.2)$$

Иккинчи томондан, кушни Френель зоналарининг четки нукталаридан  $A$  нуктагача булган масофалар  $\lambda/2$  га фарк килади. Шунинг учун кушни зоналар  $A$  нуктада уйғотадиган тебранишларнинг фазалари  $\pi$  га фарк килади, яъни карама-карши фазада булади.

Барча зоналар туфайли  $A$  нуктада вужудга келаётган натижавий ёруглик тулкининг амплитудаси  $E_m$  ни топиш учун айрим зоналар  $A$  нуктада вужудга келтираётган тулкиларнинг амплитудаларини кушиш керак. Бунда ток зоналар туфайли вужудга келувчи тебранишлар амплитудаларини мусбат ишора билан олсак, жуфт зоналар уйғотадиган тебранишлар амплитудаларини манфий ишора билан олиш керак. Шундай килиб,

$$E_m = E_{1m} - E_{2m} + E_{3m} - E_{4m} + \dots \quad (2.3)$$

курунишда ёзилиши керак. Бу ифодани куйидаги шаклда ҳам ёзиш мумкин:

$$A = \frac{A_1}{2} + \left( \frac{A_1}{2} - A_2 + \frac{A_3}{2} \right) + \dots + \left( \frac{A_{(R-1)}}{2} - A_R + \frac{A_{(E+1)}}{2} \right) + \dots \quad (2.4)$$

Монотон равишда камайиб борувчи сонлар кетма-кетлигида ((2.2) ифодага кар.) ихтиёрий хад шу хаднинг четидаги хадларнинг уртача арифметик кийматига тенглигини, яъни

$$A_R = \frac{A_{(R-1)} + A_{(R+1)}}{2}$$

эканлигини хисобга олсак, (2.4) да кавслар ичидаги ифодалар нолга тенг булади. Натижада (2.4) ифода куйидаги курунишга келади:

$$A \approx \frac{A_1}{2} \quad (2.5)$$

Демак, барча френель зоналари туфайли  $A$  нуктада уйғотиладиган натижавий тебраниш худди биринчи Френель зонаси таъсирининг ярмидек булар экан. Шунинг учун  $A$  нуктага етиб келаётган ёругликни кесими худди биринчи Френель зонасининг ярмидек булган найча буйлаб таркалаётгандек тасаввур килса булади. Хисобларнинг курсатишича,  $\lambda=0,5$  мкм,  $R=r_0=0,1$  м хол учун биринчи Френель зонасининг радиуси тахминан  $0,00016$  м булади. Шундай килиб, бу холда етарлича катта аниклик билан ёруглик тугри чизик буйлаб таркалади, деб хисоблаш мумкин.

### Френель дифракцияси.

Дифракцион ходисалар икки синфга булинади. Тусикка тушаётган ёруглик тулкининг fronti сферадан иборат булган ва кузатиш нуктаси чекли масофада жойлашган холдаги дифракцион ходисаларни биринчи марта Френель урганган. Шунинг учун бу синфга оид ходисалар *Френель*

*дифракцияси* деб аталади. Тусикка тушаётган нурлар параллел дастанни хосил килган ва дифракцион манзара чексизликда мужассамлашган холдаги ходисаларни Фраунгофер текширган. Шунинг учун бу ходисалар *Фраунгофер дифракцияси* деб аталади.

Френель дифракциясига тааллуқли булган икки ходиса билан танишайлик.

1. *Доиравий тешикдан хосил буладиган дифракция.* Нуктавий монохроматик ёруғлик манбаи (М) дан таркалаётган ёруғлик нурларининг йулига доира шаклидаги тешиги булган шаффоф Т тусик жойлаштирайлик Э экранни тусикка параллел килиб жойлаштираш, М манбадан ва доиравий тешикнинг марказидан утувчи тугри чизик экранни А нуктада кесади. А ни кузатиш нуктаси сифатида танлаб, тусикка етиб келган тулкин фронтдан Френель зоналарини ажратайлик. Тусикдаги тешик зоналардан  $k$  тасини очик колдирайлик. Бу зоналардан А нуктага етиб келаётган ёруғлик тулкинлар амплитудаларининг йигиндиси ((2.3) ифодага асосан) шу нуктадаги натижавий тебраниш амплитудасини ифодалайди, яъни:

$$E_m = E_{1m} - E_{2m} + E_{3m} - E_{4m} + \dots \pm E_{km} \quad (2.6)$$

Бу ифодадаги охириги хаднинг мусбат ишораси  $k$  ток булган хол учун, манфий ишораси эса  $k$  жуфт булган хол учун уринлидир. Тусикдаги доиравий тешик ток сонли Френель зоналарини очик колдирган хол учун (2.6) ифодани куйидаги курунишда ёзиш мумкин:

$$A = \frac{A_1}{2} + \left( \frac{A_1}{2} - A_2 + \frac{A_3}{2} \right) + \dots + \left( \frac{A_{(R-1)}}{2} - A_{(R-1)} + \frac{A_R}{2} \right) + \frac{A_R}{2} = \frac{A_1}{2} + \frac{A_R}{2} \quad (2.7a)$$

Аксинча, тусикдаги тешик жуфт сонли Френель зоналарини очик колдирадиган хол учун (2.6) ифода куйидаги курунишга келади:

$$A = \frac{A_1}{2} + \left( \frac{A_1}{2} - A_2 + \frac{A_3}{3} \right) + \dots + \left( \frac{A_{(R-3)}}{2} - A_{(R-2)} + \frac{A_{(R-1)}}{2} \right) + \frac{A_{(R-1)}}{2} - A_R = \frac{A_1}{2} + \frac{A_{(R-2)}}{2} - A_R$$

Лекин икки кушни зоналар (масалан,  $k-1$  ва  $k$ -Френель зоналари) туфайли А нуктада уйготиладиган тебраниш амплитудалари  $E_{(k-1)m}$  ва  $E_{km}$

бир-биридан кам фарк килгани учун  $\frac{A_{(R-1)}}{2} - A_R \approx -\frac{A_R}{2}$  деб олиш мумкин.

Натижада  $k$  жуфт булган хол учун

$$A = \frac{A_1}{2} - \frac{A_R}{2} \quad (2.7b)$$

$k$  нинг кичик кийматларида (масалан,  $3 \div 5$  га тенг булганида)  $E_{km}$  ва  $E_{1m}$  лар бир-бирига якин сонлар ( $E_{km} \approx E_{1m}$ ) булади. Шунинг учун  $k$  ток булганда А нуктада ёруғлик интенсивлигининг максимуми

( $A = \frac{A_1}{2} - \frac{A_R}{2} \approx A_1$ ),  $k$  жуфт булганда эса минимуми ( $A = \frac{A_1}{2} - \frac{A_R}{2} \approx 0$ )

кузатилади. Тусикдаги тиркиш очик колдирган Френель зоналарининг сони катта булганда  $E_{km} \ll E_{1m}$  булади. Шунинг учун А нуктадаги ёруғлик


тулкиннинг натижавий амплитудаси  $k$  ток булганда  $A = \frac{A_1}{2} + \frac{A_R}{2} \approx \frac{A_1}{2}$ ,  $k$

жуфт булганда ҳам  $A = \frac{A_1}{2} - \frac{A_R}{2} \approx \frac{A_1}{2}$  булади. Бошқача айтганда, бу холда

ёруглик худди шаффофмас тусик булмаган холдагидек таркалади. Юкорида юритилган мулохазалар факат  $A$  нукта учун уринли эканлигини алохида кайд килайлик. Хакикатдан, Э экрандаги чексиз куп нукталар ичидан факат  $A$  нуктани  $M$  билан бирлаштирувчи тугри чизик текширилайётган тусикдаги доиравий тешик учун симметрия уки булиб хизмат килади. Бу холда тусикдаги доиравий тешик очик колдирган булади.

Лекин экраннинг тусикдаги доиравий тешик очик колдирадиган Френель зоналарининг манзараси узгача булади. Бу холда тусик учинчи Френель зонасини кисман беркитяпти. Аммо туртинчи Френель зонасининг бир кисми доиравий тешикка тугри келади, яъни очилади.  $A$  нуктадан янада узокрокдаги нукта учун эса тешик очик колдирган зоналарнинг манзараси янада бошқача булади. Бу эса экраннинг  $A$  нуктадан турлича узокликдаги  $A_1, A_2, \dots$  нукталарида ёруглик интенсивлигининг турлича булишига сабаб булади.

2. *Доиравий дискдан хосил буладиган дифракция.* Нуктавий монохроматик ёруглик манбаи  $M$  дан таркалаётган нурлар йулига доиравий диск шаклидаги шаффофмас тусикни жойлаштирайлик (3.3-расм). Э экранни эса тусикка параллел килиб жойлаштирамиз.  $M$  манба ва доиравий дискнинг марказидан утувчи тугри чизик экранни  $A$  нуктада кесади.  $A$  ни кузатиш нуктаси сифатида танласак, тусик  $S$  тулкин frontiдаги Френель зоналарининг  $k$  тасини беркитади. Шуинг учун  $A$  нуктадаги ёруглик тулкиннинг амплитудаси  $k+1$  ва ундан катта номерли Френель зоналаридан келаётган тулкинлар амплитудаларининг йигиндисига тенг булад, яъни:



$$A = A_{(R=1)} - A_{(R=2)} + A_{(R=3)m} - \frac{A_{(R=1)}}{2} + \left( \frac{A_{(R=1)}}{2} - A_{(R=2)} + \frac{A_{(R=3)}}{2} \right) + \frac{A_{(R=1)}}{2} \quad (2.8)$$

$k$  унчалик катта булмаган холлар учун  $E_{1m}$  ва  $E_{(k+1)m}$  бир-биридан кам фарк килади. Шу сабабли  $A$  нуктадаги ёруглик интенсивлиги худди манба ва экран оралигида хеч кандай тусик булмаган холдагидек булади. Лекин  $A$  нуктадан бирор масофа узокликдаги  $A_1$  нуктани кузатиш нуктаси сифатида танласак, доиравий диск  $k+1$  Френель зонасини кисман беркитади, иккинчи томондан  $k$  зона кисман очилади. Шунинг учун  $A_1$  нуктадаги ёруглик интенсивлиги  $A$  нуктадагига нисбатан заифрок булади.  $A_1$  дан ҳам узокрок жойлашган  $A_2$  ни кузатиш нуктаси сифатида танлаганимизда эса тусик Френель зоналарини янада бошқачарок тарзда

беркитади. Натижада экраннинг А нуктадан турлича узокликдаги нукталарида ёруглик интенсивликлари булади. Дифракцион манзара эса нисбатлашуви ёруг ва коронгу халкалар қуринишида булиб, k нинг ток кийматларида ҳам, жуфт кийматларида ҳам манзаранинг маркази (яъни А нукта) ёруг булади. Экранда А нуктадан узоклашиб геометрик соя сохасидан чиқилганда дифракцион манзара сезилмайдиган даражада хиралашган булади. Бунинг сабаби бу сохада дифракцион манзаранинг устига кучли ёругликнинг тушишидир.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Ёруглик дифракцияси қандай ходиса?
2. Гюйгенс-Френель принципи қандай изоҳланади?
3. Фраунгофер ва Френель дифракцияларининг фарқи нимада?

### Таянч суз ва иборалар

Дифракция ходисаси – ёруглик тулкинларининг тусикни айланиб утиб, геометрик соя сохасига қира олишидир.

Гюйгенс принципи – тулкин фронтининг ҳар нуктасини иккиламчи тулкинларнинг манбалари деб ҳисобланади.

Френель принципи – иккиламчи тулкинларни когерент манбалар деб, фазонинг ихтиёрий нуктасидаги тебранишни, бу нуктага етиб келган иккиламчи когерент тулкинлар интерференциясининг натижаси деб изоҳланади.

### Тест синов саволлари

1. 1. уйдаги шартлардан қайси бири бажарилганда Ёруглик дифракцияси аниқроқ кузатилади.

(d-тўғлиқнинг қўлчами,  $\lambda$ -тўғлиқнинг узунлиги)

а)  $d \gg \lambda$ ; в)  $d \sim \lambda$ ; с)  $d > \lambda$

2. Френелининг қўлғини зоналаридан келатган тўғлиқларнинг кузатиш нуқтасидаги оптик йўллар фарқи  $\Delta X$  тўғлиқнинг узунлиги  $\lambda$  билан қандай муносабатда?

А)  $\Delta X = \lambda$  в)  $\Delta X = \frac{\lambda}{2}$ ; с)  $\Delta X = \frac{3\lambda}{2}$  д)  $\Delta X = 2\lambda$

3. Агар тасвир вазиятини топиш учун тўғлиқнинг фронтидан  $b=1\text{ м}$  масофада турган кузатиш нуқтаси учун бажарилаётган бўлса, ясси тўғлиқнинг фронти учун ( $\lambda=0,5\text{ мкм}$ ) бешинчи Френель зонасининг радиуси  $r_5$  қанчалик?



А)1,58мм в)1,62мм с)1,5 д)2мм

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси , М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т.,”Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон” , 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## МАРУЗА - 4

### ФРАУНГОФЕР ДИФРАКЦИЯСИ.

**Маърузанинг маисади:** Френель ва Фраунгофер дифракцияларнинг фарқи уларнинг табиати ва иглланилиши урганилади.

Параллел нурлар тушаётган  $T$  тусикда узунлиги кенглиги ( $BC=a$ ) дан анча катта булган тиркиш мавжуд.

Тиркишнинг оркасига йигувчи  $L$  линзани, линзанинг фокал текислигига эса  $E$  экранни жойлаштирайлик. Текширилаётган холда тусикка тушаётган монохроматик ясси ёруглик тулкиннинг fronti, тиркиш текислиги ва экран текислиги узаро параллелдир. Тиркишга етиб келган тулкин сиртининг барча нукталарида тебранишлар бир хил фазада содир булади. Бирок бошлангич йуналиш билан бирор  $\phi$  бурчак хосил килиб таркалаётган иккиламчи тулкинлар экраннинг  $A$  нуктасига (линза йигувчи булганлиги учун кузатиш бурчга  $\phi$  нинг хар бир кийматига экраннинг бирор нуктаси мос келади) бир хил фазада етиб келмайди, чунки бу нурлар оптик йулларининг узунликлари бир хил эмас. Тиркишнинг чап ( $B$ ) ва унг ( $C$ ) чеккаларидан  $A$  нуктага етиб келаётган ёруглик нурларининг оптик йуллар фаркини топайлик. Бунинг учун  $C$  нуктадан нурлар йуналишига перпендикуляр  $CD$  ни туширамиз. У холда  $BD=BC \cdot \sin\phi = a \cdot \sin\phi$  кесма изланаётган йуллар фарки булади.  $BD$  ни хаёлан  $\lambda/2$  узунликдаги кесмачаларга ажратайлик. Бу кесмачаларнинг охирларидан  $CD$  га параллел текисликларни  $BC$  билан учрашгунча давом этгирсак, тиркишдаги  $BC$  тулкин фронтини бир хил кенгликдаги тасмачаларга ажратган буламиз. Ёнма-ён жойлашган икки тасмачанинг мос нукталаридан танланган йуналиш буйича (яъни  $\phi$  бурчак остида)  $A$  нуктага етиб келаётган нурларнинг йуллар фарки  $\lambda/2$  га тенг булади. Шунинг учун бу тасмачаларни Френель зоналари деб карашимиз мумкин. Тиркишга тугри келган Френель зоналарини топиш учун

$$\frac{a \sin\phi}{\frac{\lambda}{2}} \quad (2,9)$$

нисбатни аниклаш керак, албатта. Бундан  $a$  ва  $\lambda$  узгармас булганда Френель зоналарининг сони кузатиш бурчаги  $\phi$  га боглик, яъни кузатиш бурчаги канчалик катта булса, тиркишда шунчалик купрок Френель зоналари жойлашади, деган хулосага келамиз. Кузатиш бурчаги  $\phi$  нинг баъзи кийматларида тиркишга мос келувчи Френель зоналарининг сони бутун жуфт сонларга тенг булади, яъни

$$\frac{a \sin\phi}{\frac{\lambda}{2}} = 2R \quad \text{ёки} \quad a \sin\phi = 2R \frac{\lambda}{2}$$

φ нинг бу шартни каноатлантирувчи кийматларига мос келувчи экран нукталарида иккиламчи тулкинлар бир-бирини сундириши натижасида (чунки кушни Френель зоналаридан келаётган тулкинлар карама-карши фазада булади) коронгулик, яъни ёруглик интенсивлигининг минимумлари кузатилади.

Аксинча, φ нинг баъзи кийматларида тиркишга мос келувчи Френель зоналарининг сони бутун ток сонларга тенг булиши мумкин, яъни

$$\frac{a \sin \phi}{\lambda} = 2R + 1 \quad \text{ёки} \quad a \sin \phi = (2R + 1) \frac{\lambda}{2} \quad (R = 0.1.2....)$$

Бу шартни каноатлантирувчи φ нинг кийматларига мос келувчи экран нукталарида иккиламчи тулкинларнинг таъсири факат битта Френель зонасининг таъсиридек булади. Шунинг учун бу нукталарда ёруглик интенсивлигининг максимумлари кузатилади.

Монохроматик ёруглик кулланилган холда ёруглик интенсивлигининг экран буйлаб узгариши 2.6-б расмда тасвирланган. Тиркишнинг тугрисида марказий максимум, унга симметрик равишда икки томонда бошка максимумлар жойлашади. Одатда максимумларга номер берилади. Бу номерлар (2.11) ифодадаги k нинг кийматларига мос келади. Марказий максимум учун k=0. Сунгра биринчи, иккинчи ва хоказо тартибли максимумлар (уларга k=1, 2, 3, ... лар мос келади).

Агар тажрибада монохроматик эмас, балки ок ёруглик кулланилса, турли рангдаги ёругликларнинг дифракцион максимумлари таркалиб кетиши туфайли дифракцион манзара ранг-баранг буялган булади. Тулкин узунлиги λ кичикрок булган ёруглик учун дифракцион максимум хам кичикрок бурчак остида кузатилади. 2.6-в расмда бинафша ва кизил нурлар учун ёруглик интенсивлигининг экран буйлаб узгариши тасвирланган. Экраннинг марказига барча рангдаги ёругликлар келади. Шунинг учун экрандаги марказий (ёки нолинчи) максимумнинг уртаси ок, четлари эса кизгишрок рангда булади. Маркзий максимумнинг икки томонида биринчи, иккинчи ва хоказо тартибли максимумлар жойлашган. Бу максимумларнинг бинафша ранглар марказий максимум томонидаги кисмларни эгаллайди.

### Дифракцион панжара.

*Дифракцион панжара деганда бир-биридан b узокликда жойлашган a кенгликдаги тиркишлар тупламидан иборат оптик асбоб тушунилади. Одатда дифракцион панжара куйидаги усулда ясалади: шаффоф шиша пластинкани махсус машина ёрдамида тирнаб бир-бирига параллел булган энсиз арикчалар хосил килинади.*

Шиша пластинканинг тирналган кисмлари (эни b булган арикчалар) ёруглик нурлари учун шаффофомас булади. Арикчалар оралигидаги


кисмлар (кенглиги  $a$  га тенг булган шаффоф тасмачалар) ёруглик нурлари учун тиркишлар вазифасини бажаради. Кушни тиркишларнинг мос нукталари орасидаги масофа

$$l = a + b \quad (2.12)$$

дифракцион панжаранинг доимийси ёки даври деб аталади.

Дифракцион панжарага (ДП) ясси монохроматик тулкин нормал тушаётган булсин (4.1-расм).

Дифракцион панжарадаги хар бир алохида тиркиш туфайли вужудга келадиган манзара олдинги мавзуда баён этилгандек булади. Панжара таркибидаги икки ёки ундан ортик тиркишлар туфайли вужудга келадиган дифракцион манзарани топиш учун эса факат алохида тиркишдан чикаётган нурларнинг экраннинг муайян нуктасида узаро интерференциясинигина эмас, балки айна нуктага турли тиркишлардан келаетган нурларнинг интерференциясини хам хисобга олиш керак.



4.1.- Расм

Кузатиш бурчаги  $\phi$  нинг бир неча кийматлари учун мулохазалар юритайлик.

1. Кузатиш бурчагининг киймати (2.10) шартни, яъни

$$a \sin \phi = 2R \frac{\lambda}{2}$$

ни каноатлантисин. Бу холда хар бир алохида тиркишдан  $\phi$  бурчак остида чикаётган нурлар экраннинг  $A_1$  нуктасида интерференциялашиши натижасида коронгулик (ёруглик интенсивлигининг минимуми) кузатилади.

Тиркишлар сони икки ёки ундан ортик булганда хам экраннинг  $A_1$  нуктасида ёруглик кузатилмайди, яъни ёруглик интенсивлигининг минимуми кайд килинади, албатта. Шунинг учун панжара туфайли вужудга келадиган дифракцион манзарадаги бу минимумлар *асосий минимумлар* деб аталади.

2. Кузатиш бурчагининг шундай кийматларини танлаб олайликки, бу бурчаклар остида алохида тиркишдан чикаётган нурлар йигувчи линзадан утгач, экраннинг  $A_2$ ,  $A_3$  ёки  $A_4$  нукталарида интерференциялашади. Натижада бу нукталарда ёруглик кузатилади. Агар тиркиш бир эмас, балки иккита булсачи? Бу холда куйидаги имкониятлар амалга ошиши мумкин:

а)  $\phi$  бурчакнинг шундай кийматлари мавжудки, натижада иккала тиркишнинг мос нукталаридан келаетган нурлар (2.8-расмдаги 1 ва 2 тиркишнинг чап четидан келаетган нурларга каранг) бир хил фазада, яъни

бу нурларнинг йуллар фарки ярим тулкин узунликка жуфт каррали –

$$L \sin \phi = 2R \frac{\lambda}{2}$$

булади. Бу холда иккала тиркишнинг мос нукталаридан келаётган нурлар  $A_2$  нуктада интерференциялашиши натижасида ёруглик интенсивлигининг максимуми кузатилади. Бу максимумлар *асосий максимумлар* дейилади.  $k$  нинг киймати эса асосий максимумлар тартибини ифодалайди;

б) кузатиш бурчаги  $\phi$  нинг баъзи кийматларида икала тиркишнинг мос нукталаридан келаётган нурлар карама-карши фазаларда, яъни бу нурларнинг йуллар фарки ярим тулкин узунликка ток каррали –

$$a \sin \phi = (2R + 1) \frac{\lambda}{2}$$

булади. Натижада иккала тиркишнинг мос нукталаридан чикаётган нурлар экраннинг бирор  $A_4$  нуктасида интерференциялашиб бир-бирини сундиради, яъни ёруглик интенсивлигининг минимуми кузатилади. Бу минимумлар *кушимча минимумлар* дейилади;

в) кузатиш бурчаги  $\phi$  нинг шундай кийматлари хам мавжудки, бунда иккалар иркишнинг мос нукталаридан чикиб экраннинг бирор нуктасига (масалан  $A_3$  нуктага) етиб келган нурлар бир хил фазада хам, карама-карши фазада хам булмайд. Шунинг учун улар интерференциялашиб, ёругликнинг максимумини хам, минимумини хам бермайди. Балки бу нуктадаги ёруглик бирор оралик интенсивликка эга булади.

Энди тиркишлар сони икки эмас, балки купрок, масалан, туртта ёки саккизта булган холларни курайлик. Бу холларга мос булган ёруглик интенсивлигининг таксимотлари 2.9-в, г расмларда тасвирланган. Асосий минимумлар ва асосий максимумлар экрандаги уз уринларини узгартирмайди. Максимумлар энсизрок ва ёругрок, максимумлар оралиги эса коронгурок булади. Агар тиркишлар сони  $N$  га тенг булса, дифракцион маназарадаги икки кушни асосий максимум оралигида  $N - 1$  кушимча минимум вужудга келади. Кушимча минимумлар оралигида эса кушимча максимумлар мавжуд булиб, улар экранда *фон* деб аталадиган кучсизгина ёругликни вужудга келтиради.

Дифракцион панжарадаги алохида  $i$  – тиркиш асосий максимум йуналишида жунатаётган ёруглик тулкиннинг амплитудаси  $E_{im}$  булсин. Экраннынг асосий максимум вужудга келадиган нуктасига барча тиркишлардан тебранишлар бир хил фазада етиб келади. Шунинг учун натижавий тебраниш амплитудаси

$$A = \sum_{i=1}^N A_i = NA_i$$

булади, чунки алохида тиркишлардан келаётган тебранишлар амплитудалари узаро тенг. Бундан асосий максимумнинг интенсивлиги

$$I \sim A^2 = N^2 A_i^2$$

га тенг булади. Демак, *дифракцион панжара туйфайли вужудга келадиган манзарадаги асосий максимумларнинг интенсивликлари панжарадаги тиркишлар сони  $N$  нинг квадратига пропорционал булади.*

Агар дифракцион панжара ок ёруглик билан ёритилсачи? Ок ёругликни турли тулкин узунликли бир катор монохроматик ёруглик тулкинларнинг суперпозицияси деб караш мумкин. Бу монохроматик тулкинлар дифракцион панжарадан утаётганда узларининг мустакилликларини саклайдилар. (2.13) шартга асосан асосий максимумлар ёругликнинг тулкин узунлигига боғлиқ. Бундан факат нолинчи тартибли ( $k=0$ ) асосий максимумлар истиснодир. Хакикатдан,  $k=0$  булганда  $\lambda$  нинг хар кандай кийматлари учун асосий максимум  $\varphi=0$  бурчак остида кузатилади, яъни ок ёруглик таркибидаги барча монохроматик тулкинларининг нолинчи асосий максимумлари устма-уст тушади. Шунинг учун дифракцион манзаранинг марказидаги ( $\varphi=0$ ) асосий максимум ок булади. Лекин биринчи, иккинчи ва хоказо тартибли ( $k=1, 2, 3, \dots$ ) асосий максимумлар турли тулкин узунликли монохроматик ёругликлар учун турлича бурчаклар остида кузатилади. Масалан, тулкин узунлиги каттарок булган кизил ёругликнинг ( $\lambda_{\text{кизил}}=0,76$  мкм) асосий максими бинафша ёругликнигига ( $\lambda_{\text{бинафша}}=0,40$  мкм) караганда каттарок бурчак остида кузатилади. Умуман, монохроматик ёругликка тегишли булган асосий максимумнинг экрандаги тасвири дифракцион панжаранинг тиркишларига параллел булган жуда энсиз чизик шаклида намоён булади. Панжарадан ок ёруглик утаётган булса, экранда спектр деб аталадиган рангли узаро параллел энсиз чизиклар кузатилади. Бу чизикларнинг хар бири айрим ёругликка тегишли булиб, бу чизиклар, одатда, *спектрал чизиклар* деб аталади. Спектрнинг тартиби (яъни  $k$  нинг киймати) юкорилашган сари спектр таркибидаги чизиклар бир-биридан яхшироқ ажралган булади.

Хар кандай оптик асбоб сингари дифракцион панжаранинг хам асосий характеристикаси – унинг *ажрата олиш кобилиятилир*. Ажрата олиш кобилияти деганда дифракцион панжаранинг тулкин узунликлари бир-бирига якин булган нурларни ажратиш хусусияти тушунилади. Масалан, панжарага тушаётган ёруглик икки монохроматик нурнинг йигиндисидан иборат булсин. Бу нурларнинг тулкин узунликлари бир-биридан  $\delta\lambda$  га фарк килсин, яъни биринчи нурнинг тулкин узунлигини  $\lambda$  деб бедгиласак, иккинчисиники  $\lambda+\delta\lambda$  булади. Дифракцион панжаранинг  $k$  – тартибли спектрида иккинчи нурнинг асосий максими биринчи нурнигига нисбатан каттарок бурчак остида кузатилади. Экранда эса бу нурларнинг асосий максимумлари ёнма-ён жойлашган икки спектрал чизик тарзида намоён булади. Лекин спектрал чизикнинг кенглиги кичик булса хам, барибир чекли кийматга эга. Шунинг учун иккала нур тулкин узунликларининг фарки  $\delta\lambda$  жуда кичик булса, иккала чизик бир-бирига ниҳоят якин жойлашадики, натижада улар ягона чизик тарзида кабул килинади. Бошкача айтганда, иккала чизикни ажрим килиб булмайд.

2.10-расмда  $\delta\lambda$  нинг турлича кийматлари учун  $k$ -тартибли спектрдаги икки кушни чизиклар (яъни асосий максимумлар) тасвирланган.

Бунда  $\lambda$  тулкин узунликли нур асосий максимумининг интенсивлиги нуктавий чизиклар билан,  $\lambda + \delta\lambda$  тулкин узунликли нурники эса штрих чизиклар билан тасвирланган. Узлуксиз чизик иккала максимумнинг йигинди интенсивлигини билдиради. Расмдан куринишича,  $\delta\lambda$  кичиклашиб, максимумлар якинлашган сари узлуксиз эгри чизикнинг чуқурлик соҳаси борган сари камайиб, ниҳоят, бутунлай йуқолиб кетади (4.2-в расмга к.).

Бу икки максимумни бир-биридан ажрим булиш чегараси сифатида Релей куйидаги фикрни таклиф килган: *агар йигинди эгри чизик минимумининг ординатаси максимумлар ординаталарининг 0,8 қисмига тенг булса, манзара ажрим булиши мумкин.*

Демак, 4.2-а ва б расмлардаги максимумлар ажрим булади. 4.2-в расмда тасвирланган максимумлар ажрим булмайди. Бу даражада бир-бирига якин тулкин узунликли нурлар ягона нур сифатида қабул қилинади. Лекин ажрата олиш қобилияти янада яхши булган панжара бу икки нурни ажрата олиши мумкин.

Умуман, оптик асбоб ажрата оладиган икки спектрал чизик тулкин узунликларининг фарқи  $\delta\lambda$  ни ажратиш мумкин булган спектрал масофа деб,  $\lambda/\delta\lambda$  эса асбобнинг ажрата олиш қобилияти деб аталади.


Дифракцион панжаранинг ажрата олиш қобилияти панжарадаги тиркишларнинг умумий сони  $N$  ва спектрнинг тартиб номери  $k$  нинг купайтмасига тенг, яъни:

$$\frac{\lambda}{\delta\lambda} = kN$$

### Мустаҳкамлаш саволлари

1. Тор тиркиш орқали дифракцияда максимум ва минимум шартлари қандай аниқланади?
2. Дифракцион панжара ёрдамида дифракция ходисасини тушунтиринг.

### Таянч суз ва иборалар



4.2.- Расм

Дифракцион панжара - деганда бир-биридан  $b$  узокликда жойлашган  $a$  кенгликдаги тиркишлар тупламидан иборат оптик асбоб тушунилади.

Дифракцион панжаранинг доимийси ёки даври - кушни тиркишларнинг мос нукталари орасидаги масофадиир.

### Тест синов саволлари

1. Дифракцион панжаранинг ажрата олиш юбилияти иайси формула билан ифодаланади? ( $k$ -спектрининг тартиб номери,  $N$ - тиркишлар сони)

а)  $\frac{\lambda}{\delta\lambda} = KN$  в)  $\frac{\delta\lambda}{\lambda} = KN$  с)  $\frac{\delta\lambda}{\lambda} = KN$

2. Дифракцион панжаранинг  $1\text{мм}$  да  $n=200$ та штрих бор. Панжарага монохроматик ерулик ( $\lambda=0,6\text{мкм}$ ) тик равишда тушади. Бу панжара иандай энг юори тартибли максимумни беради?

А)8 В)10 С)12 Д)6

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т., “Укитувчи” 1989,
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон”, 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990



**ЁРУГЛИК ТУЛКИНЛАРИ ДИСПЕРСИЯСИ. НОРМАЛ ВА АНОМАЛ ДИСПЕРСИЯ. ДИСПЕРСИЯНИНГ КЛАССИК-ЭЛЕКТРОН НАЗАРИЯСИ.**

Ёруглик дисперсияси.

**Маърузанинг маисади:** Ёруглик тўлиқларининг призмадан бўлганда дисперсияланиши — рангларга ажралишини тушунтиришдан иборат. Модданинг синдириш кўрсаткичининг ёруглик тўлиқ узунлигига (частотасига) боғлиқлигини классик электрон назарияси ёрдамида тўлиқ иланиши баён қилинади. Нормал ва аномал дисперсияларнинг табиати.

Ньютон тажрибалар асосида ёруглик дисперсияни кашф этди. Дисперсия латинча «dispergere» («сочмоқ») суздан олинган. Умуман, ёруглик дисперсияси деганда модданинг синдириш кўрсаткичи  $n$  ни ёруглик тулқинининг циклик частотаси  $\omega$  га (ёки вакуумдаги тулқин узунлиги  $\lambda_0$  га, чунки  $\lambda = \frac{2\pi c}{\omega}$ ) боғлиқлиги туфайли содир булувчи

ходисалар тушунилади. Хусусан, Ньютон тажрибасида (5.1-расм) призмага тушаётган “оқ ёруглик” кизилдан бинафшагача рангдаги ёругликлар спектрларига ажратилган.

Агар турли моддалардан ясалган призмалар туфайли олинган спектрлар бир-бири билан солиштирилса, қуйидагилар маълум булади:


1) бир хил частотали ( $\omega = \text{const}$ ) нурлар бу призмаларда турлича бурчакларга оғади;

2) бир хил частоталар интервали  $\Delta\omega = \omega_2 - \omega_1$  га мос булган спектр қисмининг кенгликлари турли призмаларда турлича булади. Бундан, моддалар бир-биридан факат синдириш кўрсаткичининг қийматлари билангина эмас, балки синдириш кўрсаткичининг ёруглик кўрсаткичининг ёруглик частотасига боғлиқ функцияси


$$n = f(\omega) \quad (3.1)$$

билан ҳам фаркланади, деган хулосага келинади.

Тушаётган электромагнит тулқинларнинг частоталари ортган сари барча шаффоф моддаларнинг синдириш




5.1.- Расм



5.2.- Расм

курсаткичлари ҳам монотон равишда ортиб боради. 5.2-расмда шиша учун  $n$  нинг  $\omega$  га боғликлиги тасвирланган.

Бинафша нурлар кизил нурларга нисбатан шишада купрок синиши хакидаги маълум факт расмда уз аксини топган. Бирор частоталар интервали  $\Delta\omega$  да синдириш курсаткичининг узгариши  $\Delta n$  ни характерловчи  $\Delta n/\Delta\omega$  катталики



5.3.- Расм

*дисперсия улчови* вазифасини бажаради. Частота ортиши билан модданинг синдириш курсаткичи ҳам ортиб борса, яъни  $\Delta n/\Delta\omega > 0$  булса, электромагнит тулкинининг электронга таъсир этувчи кучини бу моддадаги ёругликнинг дисперсияси *нормал дисперсия* дейилади. Агар частота ортиши билан модданинг синдириш курсаткичи камайса (5.3-расмдаги  $\omega_1$  дан  $\omega_2$  гача частоталар интервалига к.), яъни  $\Delta n/\Delta\omega < 0$  булса, бундай моддадаги ёруглик дисперсияси *аномал дисперсия* дейилади.

Шиша учун ок ёруглик сохасининг барча кисмларида нормал дисперсия, ультрабинафша ва ультракизил сохаларининг баъзи кисмларида аномал дисперсия кузатилади.

### Дисперсиянинг электрон назарияси.

Ёругликнинг модда билан узаро таъсирини тула изохлаш учун моддадаги электронларнинг тулкин хусусиятларини ва ёругликнинг квант хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Лекин дисперсия ходисасини тушунтириш учун ёругликни электромагнит тулкин деб, модда тузилишини эса электрон назария асосида тасаввур қилиш етарли. Модда тузилишининг электрон назариясига асосан, жисм электронлар ва ионлардан ташкил топган. Улар электромагнит тулкин таъсирида тулкин тебранишларига монанд равишда тебранма харакатга келади. Ёруглик тулкинларнинг тебранишлари ( $10^{14} \div 10^{15}$ ) Гц интервалда содир булади. Электромагнит майдоннинг бунчалик тез узгаришини массалари етарлича кичик булган электронларгина сезишга улгуради. Шунинг учун ёруглик тулкинларнинг жисмга таъсирини ҳисоблашда ёругликнинг электронга таъсирини ҳисоблаш билан чегараланилса булади.

Жисмдан электромагнит тулкин утаётганда  $-e$  зарядли хар бир электронга электр куч ( $F_{эл} = -eE$ ) ва Лоренц кучи ( $F_{л} = -e[vB]$ ) таъсир қилади:

$$F = F_{эл} + F_{л} = -eE - e[vB] \quad (3.3)$$

Ҳисобларнинг курсатишича, Лоренц кучи электр кучдан минг мартача кичик. Шунинг учун (3.2) даги иккинчи хадни ҳисобга олмаса ҳам булади. Натижада электромагнит тулкинининг электронга таъсир этувчи кучини

$$F = -eE = -eE_0 \cos \omega t \quad (3.3)$$

шаклида ифодалаш мумкин. Бунда  $E_0$  – электромагнит майдон кучланганлиги  $E$  нинг амплитуда киймати,  $\omega$  - тулкиннинг циклик частотаси. Биринчи якинлашиша (3.3) куч атом билан нихоят заиф боғланган энг четки электронларни силжитади, деб хисоблаш мумкин. Лекин бу электрон билан атомнинг колган кисми орасидаги узаро таъсирлашувчи квазиэластик куч хам мавжудки, у электронни олдинги вазиятга кайтаришга харакат килади. Бу куч  $x$  силжишга пропорционал:

$$F_{кайм} = -kx$$

Натижада массаси  $m$ , заряди  $-e$  булган электроннинг тебранишини

$$m \frac{d^2 x}{dt^2} = -rx - eE_0 \cos \omega t \quad (3.4)$$

тенглама билан ифодалаш мумкин. Бу тенгламани  $m$  га булиб ва тебранишнинг хусусий частотаси учун  $\omega_0^2 = \frac{k}{m}$  белгилашдан фойдаланиб (3.4) ни куйидаги шаклга келтирамыз:

$$m \frac{d^2 x}{dt^2} = -\omega_0^2 x - \frac{e}{m} E_0 \cos \omega t \quad (3.5)$$

Бу тенгламанинг ечими

$$x = x_0 \cos \omega t \quad (3.6)$$

курунишда булади. Бунда  $x_0$  – максимал силжиш. (3.6) ни (3.5) га куйиб  $x_0$  нинг киймати учун

$$x_0 = \frac{-\frac{e}{m} E_0}{\omega_0^2 - \omega^2} \quad (3.7)$$

ифодани хосил киламыз. Иккинчи томондан, электромагнит тулкин таъсиридаги электроннинг силжиши туфайли вужудга келган атом системасини электр диполь деб тасаввур килиш мумкин. Бу дипольнинг елкаси  $x$  силжишга тенг. У холда максимал силжиш содир булган ондаги диполнинг электр моменти  $p_3 = -ex_0$  га тенг.

Модданинг бирлик хажмидаги атомлар сонини  $N$  деб белгиласак, кутбланиш вектори  $P$  нинг киймати

$$P = N \times p_3 = \frac{-Ne^2}{\omega_0^2 - \omega^2} E_0 \quad (3.8)$$

Кучланганлиги  $E_0$  булган электр майдондаги модда учун  $P$  нинг киймати мазкур модданинг диэлектрик кабул килувчанлиги  $\epsilon$ , ёки диэлектрик сингдирувчанлиги  $\epsilon$  (улар орасидаги  $\epsilon = 1 + \chi_3$  боғланиш мавжуд) оркали куйидагича ифодаланеди:

$$P = \chi_3 \epsilon_0 E_0 = (\epsilon - 1) \epsilon_0 E_0 \quad (3.9)$$

(3.8) ва (3.9) ифодаларни солиштирсак,

$$\epsilon = 1 + \frac{N}{\epsilon_0} = \frac{-\frac{e^2}{m} E_0}{\omega_0^2 - \omega^2} \quad (3.10)$$

муносабатни хосил киламиз.

Максвелл назариясига асосан, диэлектрик сингдирувчанлиги  $\epsilon$ , магнит сингдирувчанлиги  $\mu$  булган мухитда электромагнит тулкиннинг таркалиш тезлиги

$$u = \frac{c}{\sqrt{\epsilon\mu}}$$

га тенг эди. Мухитнинг синдириш курсаткичи  $n$  эса электромагнит тулкиннинг вакуумдаги тезлиги  $c$  ни мухитдаги тезлиги  $v$  га нисбати билан аникланади:

$$n = \frac{c}{u} = \sqrt{\epsilon\mu}$$


Купчилик холларда  $\mu=1$  булгани учун

$$n = \sqrt{\epsilon} \quad (3.11)$$

ифода хосил булади. (3.10) дан фойдаланиб (3.11) ни куйидаги куринишда ёза оламиз:

$$n = \sqrt{1 + \frac{N}{\epsilon_0} \frac{e^2}{\omega_0^2 - \omega^2}} \quad (3.12)$$

Бу формула асосида хисобланган  $n$  нинг кийматларини  $\omega$  га боғлиқлик графиги 4-расмда тасвирланган. Умуман, мухитнинг синдириш курсаткичи тулкин частотасига монанд равишда ортиб боради. Лекин тулкин частотаси  $\omega$  мухитдаги электр зарядлар хусусий тебранишларининг частоталаридан бир  $\omega_0$  га яқинлашганда  $n$  нинг киймати кескин ортиб кетади.  $\omega$  нинг киймати  $\omega_0$  га юкори частоталар томонидан яқинлашганда эса  $n$  нинг киймати кескин камайиб кетади. Бошқача айтганда,  $\omega$  нинг киймати  $\omega_0$  га яқин булган сохада  $n=f(\omega)$  функция узилишга эга булади (5.4-расмдаги пунктир чизик). Бунинг сабаби назарий мулохазаларда тебранма харакатнинг сунишини хисобга олинмаганлигидир.



5.4.- Расм

Умуман, тебранувчи жисмнинг мухитдаги ишкаланиши туфайли суниш содир булади. Курилаётган холда эса “ишкаланиш” электромагнит тулкиннинг бир қисми мухитда юритилиши туфайли вужудга келади.


Ёруғлик тулкиннинг электр майдони таъсирида мухит атомларининг электронлари тебранма харакатга келиб, иккиламчи тулкинлар манбаига айланиб қолади. Иккиламчи тулкинлар бирламчи тулкин билан когерент булади. Бу тулкинларнинг узаро интерференциялашиши натижасида вужудга келган тулкин амплитудаси тушаётган (яъни электронларни тебранишга мажбур этаётган) тулкин амплитудасидан фарк килади. Бошқача айтганда, электронни тебратишга сарфланган энергиянинг барчаси иккиламчи тулкинлар сифатида нурлантирилмайди. Энергиянинг

бир кисми атомларнинг хаотик харакат энергиясига (яъни иссикликка) айланади. Шунинг учун ёруглик бирор моддадан утаётганда, унинг интенсивлигининг камайиши, яъни ёругликнинг ютилиши содир булади. Ёругликнинг ютилиши, айниқса, резонанс частоталар сохасида интенсив булади. Бу ютилиш электронлар тебранишининг амплитудасини чеклайди. Натижада  $n-f(\omega)$  функциянинг тажрибада кузатиладиган графиги (5.4-расмдаги узлуксиз чизик)  $\omega_0$  атрофида хам узилиб колмайди. Баъзи жисмларда резонанс частоталар бир нечта булади. Шунинг учун тушаётган ёругликнинг частотаси бу резонанс частоталарга якин булганда ютилиш кескин ортиб кетади.

Умуман, тажрибаларнинг курсатишича, моддадан утувчи ёруглик интенсивлиги (5.4-расм) экспоненциал конун буйича узгаради:

$$I = I_0 e^{-x} \quad (3.13)$$

Бу ифодада  $I_0$  – жисмга тушаётган ёругликнинг интенсивлиги,  $I$  – калинлиги  $l$  булган жисмдан утган ёругликнинг интенсивлиги,



5.5.- Расм

$x$  – ютилиш коэффициентидеб аталадиган ва жисмнинг хусусиятларига боглик булган катталиқ. (3.13) формула 1729 йилда Бугер томонидан аниқланган. Шунинг учун унинг номи билан *Бугер конуни* деб аталади.

Бугер конунидан  $x$  нинг физик маъноси келиб чиқади. Хакикатдан,  $l = 1/x$  булса,  $I = I_0 e^{-l}$  га айланади. Бундан, жисмдан утаётган ёруглик интенсивлигини  $e$  марта камайтирадиган катламнинг калинлигига тескари булган катталиқ ютилиш коэффициентидир, деган хулосага келамиз. Жисмда ёругликнинг ютилиш коэффициенти худди синдириш курсаткичи каби тушаётган ёругликнинг частотасига боглик.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Ёруглик дисперсияси деб кандай ходисага айтилади?
2. Ёругликнинг призмадан ўтганда рангларга ажралиши кандай тушунтирилади?
3. Нормал ва аномал дисперсия кандай шароитда амалга ошади?
4. Дисперсия графиги деганда нимани тушунаси?
5. Дисперсия модисаси кандай ифода ёрдамида аниқланади?
6. Модда дисперсияси деганда нимани тушунаси?
7. Дисперсиянинг классик электрон назарияси кандай тушунтирилади?
8. Дисперсиянинг электрон назарияси ифодасини ёзиб беринг
9. Дисперсиянинг кузатилиш шартларини тушунтиринг

## Таянч суз ва иборалар

Ёруглик дисперсияси – ёруглик тулкинларининг модда билан таъсири натижасида рангларга ажралиши.

Нормал дисперсия шаффоф ёруглик ютмайдиган жисмларда кузатилади.

Аномал дисперсия шаффофмас жисмлардан ёруглик утганда кузатилади.

Ёруглик ютилиши коэффеценти — тушаётган ёругликнинг интенсивлиги  $I_0$  е марта камайгандаги мухитнинг ялинлигининг тескари олинган ( $\alpha = 1/L$ ) ийматига тенг блган физи катталиқдир.

## Тест синов саволлари

- 1) Табий ёруглик нури призмадан гтганда яйси нури энг катта бурчакка синади
  - a) Лизил
  - b) Яшил
  - c) Сарии
  - d) Бинафша
- 2) Табий ёруглик нури призмадан гтганда яйси ёруглик нури энг кичик бурчакка синади?
  - a) Лизил
  - b) Яшил
  - c) Сарии
  - d) Бинафша
- 3) Нима учун оптик муцитнинг синдириш крсаткичи  $n = \sqrt{\epsilon}$  га тенг?
  - a) Чунки оптик муцитларнинг магнитланиш мусусиятлари сезиларли эмас ( $\mu = 1$ )
  - b) Чунки оптик зарралар муцитларда электр йутубланиш вектори магнитланиш векторидан жуда дам катта
  - c)  $\mathbf{n} = \sqrt{\epsilon} \mathbf{E}$  формула шаффоф муцитлар учун уринли эмас
- 4)  $\mathbf{n} = \sqrt{\mu\epsilon}$  формула яйси муцит учун гринли эмас?
  - a) Сув
  - b) Шиша
  - c) Олмос

- d) Ёйут
- 5) Ютулиш коэффеценти  $5 \text{ м}^{-1}$  бглан суюіликнинг іандай іалинлигида ёруіликнинг интенсивлиги е марта камаяди?
- a) 0,2 м
  - b) 0,1 м
  - c) 0,4 м
  - d) 0,3 м

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси , М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т.,”Укитувчи” 1989,
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон” , 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## МАЪРУЗА – 6.

### ЁРУГЛИК ТУЛКИНЛАРИНИНГ КУТБЛАНИШИ. КУТБЛАШ УСУЛЛАРИ.

**Маърузанинг маисади:** Ёруғликнинг ютубланиш грганишдан иборат. Ютубланган ёруғлик мосил йилинишнинг турлича тиббий ва суний усуллари билан таништирилади. Ютублагичларининг 2 та муцит чегарасидаги жараёнларни, кристал моддаларни табиатларини, ёруғликнинг ютибланиш даражаси ёрдамида текширади.

Олдинги маърузаларда кайд килганимиздек, ёруғлик нурлари тулкин узунликлари  $(0,40 \div 0,75) \cdot 10^{-6}$  м интервалдаги кундаланг электромагнит тебранишларнинг таркалиш йуналишларидир. Куёш ёки шамдан таркалаётган ёруғлик нурлари деганда шу манбаининг атомлари (элементар «нурлангич» лар) дан чикаётган ёруғлик тулкинларнинг аралашмаси тушунилади. Ёруғлик манбаининг улчамлари канчалик кичик булмасин, барибир, ундаги «нурлангичлар» сони нихоят куп булади. Бошкача айтганда, хар онда манбадаги миллиардлаб атомлар тулкин нурлантиришни тугалласа, миллиардлаб атомлар эса тулкин чикаришни бошлайди. Агар бу элементар электромагнит тулкинлар ичидан ихтиёрий биттасини ажратсак, уни нур йуналишига (яъни нурнинг таркалиш тезлиги  $v$  вектор йуналишига) перпендикуляр хамда узаро перпендикуляр булган  $E$  ва  $H$  векторларнинг тебранишлари сифатида тасаввур килишимиз керак. Бундан  $E$  вектор тебранадиган текислик *тебраниш текислиги* ва  $H$  вектор тебранадиган текислик *кутбланиш текислиги* деб аталади. Лекин тасвирни якколлаштириш мақсадида электромагнит тулкинни факат  $E$  векторнинг тебранишлари сифатида акс эттириш одат тусига кирган.

Биз хам шунга амал килайлик, ёруғлик тулкинлар, яъни  $E$  векторларнинг тебранишлари факат битта текисликда содир буладиган ёруғлик тулкинлар ясси кутбланган ёруғлик деб аталади. Демак, табиий ёруғлик манбаининг алохида атомидан бир нурланиш жараёнида чикарилган ёруғлик тулкин ясси кутбланган ёруғликка ёркин мисол була олади.

Юкоридаги мулохазалар табиий ёруғлик манбаининг алохида атоми бир нурланиш жараёнида чикарадиган тулкин тизмаси учун уринли. Нурланиш жараёни тахминан  $10^{-8}$  с давом этади. Бунда чикариладиган тулкин тизмасининг узунлиги 3 м чамасида булади. Шундан сунг атом тулкиннинг янги тизмасини нурлантириши мумкин. Лекин бу тизмадаги  $E$  векторнинг йуналиши олдинги тизманики билан боглик булмайди. Табиий ёруғлик манбаидаги турли атомлар нурлантираётган тулкинларнинг  $E$  векторлари эса турлича йуналишларга эга булиб, барча йуналишлар тенг эхтимоллидир. Масалан, ёруғлик нури манбадан кузатувчи томон



таркалаётган холда “нурлангич”лардан таркалаётган тулкинлар E векторларининг бирор ондаги фотографияси (хаёлий) булади. Бундай ёруглик табиий ёруглик ёки кутбланмаган ёруглик дейилади. Умуман, табиий ёругликни барча йуналишлардаги ясси кутбланган ёругликларнинг аралашмаси сифатида тасаввур килса ҳам булади.


Агар ёруглик таркибида бирор йуналишдаги тебранишлар бошка йуналишлардаги тебранишларга караганда купрок булса, кисман кутбланган ёруглик билан иш тутаётган буламиз. Кисман кутбланган ёругликни табиий ва ясси кутбланган ёругликларнинг аралашмаси сифатида тасаввур килиш мумкин.

### Ёругликнинг кайтишда ва синишда кутбланиши.

Табиий ёруглик манбаидан таркалаётган ёруглик кутбланмаган булади, яъни нурга перпендикуляр барча йуналишлардаги тебранишлар мавжуд булади. Лекин табиий ёругликдаги баъзи йуналишлар буйича содир булувчи тебранишларни сусайтириш, хаттоки мутлако йукотиш усуллари ҳам бор. Шундаё усулларнинг бири билан танишайлик.

Табиий ёруглик нури икки диэлектрикни ажратиб турувчи чегарага тушаётган булсин (6.1-расм).

У кисман кайтади ( $1'$  нур) ва кисман синади ( $1''$  нур). Тажрибаларда  $1'$  ва  $1''$  нурлар узаро перпендикуляр булган холда кайтувчи нур тула кутбланган булиб, унинг тебранишлари тушиш текислигига перпендикуляр булган текисликда содир булади (расмда бу тебранишлар нукталар ёрдамида тасвирланган). Синган нур эса кисман кутбланган булади.



6.1.- Расм

6.1-расмда бу нур шартли равишда нукталар ва нур йуналишига перпендикуляр килиб утказилган кесмачалар тарзида тасвирланган. Кесмачаларнинг нукталарга нисбатан куплиги эса синган нурнинг таркибида тушиш текислигидаги тебранишлар бошка йуналишлардаги тебранишларга нисбатан купрок эканлигини билдиради.

Геометрик оптика конунларига асосан, иккинчи мухитнинг биринчи мухитга нисбатан синдириш курсаткичи  $n_{21}$  нинг киймати тушиш бурчаги синусининг синиш бурчаги синусига нисбати билан аникланади:

$$n_{21} = \frac{\sin i}{\sin r} \quad (1)$$

Иккинчи томондан, 6.1-расмдан фойдаланиб,  $i+r=\pi/2$ , деган хулосага келамиз. Шунинг учун (1) ни куйидагича узгартириб ёза оламиз:

$$n_{21} = \frac{\sin i}{\sin r} = \frac{\sin i}{\sin(\frac{\pi}{2}-i)} = \frac{\sin i}{\cos i} = \operatorname{tgi} \quad (2)$$


Бу муносабат *Брюстер конуни* деб,  $i$  бурчак эса *Брюстер бурчаги* (ёки тула кутбланиш бурчаги) деб юритилади. Масалан, шиша учун ( $n=1,53$ ) Брюстер бурчаги  $56^\circ$  га якин. Бошқача айтганда, табиий ёруглик нури шиша пластинкага  $56^\circ$  бурчак хосил қилиб туширилса, кайтган нур тушиш текислигига перпендикуляр йуналишда тула кутбланган булади.

Брюстер конунининг физик мохияти билан соддарок холда, яъни ёругликнинг кайтиши ва синиши икки диэлектрик чегарасида эмас, балки вакуум билан диэлектрик чегарасида руй бераётган холда танишайлик. Тушаётган ёруглик тулкиннинг электр майдони таъсирида диэлектрик таркибидаги электронлар тебранма ҳаракатга келади. Тебранувчи электронлар уз навбатида иккиламчи когерент тулкинларни нурлантиради. Иккиламчи тулкинлар бирламчи тулкинлар билан узаро когерентдир. Бу тулкинларнинг узаро интерференциялашиши туфайли кайтган ва синган нурларнинг йуналишларидан ташқари барча йуналишдаги тебранишлар сунади. Электрон назария кайтган ва синган нурларнинг табиатини шу тарзда тушунтиради.


Энди, *бу нурлар нима учун кутбланади?* – деган саволга жавоб берайлик. Диэлектрикка тушаётган ёруглик нури табиий нурдир. Табиий

нурни ясси монохроматик тулкинларнинг йигиндиси деб тасаввур қилиш мумкин. Бу тулкинларнинг ихтиёрий биттаси устида мулохазаларимизни давом эттирайлик. Ясси монохроматик тулкиннинг (6.2-расм) тебраниш текислиги нурнинг тушиш текислиги билан ихтиёрий бурчак хосил қилсин.

Бу тулкиннинг  $E$  векторини ихтиёрий икки ташкил этувчининг йигиндиси шаклида ифодалашимиз



6.2.- Расм




6.3.- Расм

мумкин. Ташкил этувчилардан бири нурнинг тушиш текислигида ётувчи  $E_{||}$ , иккинчиси эса тушиш текислигига перпендикуляр булган  $E_{\perp}$  лардан иборат булсин. Диэлектрикдаги электронлар  $E_{||}$  таъсирида нурнинг тушиш текислигида,  $E_{\perp}$  таъсирида

эса тушиш текислигига перпендикуляр йуналишларда тебранади. Бу тебранишларнинг хар бири туфайли ясси кутбланган иккиламчи тулкинлар таркалади. Хусусан,  $E_{\text{пер}}$  таъсирида тушиш текислигига перпендикуляр йуналишда тебранувчи,  $E_{\text{пар}}$  таъсирида эса тушиш текислигида тебранувчи ясси кутбланган иккиламчи тулкинлар хосил булади. Иккиламчи тулкинларнинг интенсивликлари таркалиш йуналишига боглик (6.3-расм). Тебраниш йуналишига перпендикуляр йуналишда ( $\theta=\pi/2$ ) нурланиш энг кучли булади. Аксинча, тебраниш йуналишида ( $\theta=0$  ёки  $\pi$ ) эса нурланиш содир булмайди.  $E_{\text{пар}}$  ва  $E_{\text{пер}}$  лар таъсирида электрон нурлантираётган иккиламчи тулкинларнинг интенсивликлари 6.4-расмда тасвирланган. Расмдан куринишича, кайтган нур йуналишида  $E_{\text{пер}}$  таъсирида таркалаётган иккиламчи тулкинлар  $E_{\text{пар}}$  таъсирида таркалаётган иккиламчи тулкинлардан устунлик килади. Шунинг учун кайтган нурда тушиш теислигига перпендикуляр йуналишдаги тебранишлар бошка йуналишдаги тебранишлардан купрок булади. Ёруглик диэлектрикка Брюстер бурчаги остида тушаётган булса,  $E_{\text{пар}}$  кайтган нур билан устма-уст тушади. Натижада кайтган нур йуналиши буйлаб  $E_{\text{пар}}$  таъсирида иккиламчи тулкинлар мутлако нурлантирилмайди. Шунинг учун кайтган нур тула кутбланган булади.

синган нур кайтган нур



6.4.- Расм

Синган нурнинг исман кутбланиши куйидагича тушунтирилади. Табиий нурда барча йуналишлардаги тебранишлар тенг эхтимолли. Тушаётган табиий нурнинг энергияси кайтган ва синган нурлар орасида таксимланганлиги учун, энергиянинг сакланиш конунига асосан, кайтган нурда бирор йуналишдаги тебранишлар купрок булса, синган нурда шу йуналишдаги тебранишлар камрок булиши керак. Шунинг учун кайтган нур кутбланганда синган нур хам кисман кутбланган булади.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Ёругликнинг кутбланиши деб нимага айтилади?
2. Табиий ва кутбланган ёруглик тулкинларининг кандай фарки бор?
3. Ёругликни кутблаш усуларини тушунтириб беринг.
4. Кутблагичлар табиати кандай?
5. Брюстер конуни кандай ифодаланади?

### Таянч суз ва иборалар

Ёругликнинг кутбланиши деб — электромагнит тулкинларнинг тебранишларининг йуналишларини бирор тарзда тартибланишига айтилади.

Ясси кутбланган ёруглик – тебранишлар йуналиши факат бир текисликда тартибга келган ёругликдир.

Брюстер бурчаги - Брюстер конуни ифодасига мос келувчи бурчак.

## Тест синов саволлари

- 1) Ёруглик нури учун йутубланиш даражаси нимага тенг?
  - a) 1
  - b)  $1/2$ ,
  - c) 0
  - d)  $3/4$ ,
  
- 2) Йутублагичнинг вазифаси нимадан иборат?
  - e) Йутибланмаган ёруглик нурини йутиблашдан
  - f) Йутибланган ёруглик нурини интевсевлигини гзгартиришдан
  - g) Ёругликни йутибланганлигини анилашдан
  
- 3) Лисман йутибланган ёруглик нури учун йутибланиш даражаси йайси жавобда тгри крсатилган?
  - h) 0
  - i) 1
  - j) 0,5

## Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т.,”Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон”, 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

**НУРНИНГ ИККИЛАНИБ СИНИШИ.  
ТАБИЙ ВА КУТБЛАНГАН ЁРУГЛИК.**

**Маърузанинг маисади:** Табiiй ёруглик iутублагичлар таъсирида, диэлектриклар ёрдамида, баъзи кристаллардан иккиланибсиниши натижасида iутубланишдан техник оптик асбоблар таёрлашда iглланиши, мазирги лазер iурилмаларидаги уларнинг хоссаларини урганишдаги муаммолар баён iилинади.

Ёругликнинг иккига ажралиб синишидаги кутбланиш.

Физик хусусиятлари йуналишларига боглик булмаган мухит *изотроп мухит* деб, аксинча, йуналишларига боглик булган мухит *анизотроп мухит* деб аталади.


Изотроп мухитда (масалан, шиша пластинкада) ёругликнинг синиши Снеллиус конун деб аталувчи синиш конунига буйсунади:

1) синган нур, тушувчи нур ва тушиш нуктасига утказилган нормал бир текисликда ётади;

2) тушиш бурчаги синусининг синиш бурчаги синусига нисбати айни мухит учун узгармас катталиқ. Бу нисбат шу мухитнинг синдириш курсаткичига тенг.

Анизотроп кристалларда (масалан, исланд шпатида) ёруглик синганда манзара узгача булади (7.1-расм).

Табiiй нур К кристаллнинг А нуктасига тушгач, икки нур (АВ ва АС лар) га ажралади. Бу нурлар кристаллдан чиккач, табiiй нурга параллел йуналишда (ВД ва СЕ лар) давом этадилар. Кристаллда нурларнинг синиши текширилганда куйидагилар аникланади:



7.1.- Расм

1) синган нурлардан бири (АВ) Снеллиус конунига тула буйсунади;

2) иккинчи синган нур (АС) эса Снеллиус конунига буйсунмайди.

Шунинг учун АВ нур *оддий нур* деб, АС нур эса *гайриоддий нур* деб ном олди. Текширишларнинг курсатишича, оддий ва гайриоддий нурлар ясси кутбланган экан. Лекин уларнинг тебранишлари узаро перпендикуляр текисликларда содир булади. Бундан ташкари, исланд шпатынинг оддий нур учун синдириш курсаткичи 1,658 га, гайриоддий нур учун эса синдириш курсаткичининг киймати нурнинг йуналишига боглик булиб,

кристаллнинг оптик уки йуналишида 1,658 га, кристаллнинг оптик укига перпендикуляр йуналишда 1,486 га тенглиги аникланди. Эътибор берсангиз, нурнинг йуналиши кристаллнинг опти укига нисбатан аникланяпти. У холда *кристаллнинг оптик уки нима?* – деган савол тугилади, албатта. Бу саволга жавоб бериш учун кристаллоптиканинг баъзи элементлари билан танишайлик.

Хар канадй мухитда ёругликнинг таркалиш конунларини мухитга тушувчи бирламчи тулкин ва ёруглик тулкиннинг электр майдони таъсирида вужудга келган «элементар нурлангич» лар таркатадиган иккиламчи тулкинларнинг интерференциялашиши натижаси сифатида ифодалаш мумкин. Лекин анизотроп кристалларда иккиламчи тулкинлар интерференциясини хисоблаш анча мураккаб. Шунинг учун Максвеллнинг электромагнит майдон назарияси асосида мулохазалар юргизамиз. Ёруглик учун шаффоф булган аксарият жисмлар диэлектриклардир. Диэлектрикларнинг магнит синдирувчанлиги  $\mu=1$  булганлиги учун кристалларнинг *оптик анизотропияси уларнинг диэлектрик сингдирувчанлигининг анизотропияси махсулидир* ( $n = \sqrt{\epsilon}$  муносабатни эсланг), деб хисобласа булади. Натижада кристалл диэлектрик сингдирувчанлигининг йуналишга боғликлик графигини куйидаги усулда тасвирлаш мумкин. Кристалл ичида ихтиёрий О нуктани танлаб оламиз. Бу нуктадан турли йуналишлар буйича шундай кесмачалар утказайликки, бу кесмачаларнинг узунликлари шу йуналишлардаги кристалл диэлектрик сингдирувчанлигининг яриминчи даражасига ( $\sqrt{\epsilon}$ ) тенг булсин. Бу кесмачаларнинг иккинчи учларига тегиб утадиган сирт эллипсоид шаклида булади.

Эллипсоиднинг симметрия уклари буйлаб тугри бурчакли Декарт координата системасининг ОХ, ОУ ва ОZ укларини утказайлик. Бу укларнинг эллипсоид билан кесишган нукталари О нуктадан мос равишда  $\sqrt{\epsilon_x}, \sqrt{\epsilon_y}, \sqrt{\epsilon_z}$  узокликда жойлашгандир. У холда эллипсоиднинг тенгламаси

$$\frac{x^2}{\epsilon_x} + \frac{y^2}{\epsilon_y} + \frac{z^2}{\epsilon_z} = 1 \quad (3)$$

қуринишда булади. Одатда, эллипсоид *мухитнинг оптик индикатрисаси*, (4.3) эса унинг тенгламаси деб аталади.

1)  $\epsilon_x = \epsilon_y = \epsilon_z$  булса, кристаллнинг оптик индикатрисаси сферик шаклга эга булади. Бундай кристаллдаги барча йуналишларда  $\epsilon$  айнан бир хил кийматга эга. Шунинг учун бу мухит оптик жихатдан хам изотроп деб хисобланади ( $n = \sqrt{\epsilon}$  га асосан).

2)  $\epsilon_x \neq \epsilon_y = \epsilon_z$  булса, оптик индикатриса ОХ уки атропоидаги айланма эллипсоид шаклига эга булади. Бу эллипсоид YOZ текислик билан кесилса, айлана хосил булади. Демак, ОХ га перпендикуляр булган барча йуналишлар буйича  $\epsilon$  нинг кийматлари бир хил экан. Бундай кристаллни бир укли кристалл, ОХ укни эса кристаллнинг О нукта учун оптик уки деб

аталади. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, кристаллнинг бирор нуқтаси учун оптик уқ деганда бу нуқтадар утувчи тугри чизикни эмас, балки кристалл ичидаги маълум йуналишни тушуниш керак. Бу йуналишга параллел булган хар кандай тугри чизик ҳам кристаллнинг оптик уқи булаверади.

*Кристаллнинг оптик уқи орқали утган хар кандай текислик кристаллнинг бош текислиги деб аталади.* Бош текисликлар чексиз куп булиши мумкин. Шунинг учун, одатда, ёруглик нури ва оптик уқ орқали утувчи текисликни кристаллнинг бош текислиги деб кабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

3)  $\epsilon_x \neq \epsilon_y \neq \epsilon_z$  булса, кристалл икки уқли булади. Биз фақат бир уқли кристалларда ёругликнинг синишини урганамиз. Юкорида баён этилган тажрибада кулланилган исланд шпати ҳам бир уқли кристаллдир. Бу кристаллнинг оптик уқи кандай йуналган?

Исланд шпатининг кристалл панжараси ромбоэдр шаклига эга. Ромбоэдр кийшайган кубга ухшайди. Унинг  $O_1$  ва  $O_2$  бурчакларини бирлаштирувчи тугри чизик, яъни кичик диагональ кристаллнинг оптик уқи дейилади. Кристалл парчасида эса шундай ячейкалар хар томондан ёнма-ён жойлашган булади. Барча ячейкаларнинг киска диагоналлари узаро параллель. Шунинг учун расмдаги  $O_1$  ва  $O_2$  тугри чизик ёки кристалл ичидаги унга параллель булган ихтиёрий йуналиш исланд шпати кристаллининг оптик уқи деб кабул қилинади.

Исланд шпати билан утказилган тажрибаларнинг курсатишича, фақат кристаллнинг оптик уқига параллель равишда ёруглик тушган тақдирда нурнинг иккига ажралиб синиши кузатилмас экан, холос. Бошка барча йуналишларда нур иккига ажралиб синади. Бу холда кристаллнинг оптик уқи  $O_1O_2$  ва тушувчи нур узаро параллель булмаганлиги учун нур кристаллда иккига ажралади. Снеллиус конунига буйсунувчи оддий нур уз йуналишини узгартирмайди. Гайриоддий нур эса узининг «гайриоддий» хусусиятини намойиш қилиб, нормал йуналишдан огади. Шунини алоҳида қайд қилмок лозимки, бу нурнинг «гайриоддий» лиги кристаллга кириш ва чиқишда ҳамда кристалл ичида намоён булади. Кристаллдан чиккандан сунг бу нур «гайриоддий» лигини йукотиб, худди оддий нур каби ясси кутбланган нур булиб қолади. Аммо бу нурнинг тебраниш текислиги оддий нурнинг тебраниш текислигига перпендикуляр. Текширишларнинг курсатишича, оддий нур  $E$  векторининг тебранишлари кристалл бош текислигига перпендикуляр йуналишда, гайриоддий нурники эса кристалл бош текислигида содир булади.

Энди, *бир уқли анизотроп кристалларда ёругликнинг иккига ажралиб синишининг сабаби нимада?* – деган саволга жавоб беришимиз мумкин. Бу нурларнинг  $E$  векторлари кристаллнинг бош текислигига перпендикуляр йуналишда тебранади. Демак, барча йуналишдаги оддий нурларнинг  $E$  векторлари кристаллнинг оптик уқига перпендикулярдир. Бир уқли анизотроп кристаллнинг оптик уқига перпендикуляр

йуналишларда (4.10-расмдаги ОХ га перпендикуляр йуналишларда)  $\epsilon$  нинг киймати узгармас эди. Бундан оддий нурнинг синдириш курсаткичи

$$n_o = \text{const}, \quad (4)$$

деган хулосага келамиз.

Гайриоддий нурнинг  $E$  вектори кристаллнинг бош текислигида жойлашган

Расмдан куринишича,  $E$  ва кристаллнинг оптик уки орасидаги бурчак гайриоддий нурнинг йуналишига боғлиқ булиб, унинг киймати 0 дан  $\pi/2$  гача узгаради. Бу эса гайриоддий нур учун бир укли анизотроп кристалл (4.10-расмга к.) нинг синдириш курсаткичи

$$n_e \neq \text{const}, \quad (5)$$

деган хулосага олиб келади.  $E$  ва оптик ук орасидаги бурчакнинг  $\pi/2$  га тенг киймати кристаллнинг оптик уки буйлаб йуналган гайриоддий нурга тегишли булиб, бу холда  $n_e = n_o$  булиб қолади. Хақиқатдан, тажрибаларда факатгина оптик ук йуналишида ёруғликнинг иккига ажралиб синиши кузатилмайди. Сарик ёруғликдан ( $\lambda_0 = 0,589$  мкм) фойдаланиб утказилган тажрибаларда исланд шпатининг гайриоддий нур учун синдириш курсаткичи  $n_e$  нинг киймати 1,658 дан (оптик ук йуналишида) 1,486 гача (оптик укка перпендикуляр йуналишда) узгаради.

Шундай қилиб, оддий ва гайриоддий нурларнинг синдириш курсаткичлари бир-биридан фаркланганлиги учун бу нурларнинг кристаллдаги синиш бурчаклари ҳам фаркланади. Натижада оддий ва гайриоддий нурлар бир-биридан ажралиб давом этадилар.

### Поляризаторлар.

Табиий ёруғликдан кутбланган ёруғлик олиш учун шундай шароитлар яратиш керакки, бу шароитларда ёруғлик тулкининг  $E$  вектори муайян аниқ бир йуналиш буйлаб тебранадиган булсин. Бундай шароитларни узида мужассамлаштирган қурилмалар *поляризаторлар* деб аталади.

1) тушаётган ёруғлик нури билан Брюстер бурчаги ҳосил қиладиган тарзда жойлаштирилган диэлектрикнинг ясси сиртидан поляризатор сифатида фойдаланиш мумкин. Шиша пластинка учун Брюстер бурчагининг киймати  $56^\circ$  га тенг. Бундай шароитда қайтган нур тулик кутбланган бўлади. Синган нур эса қисман кутбланган. Агар узаро параллель пластинкалар дастасидан фойдалансак, ёруғлик бу пластинкаларда қуп марта сингандан сунг амалда тулик кутбланган бўлади;

2) анизотроп жисмга тушаётган ёруғлик икки ясси кутбланган нурга ажралади. Бирор усул ёрдамида бу нурлардан бирини йукотсак, жисмдан факат битта кутбланган (оддий ёки гайриоддий) нур чиқади, холос. Масалан, француз олими Николь томонидан таклиф этилган



поляризатор исланд шпатидан тайёрланган иккита (ABD ва BDC) призмадан иборат.

Призманинг оптик уки АВ кирра билан  $48^\circ$  ли бурчак ташкил килади. Бу призмалар канада бальзами билан елимланган. Елим катламининг (расмдаги DB катлам) синдириш курсаткичи ( $n_\delta=1,550$ ) исланд шпатининг оддий нур учун синдириш курсаткичидан ( $n_0=1,65$ ) кичик, гайриоддий нур учун синдириш курсаткичидан ( $n_e=1,515$ ) катта. Шунинг учун табиий ёруглик Николь призмасининг ABD кисмида икки ясси кутбланган нур (о ва е нурлар) га ажралиб, канада бальзамидан иборат DB катламга тушганда, уларнинг тақдири турлича булади: оддий нур оптик зичлиги каттарок мухитдан оптик зичлиги кичикроқ мухитга ( $n_0 > n_\delta$ ) тушганлиги туфайли тула ички қайтиш ходисаси руй беради. Натижада оддий нур призманинг BDC кисмига умуман утмайди ва ташқарига чиқиб кетади. Гайриоддий нур эса канада бальзамининг юпка катламиндан бемалол утади, чунки  $n_0 < n_\delta$ . Шу тариқа Николь призмаси (ёки оддийгина николь) дан факат гайриоддий нур утади, унинг тебранишлари призманинг бош текислигига мос булган текисликда содир булади;

3) анизотроп кристалларнинг ёругликни ютиш хусусияти ҳам узгача, яъни оддий ва гайриоддий нурларнинг ютилиши бир хил булмайди. *Дихроизм* деб аталадиган бу ходиса туфайли баъзи кристалларда ясси кутбланган нурлардан бири бутунлай ютилади. Масалан, турмалин кристаллида оддий нурнинг ютилиш коэффициентлари гайриоддий нурникидан бир неча марта катта. Калинлиги 1 мм булган турмалин пластинкасида оддий нур ютилиб, ундан факат гайриоддий нурлар чиқади. Демак, дихроизм хусусияти кескин намоён буладиган анизотроп кристалларда иккига ажралиб синган нурлардан бири уз-узидан йуқолади. Бу эса улардан поляризатор сифатида фойдаланиш имконини беради;

4) поляризатор сифатида поляроидлардан ҳам фойдаланилади. Поляроид юпка целлулоид пленкасида иборат булиб, унга герапатитнинг ингичка кристаллари киритилган булади. Герапатит дихроизм хусусияти жуда кучли булган жисмдир. Герапатитнинг 0,1 мм калинликдаги пластинкасида оддий нур тамоман ютилади. Поляроид тайёрланаётганда герапатит кристаллчалари бир йуналишда жойлаштирилади. Шунинг учун целлулоид пленка ёругликни иккига ажратиб синдириш, синган нурлардан бирини ютиб, иккинчисини утказиш хусусиятларига эга булади. Хозирги вақтда поляроид пленкалар кенг ленталар шаклида тайёрланмоқда.

Малюс қонуни.

Поляризаторлардан факат кутбланган ёруглик олиш мақсадидагина эмас, балки нурни кутбланган ёки кутбланмаган эканлигини ва кутбланган нурнинг тебраниш текислигини аниқлаш (анализ қилиш) учун ҳам фойдаланилади. Шундай мақсадда ишлатиладиган поляризатор *анализатор* деб аталади.

Поляризатор вазифасини утаётган турмалин пластинкага перпендикуляр равишда табиий нур тушаётган булсин. Поляризатордан утган нур ясси кутбланган, унинг тебранишлари поляризаторнинг оптик укига параллель йуналишда содир булади. Бу ясси кутбланган нур йулига иккинчи турмалин пластинкани жойлаштиралик. У анализатор (А) вазифасини бажаради. Тажрибаларнинг курсатишича, поляризатор ва анализатор оптик укларининг йуналишлари узаро параллель булса, поляризатордан утган ёругликни анализатор тулик утказди, яъни  $I=I_0$ . Иккала пластинка (П ва А) нинг оптик уклари узаро перпендикуляр булса, анализатордан ёруглик тамоман утмайди, яъни  $I=0$ . Оралик вазиятларда эса, яъни пластинкалар оптик уклари орасидаги бурчак  $0<\alpha<\pi/2$  булганда анализатордан утган ёруглик интенсивлиги  $0<I<I_0$  интервалда узгаради. Охирги холни батафсилроқ муҳокама килайлик.

Поляризатордан утган ёруглик тулкин  $E$  векторининг амплитуда кийматини  $E_m$  деб белгилайлик.  $E_m$  векторни икки ташкил этувчига шундай ажратайликки, биринчи ташкил этувчи –  $E_{\text{пар}}$  анализатор оптик укига параллель, иккинчи ташкил этувчи –  $E_{\text{пер}}$  эса унга перпендикуляр булсин. Бу амал битта тулкинни иккита узаро перпендикуляр текисликларда тебранувчи ясси кутбланган тулкинларнинг йигиндиси деб хисоблашга эквивалентдир. Албатта, анализатор оркали  $E$  векторининг амплитуда киймати

$$E_{\text{пар}} = E_m \cos \alpha \quad (6)$$

булган тулкин утади. Ёруглик интенсивлиги амплитуда квадратига пропорционал ( $I \sim E^2$ ) булганлиги учун, (6) га асосланиб,

$$I = I_0 \cos^2 \alpha \quad (7)$$

муносабатни ёза оламиз. Бу ифода Малюс конунини ифодалайди: *анализатордан утган ёруглик интенсивлиги анализатор ва поляризаторнинг оптик уклари орасидаги бурчак косинусининг квадратига пропорционалдир.*

Шуни кайд килайликки, Малюс узининг конунини ёругликни тулкин эмас, балки корпускула деб тасаввур қилиш асосида чиқарган. Кейинчалик Араго томонидан утказилган аниқ фотометрик улчашлар Малюс конунининг тугрилигини тасдиқлади.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Малюс конунини изохлаб беринг.
2. Иккита мухит чегарасидаги кутбланишда қандай конуниятлар бажарилади?
3. Нурнинг иккиланиб синишидаги кутбланишни қандай тушунтириш мумкин?
4. Оддий ва Ёайри оддий нурланинг хусусиятлари қандай?
5. Никаль призмасидан қандай нурлар гта олади?

### Таянч суз ва иборалар

Анизатропик муцит деб — синдириш кўрсаткичининг  $n(x,y,z)$  фазода ўзгаришига айтилади.

Оптик  $n_1$  — оддий ва  $n_2$  айриоддий нурлар бир хил тезликда тарқалгандаги йғналишдир.

Оддий нур учун — синдириш кўрсаткичи индиатриссаси сферадан иборат бўлади.

Айриоддий нурлар учун — синдириш кўрсаткичи индиатриссаси эллипсоиддан иборат бўлади.

## Тест синов саволлари

1) Малюс йонуни айси жавобда тўри ифодаланган?

- k)  $I - I_0 \cos \alpha$
- l)  $I - I_0 \cos^2 \alpha$
- m)  $I - I_0 \cos^2(L\alpha)$
- n)  $I - I_0 \sin^2 \alpha$

2) Ҳавода тарқалаётган ёруғлик нури суюқлик сиртига  $\alpha = 50^\circ$  бурчак остида тушади. Агар йайтган нур тўла йутибланган бўлса, нурнинг синиш бўрчаги анилансин.

- o) 40
- p) 50
- q) 30
- r) 45

## Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т., “Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Ўзбекистон”, 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

**ИССИКЛИК НУРЛАНИШИ. АБСОЛЮТ КОРА ЖИСМНИНГ  
НУРЛАНИШИ ВА УНИНГ КОНУНИЯТЛАРИ. ПЛАНК  
ГИПОТЕЗАСИ ВА УНИНГ ФОРМУЛАСИ.**

**Маърузанинг маисади:** Абсолют нолдан юiori хароратдаги хар iандай жисмларнинг ички энергиясининг электромагнит нурланишларни вужудга келтириш сабабларини, унинг iонуниятларини, ёруiликнинг квант табиати ёрдамида тушунтиришдан иборат. Бунинг учун iуйидаги мавзуларни куриб чиамиз:

**Абсолют кора жисмнинг нурланиши таисмот функцияси.**

**Кирхгоф iонуни.**

**Планк формуласи.**

**Оптик параметрлар.**

Нурланишлар турли хил булади. Масалан, оксидланаётган фосфорнинг нурланиши, газлардан электр ток утиш жараёнида вужудга келадиган нурланиш, каттик жисмларни электронлар билан бомбардимон килиш натижасида вужудга келадиган нурланиш, киздирилган жисмнинг нурланиши, яъни иссиклик нурланиши ва хоказо. Бу нурланишлар бир-биридан узларининг вужудга келишининг табиати билан ажралиб туради. Лекин хар кандай нурланиш жараёнида хам энергиянинг бирор тури нурланиш энергиясига айланади. Хусусан, *иссиклик нурланишида нурланаётган жисм зарраларининг хаотик иссиклик харакат энергиясининг бир кисми электромагнит тулкин тарзида нурланади.* Бу нурланиш абсолют нолдан фаркли барча температурадаги жисмларда кузатилади ва температурага кучли боглик булади. Шунинг учун, баъзан, иссиклик нурланиш теипературавий нурланиш деб хам аталади.

Иссиклик нурланишга оид конунларни баён килишдан олдин нурланиш ва унинг жисм билан таъсирлашишини характерлаш учун кулланиладиган баъзи катталикларнинг мохияти билан танишайлик.

Хар кандай нурланишнинг асосий характеристикаси сифатида унинг окими кабул килиниши керак. Бирор юз оркали *нурланишининг окими* деганда бирлик вакт ичида шу юз оркали утаётган нурланиш энергияси тушунилади:

$$\Phi = \frac{dW}{dt} \quad (1)$$

бунда  $dW$  берилган юз оркали  $dt$  вакт ичида утган нурланиш энергияси.

Турли нурланишлар бир-биридан спектрларининг узлукли ёхуд узлуксизлиги, спектрларининг кенглиги ва спектрнинг айрим кисмларига мос келувчи нурланиш окими билан фаркланади. Нурланиш спектрининг турли кисмлари турлича хусусиятларга эга булиб, узларини турлича

намоён килади. Масалан,  $\lambda=(0.40\div 0.75)$  мкм интервалдаги нурланиш инсон кузига таъсир килиш хусусияти билан ажралиб туради. Инсон кузининг турли тулкин узунликли ёругликларни сезувчанлик хусусияти турлича, тулкин узунлиги 0,555 мкм булган нурланиш (яшил нур) учун кузнинг сезгирлиги энг катта булади. Агар бу нурларнинг курунувчанлик функцияси  $V(\lambda)$  ни 1 га тенг деб олсак, бошка тулкин узунликли ёруглик нурлари учун  $V(\lambda)$  нинг киймати 1 дан кичик булади.

Тулкин узунликлари 0,40 мкм дан кичик ва 0,75 мкм дан катта булган нурланишларнинг окими эса инсон кузида куриш сезгисини батамом уйготмайди. Лекин айрим интервалдаги тулкин узунликли нурланишлар химиявий реакция, фотоэффект ёхуд газларнинг ионланиши каба жараёнларни вужудга келтириши мумкин. Тулкин узунликлари анча катта булган нурланишлар окимини эса электромагнит тебраниш контурлари ёрадмида кайд килиш мумкин.

Умуман, нурланиш окими кувват бирликларида улчаниши керак. СИ да ватт (Вт) ларда улчанади. Лекин нурланишнинг айрим сохалари учун бошка бирликлар хам мавжуд. Масалан, ёруглик тулкинларининг окими люмен (лм) ларда улчанади. Мантикий жихатдан *ёруглик окимининг* бирлиги асосий бирлик сифатида танлаб олиниши лозим эди. Бирок, тарихий сабабларга кура СИ да *ёруглик кучининг* бирлиги асосий бирлик деб кабул килинган. Ёруглик кучини манба (нурлангич) нурланишининг фазовий бурчак бирлигига тугри келадиган ёруглик окими тарзида аникланади:

$$I = \frac{d\Phi}{d\Omega} \quad (2)$$

бунда  $d\Phi$  – етарлича кичик  $d\Omega$  фазовий бурчак ичида таркалаётган ёруглик окими. СИ да ёруглик кучининг улчов бирлиги кандела (кд). *Бир кандела – 101325 Па босим остида булган платинанинг котии температурасидаги (яъни 2042 К даги) тула нурлангичнинг  $\frac{1}{600000}$  м<sup>2</sup> юзидан перпендикуляр йуналишида нурлантиридаётган ёруглик кучидир.*

Демак, (2) ифодага асосан, *ёруглик кучи 1 кандела (кд) булган нурлангич 1 стерадиан (ср) фазовий бурчакда хосил киладиган ёруглик окими 1 люмен (лм) дир:*

$$I_{\text{лм}} = I \text{ кд} \cdot I \text{ ср} \quad (3)$$

Тажрибалар асосида тулкин узунлиги  $\lambda=0,555$  мкм булган нурланишнинг 1 лм ёруглик окимига 0,0016 Вт энергия окими тугри келиши аникланди. Шунинг учун

$$A = 0,0016 \frac{\text{Вт}}{\text{лм}} \quad (4)$$

катталиқ ёругликнинг механик эквиваленти деб аталган. Яшил нур учун курунувчанлик функцияси  $V(\lambda) = 1$  эди. Шунинг учун  $V(\lambda) \neq 1$  булган нурланишларнинг 1 лм ёруглик окимига  $\frac{A}{V(\lambda)}$  Вт энергия окими мос келади. Нурланиш окими ( $\Phi$ ) бирор ясси параллель пластинка шаклидаги

жисм сиртига тушаётган булсин. Бу оким кисман кайтади ( $\Phi_k$ ), кисман жисмда ютилади ( $\Phi_{ю}$ ), колган кисми эса жисмдан утади ( $\Phi_y$ ), яъни

$$\Phi_k + \Phi_{ю} + \Phi_y = \Phi \quad (5)$$

тенглик бажарилади. Бу тенгликнинг иккала томонини  $\Phi$  га таксимласак ва куйидаги :

$\Phi_k/\Phi = \rho$  жисмнинг нур кайтариш кобилияти;

$\Phi_{ю}/\Phi = a$  жисмнинг нур ютиш кобилияти;

$\Phi_y/\Phi = D$  жисмнинг нур утказиш кобилияти – белгилашларидан фойдалансак, (5) ифода

$$\rho + a + D = 1 \quad (6)$$

курунишга келади. Нисбатан калинрок булган купгина каттик жисмлар учун  $D=0$  деб хисоблаш мумкин. У холда (6) ифода

$$\rho + a = 1 \quad (7)$$

курунишга келади. Бу ифода тулкин узунликлари турлича булган (умумий холда  $0 < \lambda < \infty$ ) нурланишлар учун уринли. Тажрибаларнинг курсатишича,  $\rho$  ва  $a$  нинг кийматлари жисмнинг температурасига ва жисмга тушаётган нурланишнинг  $\lambda$  тулкин узунлигига боғлиқ. Шунинг учун  $T$

температурали жисмнинг  $\lambda$  тулкин узунликли нур кайтариш кобилиятини  $\rho_{\lambda, T}$ , нур ютилиш кобилиятини эса  $a_{\lambda, T}$  билан белгиласак, (7) ифодани куйидаги курунишда ёзишимиз мумкин:


$$\rho_{\lambda, T} + a_{\lambda, T} = 1 \quad (8)$$

Умуман,  $\rho_{\lambda, T}$  ва  $a_{\lambda, T}$  лар 0 дан 1 гача булган интервалда узгариши мумкин. Икки чегаравий холни курайлик:

$$1) \quad \rho_{\lambda, T} = 1 \quad \text{ва} \quad a_{\lambda, T} = 0,$$

яъни жисмга тушаётган нур тула кайтарилади. Бундай жисм абсолют ок жисм дейилади.  $\rho_{\lambda, T} = 0$  ва  $a_{\lambda, T} = 1$ , яъни жисмга тушаётган нурланиш кайтарилмайди, у бутунлай ютилади. Бундай жисм *абсолют кора жисм* дейилади.

Табиатда абсолют ок жисм хам, абсолют кора жисм хам учрамайди. Хар кандай жисм тушаётган нурланишнинг бир кисмини ютса, колган кисмини кайтаради. Уларнинг бир-биридан фарки шундаки, баъзи жисмлар нурланишнинг купрок кисмини ютса, бошка жисмлар камрок кисмини ютади. Шунинг учун биринчи хил жисмларни иккинчиларига нисбатан корарок дейиш мумкин. Масалан, табиатда мавжуд булган энг кора жисм – коракуя учун курунувчан ёруглик  $\lambda=(0,40 \div 0,75)$  мкм сохасида, нур ютиш кобилияти 0,99 га якин. Лекин у инфракизил нурларни камрок ютади. Одатда, узининг хусусиятлари билан абсолют кора жисмдан кам фаркланадиган моделдан фаркланади. Бундай модель (5.2-расм) жуда кичик тешикка эга булган берк ковак идишдан иборат. Ихтиёрий тулкин узунликли нур тешик оркали ковакка кириб колгач, унинг ички деворларидан куп марта кайтгандан кейингина кайтиб чика олади. Хар бир



кайтиш жараёнида нур энергиясининг бир қисми ютилади, натижада нур энергиясининг жуда кам улушигина ковақдан кайтиб чиқиши мумкин. Шунинг учун бундай моделнинг нур ютиш қобиляти 1 га жуда яқин булади.

Жисмнинг нур қайтариш ва нур ютиш қобилятиларидан ташқари яна бир характеристикаси мавжудки, у  $T$  температурадаги жисмнинг бирлик сиртидан бирлик вақтда нурланаётган электромагнит тулқинларнинг энергиясини ифодалайди. Бу катталиқ  $T$  температурадаги жисмнинг нур чиқариш қобиляти деб аталади ва  $e_T$  орқали белгиланади.  $\rho$  ва  $a$  лар улчамсиз катталиқлар, чунки улар жисмга тушаётган нурланиш оқимининг улуши билан характерланар эди.  $e_T$  эса, юқоридаги таърифга асосан,  $\text{Вт}/\text{м}^2$  ларда улчанади.  $e_T$  жисмнинг тула нур чиқариш, яъни  $0 < \lambda < \infty$  интервалдаги нурларни чиқариш қобилятидир. Бундан ташқари  $T$  температурадаги жисмнинг  $\lambda$  тулқин узунлиқли нур чиқариш қобиляти  $e_{\lambda,T}$  катталиқдан ҳам фойдаланилади. Бу катталиқ  $T$  температурадаги жисмнинг бирлик сиртидан бирлик вақтда нурлантирилаётган электромагнит тулқинлар энергиясини ифодалайди ва  $(\text{Вт}/\text{м}^2) \cdot \text{м} = \text{Вт}/\text{м}^3$  ларда улчанади. Абсолют қора жисмнинг нур чиқариш қобилятини бошқа жисмларникидан фарқ қилиш мақсадида  $E_{\lambda,T}$  деб белгиланади.

### Кирхгоф қонуни.

Иссиклик нурланиш бошқа турдаги нурланишлардан узининг бир хусусияти билан кескин фаркланади. Бу хусусиятнинг моҳияти қуйидагидан иборат.  $T$  температурадаги жисм қобик билан уралган бўлсин. Қобик иссиқлиқ утқазмайди ва нурланишни тулиқ қайтарувчи идеал жисмдан тайёрланган, деб фараз қилайлик. Қобик ичидан хавосини суриб олайлик. Жисм чиқарган нурланиш қобикка тушиб, ундан бир ёки бир неча марта қайтгач, яна жисмга тушади. Жисм эса бу нурланишни қисман ёки тулиқ ютади. Қисман ютса, қолган қисмини қайтаради. Шу тарзда жисм ва қобик ичидаги нурланиш орасида энергия алмашинуви давом этиб туради, яъни жисм узининг бирлик юзидан бирлик вақтда нурланиш сифатида қанча энергия чиқарса, нурланишни ютиш жараёнида худди шунча энергияни қабул қилади. Шунинг учун жисмнинг температураси узгармайди. Бу ҳолат *мувозанатли ҳолат* дейилади.

Тажрибаларнинг қурсатишича, нурлангич (нур чиқарувчи жисм) билан нурланишнинг мувозанатда бўлиши факатгина иссиқлик нурланиш содир бўладиган ҳоллардагина қузилади. Шунинг учун баъзан иссиқлик нурланиш мувозанатли нурланиш деб ҳам аталади. Бошқа турдаги барча нурланишлар эса *мувозанатсиз нурланишлар* ҳисобланади. Масалан, фосфорнинг оксидланиш жараёнида химиявий реакция давом этган сари нурланаётган жисм узининг бошлангич ҳолатидан узоклашаверади.

Термодинамик мувозанат қобик ичида бир эмас, балки бир неча жисм жойлашган ҳол учун ҳам уринли булади. Масалан, қобик ичида

иккита бир хил температурадаги, яъни термодинамик мувозанатдаги жисм жойлашган холни мухокама килайлик.

Агар шу жисмлардан бири купрок энергия нурлантириб камрок энергия ютаётган булса, бу жисмнинг температураси пасайиб кетиши лозим. Бунинг эвазига иккинчи жисм температураси ортиши керак. Бинобарин, бирдан-бир натижаси совукрок жисмдан иссиқрок жисмга энергия узатиш булган жараён амалга оширилган булади. Бундай жараённи амалга ошириш мумкин эмас, чунки у термодинамиканинг иккинчи бош конунига зиддир. Демак, термодинамик мувозанат холатидаги жисмлар системасига оид хар бир жисм канча энергия нурлантирса, шунча нурланиш энергиясини ютади. Агар юкорида баён этилган мисолда жисмлар турлича энергия ютса, улар нурлантираётган энергия хам турлича булади. Жисмлардан биринчиси оддий жисм (яъни абсолют кора эмас), иккинчиси эса абсолют кора жисм булсин. У холда биринчи жисмнинг тула нур чикариш ва ютиш кобилиятларини мос равишда  $e_T$  ва  $a_T$  деб белгилаймиз. Иккинчи жисмнинг нур чикариш кобилияти  $E_T$ , нур ютиш кобилияти эса 1 га тенг.

Бу иккала жисм орасида нурланиш воситасида энергия алмашинувини микдоран мухокама килайлик. Бу жисмлар хар бирининг бирлик юзидан бирлик вақтда мос равишда  $e_T$  ва  $E_T$  энергиялар нурланади. Биринчи жисм иккинчи жисм нурлантирган энергиянинг  $a_T$  кисмини, яъни  $a_T E_T$  энергияни ютади. Демак, биринчи жисм учун энергиялар баланси

$$e_T = a_T E_T \quad (9)$$

муносабат билан ифодаланади.

Иккинчи жисм эса биринчи жисм нурлантирган энергиянинг барча кисмини, яъни  $e_T$  энергияни ютади. Бундан ташкари, иккинчи жисм нурлантирган энергиянинг биринчи жисм кайтарган кисми, яъни  $(1 - a_T)E_T$  га тенг нурланиш энергияси хам иккинчи жисм учун энергия балансининг ифодасини

$$E_T = e_T + (1 - a_T)E_T \quad (10)$$

курунишда ёзиш мумкин.

(9) ва (10) ифодаларнинг иккаласидан хам куйидаги муносабатни келтириб чикарса булади:

$$\frac{e_T}{a_T} = \frac{E_T}{1} = E_T \quad (11)$$

Бу ифода Кирхгофнинг интеграл конунидир: *хар кандай жисмнинг муайян температурадаги тула нур чикариш ва тула нур ютиш кобилиятларининг нисбати узгармас катталиқ булиб, у айни температурадаги абсолют кора жисмнинг тула нур чикариш кобилиятига тенг.*

Агар иккала жисм оралигига факатгина  $\lambda$  дан  $\lambda + d\lambda$  гача интервалдаги тулкин узунликли нурланишларни утказадиган, бошка нурланишларни эса тамоман кайтарадиган филтр жойлаштирсак, юкоридагига ухшаш мулохазалар асосида Кирхгофнинг дифференциал конуни



$$\frac{e_{\lambda,T}}{a_{\lambda,T}} = E_{\lambda,T} \quad (12)$$

ифода билан аникланишини исботлаш мумкин. Кирхгоф конуни куйидагича таърифланади: *ихтиёрий жисмнинг нур чикариши ва нур ютиши кобилиятларининг нисбати бу жисмнинг табиатига боғлиқ булмай, барча жисмлар учун тулкин узунлик ва температуранинг универсал функциясидир ва у абсолют кора жисмнинг нур чикариши кобилияти  $E_{\lambda,T}$  га тенгдир*. Кирхгоф конунидан куйидаги муҳим натижалар келиб чиқади:

1. (11) ва (12) ифодалардан

$$\begin{aligned} e_T &= a_T E_T \\ e_{\lambda,T} &= a_{\lambda,T} E_{\lambda,T} \end{aligned} \quad (13)$$

муносабатлар ҳосил булади. Демак, ихтиёрий жисмнинг муайян температурадаги нур чикариш кобилияти шу жисмнинг нур ютиш кобилияти билан абсолют кора жисм нур чикариш кобилиятининг купайтмасига тенг.

2. Оддий жисм (яъни абсолют кора булмаган жисм) нинг нур ютиш кобилияти 1 дан кичик. Шунинг учун (5.13) ни куйидаги қуринишда ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} e_T &< E_T \\ e_{\lambda,T} &< E_{\lambda,T} \end{aligned} \quad (14)$$

Демак, ихтиёрий жисмнинг нур чикариш кобилияти худди шу температурадаги абсолют кора жисмнинг нур чикариш кобилиятидан кичик.

3. Агар бирор  $\lambda$  учун жисмнинг нур ютиш кобилияти  $a_{\lambda,T}=0$  булса, (13) га асосан,  $e_{\lambda,T} = a_{\lambda,T} E_{\lambda,T}=0$  булади. Демак, жисм бирор тудкин узунликли нурланишни ютмаса, у холда бу жисм худди шу нурланишни бутунлай нурлантормайди.

Абсолют кора жисмнинг нурланиши ва унинг конуниятлари.

Иссиқлик нурланиш назариясининг асосий қонунлари билан танишайлик.

Биринчи қонун *Стефан-Больцман қонуни* (баъзан “тўртинчи даража” қонуни) деб ном олган. Бу қонунга кўра асосан, *абсолют қора жисмнинг тўла нур чикариши қобилияти температуранинг тўртинчи даражасига пропорционал равишда ортади*:


$$E = \sigma T^4 \quad (15)$$

бунда  $\sigma$  - Стефан-Больцман доимийси бўлиб, унинг тажрибалар асосида аниқлаган қиймати куйидагига тенг:  $\sigma = 5,67 \cdot 10^{-8} \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2 \cdot \text{К}^4}$ .

Абсолют қора жисм нур чиқариш қобилиятининг тўлқин узунликка боғлиқлиги, яъни спектрал характеристикаси турли температуралар ( $T_1 < T_2 < T_3$ ) учун 8.2-расмда тасвирланган. тажрибалар аниқланган бу эгри чизиклар асосида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Абсолют қора жисмнинг нурланиш спектри узлуксиздир.

2. Ҳар бир температурага оид бўлган нурланишнинг энергетик



таксимотини ифодаловчи эгри чизикда аниқ максимум мавжуд бўлиб, у температура ошган сари қисқа тўлқин узунликлар соҳасига силжийди.

Виннинг силжиш қонуни деб аталган иккинчи қонун ана шу максимумларга тааллуқли: абсолют қора жисм нур чиқариш қобилиятининг максимумига мос келувчи  $\lambda_m$  – тўлқин узунлигининг абсолют температурага кўпайтмаси ўзгармас катталиқдир, яъни

$$\lambda_m T = b \quad (16)$$

бунда  $b$  – Вин доимийси, тажрибалар асосида  $b = 2,898 \cdot 10^3$  м·К эканлиги аниқланган. (16) дан кўринишича абсолют қора жисмнинг температураси  $T$  қанча юқори бўлса,  $\lambda_m$  шунча кичикроқ қийматга эга бўлади. Бошқача айтганда, температура ошган сари абсолют қора жисм нур чиқариш қобилиятининг максимуми қисқа тўлқин узунликлар соҳасига силжийди.

8.2.-расмдаги эгри чизикларни тушунтириш учун термодинамика ва статистик физика қонунарига асосланиб абсолют қора жисм нур чиқариш қобилияти  $E_{\lambda,m}$  нинг ифодасини ҳосил қилиш йўлида кўп уринишлар бўлган. Улар ичида эътиборга лойиқ бўлгани иккита:

1. Термодинамик мулоҳазалар асосида Вин

$$E_{\lambda,T} = \frac{\alpha}{\lambda^5} e^{-\frac{\beta}{\lambda T}} \quad (17)$$

формулани таклиф этади. Бунда  $\alpha$  ва  $\beta$  - тажрибалардан фойдаланиб танланадиган доимийлар.

2. Рэлей ва Жинс иссиқлик нурланишга статистик физика методларини татбиқ этиб, абсолют қора жисмнинг нур чиқариш қобилияти учун

$$E_{\lambda,T} = \frac{2\pi c k T}{\lambda^4} \quad (18)$$

ифодани ҳосил қилдилар.  $k$  – Больцман доимийси. Бу формула шу олимларнинг номи билан *Рэлей-Жинс формуласи* деб юритилади. Бу формула бўйича ҳисоблаб топилган  $E_{\lambda,T}$  нинг қийматлари (8.2-расм) катта тўлқин узунликлар соҳасида тажриба қийматларига мос келади.

Классик физика қонунларига таяниб,  $E_{\lambda,T}$  нинг тажриба билан мос келувчи ифодасини топишдаги муваффақиятсизликларининг сабаби – классик назария заминида камчилик мавжудлигидир. Макс Планк ана шундай хулосага келди ва 1900 йилда «ультрабинафша ҳалокатни» бартараф қилиш учун классик назарияга зид булган узининг гипотезасини илгари сурди. Планк гипотезасининг моҳияти қуйидагидан иборат: *жисмларнинг нурланиши узлуксиз эмас, балки алоҳида улушлар (квантлар) сифатида чиқарилади.* Нурланиш ҳар бир улушининг, яъни нурланиш квантининг энергияси

$$\varepsilon = h\nu = h\frac{c}{\lambda} \quad (19)$$

га тенг. Бунда  $\nu = \frac{c}{\lambda}$  нурланишнинг частотаси,  $h$  – Планк доимийси номи билан машҳур булган универсал константа. Ҳозирги вақтда *квант* сузи факат нурланишдагина эмас, балки бошқа физик катталиклар билан ҳам кушиб ишлатилади. Масалан, электр заряднинг кванти дегнада заряд микдорининг энг кичик улуши, яъни электроннинг заряд микдори тушунилади. Шунинг учун нурланиш квантини баъзан *фотон* деб алоҳида ном билан ҳам аталади.

(19) га асосан, қиска тулқин узунликлар соҳасида нурланиш квантининг энергияси ортиб боради.  $\lambda \rightarrow 0$  да эса квант энергияси шу даражада катта бўлиши лозимки, натижада жисм иссиқлик ҳаракатининг энергияси хатто биттагина квант чиқаришга ҳам етмайди. Қиска тулқин узунликлар соҳасида  $E_{\lambda,T}$  нинг қийматини кескин камайиб боришини шу тарзда тушунтириш мумкин.

Планк юқорида баён этилган узининг гипотезасига асосланиб ва статистик физика қонунларидан фойдаланиб

$$E_{\lambda,T} = \frac{2\pi hc^2}{\lambda^5} \frac{1}{e^{\frac{hc}{\lambda kT}} - 1} \quad (20)$$

ифодани ҳосил қилди. Бу ифода *Планк формуласи* деб аталади. Планк формуласи асосида ҳисобланган  $E_{\lambda,T}$  нинг қийматлари тажриба қийматлари билан тулқин узунликларнинг барча соҳаларида мос келади.

Планк формуласидан фойдаланиб абсолют қора жисм нурланишининг эмпирик равишда аниқланган барча қонунларини ҳосил қилиш мумкин.

1. Стефан – Больцман қонунини ҳосил қилиш учун (20) ни тулқин узунликларининг 0 дан  $\infty$  гача интервалида интеграллаймиз:

$$E_T = \int_0^{\infty} E_{\lambda,T} d\lambda = 2\pi hc^2 \int_0^{\infty} \frac{d\lambda}{\lambda^5 (e^{\frac{hc}{\lambda kT}} - 1)} \quad (21)$$

Хисоблашларни давом эттириш учун янги узгарувчи

$$x = \frac{\lambda kT}{hc} \quad (22-a)$$

ни киритайлик. У холда (5.22) даги  $\lambda$  ва  $d\lambda$  лар урнига мос равишда

$$\lambda = \frac{hc}{kT} x \quad (22-б)$$

$$d\lambda = \frac{hc}{kT} dx \quad (22-в)$$

ларни куйиш керак. Натижада

$$E_T = 2\pi h c^2 \left( \frac{kT}{hc} \right)^4 \int_0^{\infty} \frac{dx}{x^5 \left( e^x - 1 \right)}$$

ифодани хосил киламиз. Бунга интеграл  $\pi^4/15$  га тенг. Шунинг учун

$$E_T = \frac{2\pi^5 k^4}{15c^2 h^3} T^4 = \sigma T^4$$

Бу ифода

$$\sigma = \frac{2\pi^5 k^4}{15c^2 h^3} T^4 \quad (23)$$

белгилаш критдик.  $h$ ,  $c$ ,  $k$  ларнинг кийматларидан фойдаланиб хисобланган Стефан – Больцман доимийси  $\sigma$  нинг киймати тажрибаларда топилган киймат билан мос келди. (23) дан фойдаланиб,  $\sigma$  нинг тажриба кийматига асосланиб, Планк  $h$  нинг кийматини аниклаган. Хозирга маълумотларга асосан  $h=6,626 \cdot 10^{-34}$  Ж·с.

2. Планк формуласидан Виннинг силжиш конунини хосил қилиш учун абсолют қора жисм нур чиқариш қобилиятининг максимумига мос келувчи  $\lambda_m$  тулқин узунликни топиш лозим. Бошқача қилиб айтганда

$$\frac{dE_{\lambda T}}{d\lambda} = 0$$


шартни қаноатлантирувчи тулқин узунликнинг кийматини топиш лозим. Бунинг учун (18) белгилашлардан фойдаланган холда (16) дан хосила оламиз. Хосилани нолга тенглаштириб вужудга келтирилган тенгламани ечсак, унинг ечими

$$\lambda_m = \frac{hc}{4.97kT}$$

қурилишда булар экан. Бу ифодани

$$\lambda_m T = \frac{hc}{4.97k} \quad (24)$$

шаклда ёзиб, унинг унги томонидаги хадни ҳисобласак, Вин доимийси  $b$  нинг кийматини топган буламиз.  $b$  нинг ҳисобланган бу киймати тажрибаларда топилган кийматга жуда мос келди. (8.3.-расм)



8.3.- расм

Шундай қилиб, классик назарияга зид бўлган гипотезасига таяниб чиқарилган Планк формуласи абсолют қора жисмнинг нур чиқариш қобилиятини ифодаловчи универсал функция  $E_{\lambda,T}$  ни ҳамда абсолют қора жисм нурланишининг эмпирик қонунларини муваффақиятли тарзда тушунтира олди.

### Мустақамлаш саволлари:

1. Иссиклик нурланишининг хусусиятлари қандай изоҳланади?
2. Абсолют қора жисм деганда қандай жисмни тушунамиз?
3. Кирхгоф қонунини изоҳланг.
4. Стефан-Больцман қонунининг математик ифодасини ёзиб, изоҳлаб беринг.
5. Вин қонунларини тушунтиринг.
6. Рэлей-Жинс қонуни қачон уринли бўлади?
7. Планк формуласи абсолют қора жисм нурланишида тажрибаларга тула мос келишини тушунтиринг.

### Таянч суз ва иборалар

Иссиклик нурланиши деб, ҳар қандай  $0^\circ\text{K}$  дан юқори ҳароратдаги ҳар қандай жисмнинг нурланишига айтилади.

Абсолют қора жисм узига тушаётган барча тулқин узунликдаги ёруғликни ютадиган жисмдир. Жисм қанча ёруғликни ютса, шунча ёруғликни нурлантиради.

## Синов тест саволлари

- 1) Яндай нурланишга иссилик нурланиш дейилади?
- a) Хона хароратидан юiori хароратдаги жисмнинг нурланишига айтилади
  - b) Абсолют нолдан юiori хароратдаги жисмнинг ички энергиясининг электромагнит нурланишига айтилади.
  - c) Жисмни фаiат ташiiаридан издирилганда хосил бiлган электромагнит нурланишга айтилади.
  - d) Жисмнинг атом ва малекулаларининг кинетик энергиси хисобига нурланишига айтилади.
- 2) Абсолют iора жисм деб нимага айтилади?
- a) Ютиш iиймати бирдан кичик ва хамма частоталар учун ( $A_{\nu_1 T} = A_T = \text{const} < 1$ ) бир хил бiлган жисмга айтилади.
  - b) Ютиш iобилияти бирдан кичик ва мамма чатоталар учун ( $A_{\nu_1 T} = A_T \neq \text{const} < 1$ ) турлича бiлган жисмга айтилади.
  - c) Ютуш iобилияти мамма частоталар оралиiида ва мар iандай мароратда бирга тенг бiлган ( $A_{\nu_1 T} = 1$ ) бiлган жисмга айтилади.
  - d) Ютиш iобилияти бирдан катта ва мамма частоталар оралиiида ( $A_{\nu_1 T} = A_T > 1 = \text{const}$ ) доимий бiлган жисмга айтилади.
- 3) Абсолют iора жисмнинг марорати 400 дан 1200 К гача гзгарганда унинг нур ютиш iобилияти iанчага ортади?
- a) 3 марта
  - b) 9 марта
  - c) 27 марта
  - d) 81 марта
- 4) Нурланиш энергиясининг энг катта iиймати  $\lambda = 0,47$  мк тiлиин узунлигига тiри келадиган ёруiлик манбаининг марорати аниiлансин. ( $b = 2,9 \cdot 10^{-3}$  мк)
- a) 6000 К
  - b) 3000 К
  - c) 5000 К
  - d) 2000 К
- 5) абсолют iора жисм нурланишининг спектрал зичлиги ифодаларидан Планк формуласини кiрсатинг.
- a)  $E_{\nu_1 T} = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \times \frac{h\nu}{kT}$
  - b)  $E_{\nu_1 T} = \frac{2\pi\nu^2}{c} \times \frac{kT}{h\nu}$
  - c)  $E_{\nu_1 T} = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \times \frac{h\nu}{e^{\frac{h\nu}{kT} - 1}}$

$$d) E_{\nu_1 T} = \frac{2\pi\nu^2}{c^2} \times \frac{h\nu}{e^{\frac{h\nu}{kT}} - 1}$$

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий физика курси, т.2, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.3, Т.,”Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон”, 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## ЁРУҒЛИКНИНГ КВАНТ ХУСУСИЯТЛАРИ. ФОТОЭФФЕКТ ҲОДИСАСИ.

Маърузанинг мақсади: Ёруғликнинг квант табиатини тасдиқловчи фотоэффект ҳодисаси ва унинг қонунларини ўрганишдан иборат. Бунинг учун қуйидаги мавзуларни батафсил кўриб чиқамиз.

Ёруғликнинг квант хусусиятлари.


Фотоэффектнинг назарияси

### Фотоэффект ва унинг қонунлари.


Фотоэффект–ёруғлик таъсирида жисмдан электроннинг ажралиб чиқишидир. Бу ҳодисани биринчи марта 1887 йилда Г.Герц кузатган. Фотоэффект бўйича мқдорий текширишларни рус физиги А.Г.Столетов бажарди. (1888-1889 йиллар). Столетов тажрибасининг схемаси 6.1.расмда тасвирланган. Икки металл электроддан бири пластинка шаклида, иккинчиси эса тўрсимон шаклда ясалган бўлиб улар гальванометр зўянжирига уланган. Қурилма қоронғуликка жойлаштирилганда занжир бўйлаб электр токи кузатилмади. Лекин катод вазифасини ўтаётган пластинканинг ёртилиши биланоқ занжирда ток пайдо бўлди. Анод вазифасини ўтаётган тўр ёритилса занжирда электр токи вужудга келмайди. Демак ёруғлик таъсирида катод сиртидан манфий зарралар ажралиб чиқади ва улар анод томон ҳаракатланиб занжирда электр токини ҳосил қиладилар. Бу токни фототок деб аталади.

1898т йилда Ленард ва Томсон катоддан ажралиб чиқаётган зарраларнинг магнит майдонда оғишига асосланиб, уларнинг солиштирма заядини аниқладилар. Бу эса катоддан ажралаётган электронлардир деган хулосага келди.

Фотоэффект ҳодисаси пластинка (катод)нинг фақат кимёвий таркибигагина эмас, балки пластинка сиртининг тозалик даражасига ҳам боғлиқ эканлиги тажрибаларда аниқланди. Шунинг учун фотоэффект ҳодисасини ўрганиш учун 6.2.-расмда тасвирланган қурилмадан фойдаланилади. Ҳавоси сўриб олинган шиша идиш ичидаги катод текширилиши лозим бўлган металл билан қопланган. Уни одатда фотокатод деб аталади.




9.1- расм



9.2-расм



Монохроматик нурлар дастаси шиша ишдишдаги деразадан ўтиб катод сиртига тушади. Схемадаги потенциометр электродлар орасидаги кучланишлар қийматларини ҳамда ишорасини ўзгартиришга имконият беради. Кучланиш вольтметрда, фоток эса гальванометр ёрдамида ўлчанади. 9.3-расмда ёруғлик оқими  $\Phi_1$  ва  $\Phi_2$  бўлган ҳоллар учун фотокнинг анод ва катод орасидаги кучланишнинг боғлиқлигини ифодаловчи эри чизиқлар, яъни вольт-ампер характеристикалар тасвирланган. Расмда кўринишича электр майдон тезлатувчи характерга ( $K$  да  $-$ ,  $A$  да  $+$ ) эга бўлаганда фотокнинг қиймати кучланишга монанд равишда ортиб боради. Кучланишнинг бирор қийматдан бошлаб фоток ўзгармай қолади, яъни тўйинади. Бошқача айтганда фотоэлектронларнинг барчаси анодга етиб боради. Фотокнинг бу қийматини тўйиниш токи деб аталади. Лекин фотокатодга тушаётган фотокнинг оқими ўзгартирилса, тўйиниш токининг қиймати ҳам ўзгаради. Масалан 9.3-расмда тасвирланган графикларда  $I_{T1}$   $I_{T2}$ , чунки  $\Phi_1$ ,  $\Phi_2$ . Бу тажрибалар фотоэффектнинг биринчи қонунини келтириб чиқаради: муайян фотокатодга тушаётган ёруғликнинг спектрал таркиби ўзгармас бўлса, фотокнинг тўйиниш қиймати ёруғлик оқимига тўғри пропорционалдир.



9.3-расм

Анод ва катод орасидаг кучланиш нолга тенг бўлган ҳолда ҳам фоток маавжуд бўлади. Ҳаттоки  $U=0$  бўлган (яъни  $K$  да  $+$ ,  $A$  да  $-$ ) ҳолларда ҳам фоток кузатилади. Бундай ҳолларда  $K$  дан  $A$  га томон ҳаракатланаётган фотоэлектронлар майдон кучларига қарши ишбajaraди. Бу иш фотоэлектронларнинг кинетик энергияси эвазига бажарилади. Агар электр майдон етарлича кучли бўлса, фотоэлектронлар анодга етиб бормасдан ўз энергияларини сарфлаб қўядилар. Натижада занжирдаги фоток тўхтаб қолади. Бу ҳолга мос келувчи тормозловчи кучланишнинг қиймати  $U_{T\text{ўхт}}$  ни тўхтатувчи кучланиш (баъзан тўхтатувчи потенциал) деб аталади. Тажрибаларнинг кўрсатишича тормозловчи майдон кучайтирилган сари (6.3.-расмдаги графикни  $U=0$  қисмига қаранг) фоток оҳиста камайиб боради ва ва  $U=U_{T\text{ўхт}}$  да  $I=0$  бўлиб қолади. Демак фотокатоддан ажралиб чиқаётган фотоэлектронларнинг тезликлари

турлича.  $U=U_{\text{тўхт}}$  бўлганда ҳатто энг катта тезликка эга бўлган фотоэлектронларнинг кинтеик энергияси ҳам тормозловчи майдон қаршилигини енга олмайди. Бу чегаравий холдан фойдаланиб қуйидаги муносабатни ёза оламиз:

$$eU_T = \frac{1}{2} m_e v_{\text{max}}^2 \quad (1)$$


бунда  $e$  – ва  $m$  мос равишда электроннинг заряди ва массаси.  $v_{\text{max}}$  – фотоэлектрон тезлигининг максимал қиймати.

(6.1) ифодадан  $U_T$  нинг тажрибада олинган қийматларига мос келувчи  $v_{\text{max}}$  ларни топиш мумкин. Тўлқин узунликлари турлича бўлган монохроматик ёруғликлар билан ўтказилган тажриба натижаларини муҳокама қилиш туфайли фотоэффектнинг иккинчи қонуни деб аталадиган қуйидаги хулосага келинган: муайян фотокатоддан ажралиб чиқаётган фотоэлектронлар бошланғич тезликларининг максимал қиймати ёруғлик интенсивлигига боғлиқ эмас. Ёруғликнинг тўлқин узунлиги ўзгарса, фотоэлектронларнинг ҳам максимал тезликлари ўзгаради.

Муайян фотокатодга тушаётган ёруғлик тулқин узунлиги ва фотоэлектронларнинг максимал тезликлари орасидаг боғланишни ифодаловчи графикни чизиш қулайроқ. Тажрибада аниқланган шундай график 9.4 расмда тасвирланган. Расмда кўринишича  $U_{\text{тўхт}}$  нинг қиймати (яъни фотоэлектронларнинг максимал қиймати) ва ёруғлик частотаси орасида чизиқли боғланиш мавжуд. Шуниси эътиборга лойиқки, частотанинг бирор қийматида фотоэлектронларнинг қиймати нолга тенг бўлади. Частотанинг бу қиймати чегар ҳисобланади. Паст частотали ёруғлик фотоэффект ҳодисасини вужудга келтирмайди. Фотоэффект кузатилши учун  $\nu > \nu_k$  частотали ёруғлик таъсир эттириш лозим. Чегаравий частотага мос бўлган:

$$\lambda_e = \frac{c}{\nu_e} \quad (2)$$

тўлқин узунликни фотоэффектнинг “қизил чегарси” деб аташ одат бўлган. Фотоэффектнинг учинчи қонуни ана шу қизил чегара ҳақидаги хулосадир: ҳар бир фотокатод учун бирор “қизил чегара” мавжуд бўлиб ундан каттароқ тўлқин узунликли ёруғлик таъсирида фотоэффект вужудга келмайди.



9.4-расм

$\lambda_k$  нинг кийматин ёруғлик интенсивлигига мутлақо боғлиқ эмас, у фақат фотокатод материалнинг кмиёвий табиатига ва сиртнингн ҳолатига боғлиқ.

Ниҳоят тажрибаларда намоён бўладиган яна бир факт мавжуд: ёруғликнинг фотокатодга тушиши билан фотоэлектронларнинг ҳосил бўлиши орасида сезиларли вақт ўтмайди. Бу фотоэффектнинг тўртинчи қонунидир. Баён этилган бу тўрт қонун фотоэффектнинг хусусятларини тўлиқ тавсифлайди. Лекин шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, 9.2-расмда тасвирланган занжир бўйлаб электр токининг вужуддан келишига ёруғлик оқими сабабчи бўлмоқда. Иккинчи томондан, занжирда электр токи мавжуд бўлиши учун ташқи электр юритувчи куч таъсир қилиши лозим албатта. Демак кўрилатган ҳолда ёруғлик электр юритувчи куч вазифасини бажаради. Уни фотоэлектр юритувчи куч дейилади.

Электр юритувчи кучларни ҳосил қилувчи гальваник элемент ёки термоэлементга қиёс қилиб ёруғлик таъсирида электр юритувчи кучни вужудга келтирадиган қурилмани фотоэлемент деб аталади. Фотоэлементлар техниканинг турли соғаларида кенг қўланилади.

### **Фотоэффектнинг назарияси**

Фотоэффектнинг фақат биринчи қонунини тўлқин назарияси асосида тушунтириш мумкин. Лекин тўлқин назарияси иккинчи ва учинчи қонунларини тушунтиришда ожизлик қилади.

Ҳақиқатан, тўлқин назарияга асосан фотокатодга тушаётган ихтиёрий тўлқин узунликка эга бўлган ёруғликнинг интенсивлиги ортгансари ажралиб чиқаётган фотоэлектронларнинг энергиялари ҳам ортиши лозим эди. Ваҳоланки тажрибаларнинг кўрсатишича фотоэлектроннинг энергияси мутлақо ёруғлик интенсивлигига боғлиқ эмас.

Иккинчидан, тўлқин назарияга асосан, электрон металдан ажралдиб чиқши учун керакли энергияни ҳар қандай ёруғликдан олиши мумкин, яъни ёруғлик тўлқин узунлигининг аҳамияти йўқ. Фақат ёруғлик интенсивлиги етарлича катта бўлиши лозим. Ваҳоланки, тўлқин узунлиги “қизил чегара”дан катта бўлган ёруғликнинг интенсивлиги ҳар қанча катта бўлса ҳам фотоэффект ҳодисаси рўй бермайди. Аксинча тўлқин узунлиги “қизил чегара”дан кичик бўлган ёруғлик (масалан ультрабинафша нурлар) интенсивлиги ниҳоятда заиф бўлса ҳам фотоэффект кузатилади. Бундан ташқари ниҳоятда заиф интенсивликдаги ёруғлик тушаётган тақдирда, тўлқин назариясига асосан ёруғлик тўлқинлари ташиб келган энергия эвазига металдаги электрон маълум миқдордаги энергияни жамғариб олиши керак. Бу энергия электроннинг металдан чиқиши (яъни чиқиш иши  $A_c$ ) учун етарли бўлган ҳолда фотоэффект содир бўлиши керак. Ҳисобларнинг кўрсатишича интенсивлиги жуда кам бўлган ёруғликдан  $A_c$  га етарли энергияни электрон жамғариб олиши учун соатлаб, баъзан ҳаттоки суткалаб вақт ўтиши лозим экан. Тажрибаларда эса металга

ёруғликнинг тушиши ва фотоэлектроннинг вужудга келиши орасида  $10^{-6}$  с лар чамаси вақт ўтади, холос.

Демак ёруғликнинг тўлқин назарияси ва фотоэффект ҳодисаси орасида юқорида баён этилган мос келмасликлар мавжуд. Шунинг учун ёруғликни узлуксиз электромагнит тўлқин процесси деб тасаввур қилиш ёруғлик табиатини тўлқ акс этиролмайдди, деган фикр вужудга келди. Бу фикр 1905 йилда А.Эйнштейн ёруғликнинг квант назариясини ишлаб чиқишига сабаб бўлди. Эйнштейн бу соҳада Планк гипотезасини ривожлантириб қуйидаги ғояни илгари сурди: ёруғлик квантлар тариқасида нурланибгина қолмай, балки ёруғлик энергиянинг тарқалиши ҳам ютилиши ҳам квантланган бўлади. Бу ғояга асосан металл сиртига тушаётган ёруғлик оқимини ёруғлик квантлари (яъни фотонлар) оқими деб тасаввурқилиш лозим. Фотоэффект ҳодисада эса бу фотонлардан айримларининг металл сиртига яқин жойлашган айрим электронлар билан таъсирлашуви рўй беради (одатда металл сиртига тушаётган фотонларнинг тахминан мингдан бири фотоэффектни ҳосил қилади, қолган фотонлар эса ўз энергияларини электронларга эмас балки кристалл панжарага беради). Эйнштейн фотоэффектга энергиянинг сақланиш қонунини қўллади. Фотон билан электроннинг таъсирлашуви жараёнида фотоннинг  $h\nu$  энергияси электронга ўтади. Бошқача айтганда, таъсирлашувга қадар ёруғлик кванти тарзида намоён бўлаётган энергия таъсирлашувдан сўнг электроннинг энергиясига айланади. агар бу энергия етарлича катта ( $h\nu > A_0$ ) бўлса, металдан ташқарига чиқиб олган электрон (яъни фотоэлектрон)нинг максимал кинетик энергияси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун:

$$h\nu = A_0 + \frac{m_e v^2}{2} \quad (3)$$

тенглама бажарилади. Максимал кинетик энергия дейишимиз сабаби шундаки, электрон ўз йўлидаги қаршиликларни енгиш (масалан атомлар билан тўқнашиш)да энергиянинг бир қисмини йўқотиши мумкин. (3) ифода ташқи фотоэффект учун Эйнштейн тенгламаси деб аталади. “Ташқи фотоэффект” иборасининг ишлатилишига сабаб, юқорида баён этилган ҳолларда фотоэлектронлар моддадан ташқарига ажралиб чиқади. Баъзи моддалар эса, масалан, яримўтказгичларда, фотонлар таъсирида валент зонадаги электрон бўш зонадаги энергетик сатҳларга кўчади. Бу жараён туфайли электрон модда ташқарисига чиқмасдан унинг ичида қолади. Шунинг учун фотоэффектнинг бу турини ички фотоэффект деб аталади.

Эйнштейн тенгламаси фотоэффектнинг барча қонунларини тушинтира олади. Хусусан фотоэффект амалга ошиши учун лозим бўладиганг фотон энергиясининг энг кичик қиймати (3) га асосан электроннинг металдан чиқиш иши қийматига тенг, яъни

$$h\nu = A_0 \quad (4)$$

Бу тенглик фотоэффектнинг “қизил чегараси”ни аниқлайди. (4) га асосан “қизил чегара” тушаётган ёруғлик интенсивлигига мутлақо боғлиқ эмас, чунки ёруғлик интенсивлиги ундаги фотонлар сонини характерлайди, холос. Эйнштейн тенгаламасининг замирида электрон фақат битта фотонни ютади деган тасаввур ётади. Лекин интенсивлиги жуда катта бўлган ёруғликлар учун фотоэффект қонунлари ўз кучини йўқотади. Ҳақиқатан, агар интенсивлиги жуда катта бўлган ёруғлик билан тажриба ўтказилаётган бўлса, металдаги электронга бир вақтнинг ўзида иккита фотон тушиши мумкин. Бу ҳолда электрон ютган энергия иккала фотон энергияларининг йиғиндисига тенг. бунда содир бўладиган фотоэффектни кўп фотонли фотоэффект деб аталади. Табиийки, кўп фотонли фотоэффектнинг “қизил чегараси” кичик частоталар (катта тўлқин узунликлар) соҳасига силжийди.

Фотоэффектнинг квант назариясининг муваффақияти ёруғликнинг квант табиатини намойиш қилувчи далиллардан биридир. Кейинчалик ёруғликнинг квант табиати бир қатор тажрибаларда тасдиқланади.

### Мустаҳкамлаш саволлари

1. Фотоэффект деб қандай ҳодисага айтилади?
2. Фотоэффект қонунларини айтиб беринг.
3. Ташқи фотоэффект учун Эйнштейн тенгламаси нимани ифодалайди?
4. Фотоэффектнинг “қизил чегараси” деганда нима тушунилади?

### Таянч сўзлари

Фотоэффект – бу ёруғлик таъсирида модданинг сиртидан электронларнинг ажралиб чиқиш ҳодисасига айтилади.

Фотоэлектронлар – ёруғлик таъсирида металл сиртидан ажралиб чиққан электронлардир.

### Синон тест саволлари

- 1) Ёруғлик квантлари – фотонлар мавжудлигини қайси тажрибалар тасдиқлайди.
  - a) Резерфорд тажрибаси
  - b) Боте тажрибаси
  - c) Франк-Герц тажрибаси
  - d) Штенр – Герлах тажрибаси
- 2) Фотоэффектнинг “қизил чегараси” вольфрам учун 590 нм бўлса чиқиш иши аниқлансин.
  - a)  $3,36 \cdot 10^{-19}$  Ж
  - b)  $2,1 \cdot 10^{-19}$  Ж
  - c)  $6,7 \cdot 10^{-19}$  Ж

d)  $5,8 \cdot 10^{-19}$  Ж

3) Ташқи фотозефekt учун Эйнштейн формуласини кўрсатинг.

a)  $N \cdot h\nu = A_{\text{т}} + \frac{m_e v^2}{2}$

b)  $h\nu = A_{\text{т}} + \frac{m_e v^2}{2}$

c)  $h\nu + e\varphi = A_{\text{т}} + \frac{m_e v^2}{2}$

d)  $\frac{h\nu}{c} = A_{\text{т}} + \frac{m_e v^2}{2}$

4) Рух пластинкасига тўлқин узунлиги  $\lambda =$  бўлган монохроматик ёруғлик тўшаётган бўлса фотозлектронларнинг максимал тезлиги аниқлансин ( $x \cdot 10^6$  м/с)

a)  $x = 0.76$

b)  $x = 0.42$

c)  $x = 1.24$

d)  $x = 9.25$

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси, М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т., “Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Ўзбекистон”, 1994
5. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

## МАЪРУЗА -10

### ФОТОНЛАРНИНГ ТАБИАТИ. УЛАРНИНГ МАССАСИ, ИМПУЛЬСИ ВА ЭНЕРГИЯСИ. ЁРУҒЛИКНИНГ БОСИМИ. КОМПТОН ЭФФЕКТИ.

**Маърузанинг мақсади:** Фотонларнинг табиати, массаси, импульси ва энергияси ҳамда Комптон эффектлари оптик ҳодисалари қонунларини ўрганишдан иборат. Бунинг учун қуйидаги мавзуларни батафсил кўриб чиқамиз:

Фотон ва унинг характерсикалари.

Ёруғликнинг босими.

Комптон эффекти.

### ФОТОН ВА УНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ

Иссиқлик нурланиш, фотоэффект ҳодисаларини ёруғликёруғликнинг “элементар зарраси” – фотон тўғрисидаги тасавур асосида тушунтирилади. Мазкур ҳодисалар устида мулоҳаза юритилганда ёруғлик энергия (яъни электромагнит энергия) ана шу фотонларда мужассамлашган деган фикр асос қилиб олинади. Фотон энергияси ва частотаси орасидаги боғланиш  $E=h\nu$  муносабат биалн аниқланади. Энергия ва массанинг эквивалентлик қонунидан фойдалансак, фотоннинг массаси

$$m_0 = \frac{\varepsilon}{\tilde{n}^2} = \frac{h\nu}{c^2} \quad (1)$$

га тенг бўлади. Иккинчи томондан ҳар қандай зарранинг массаи унинг тезлиги билан нисбийлик назарияси келтириб чиқарган:

$$m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} \quad (2)$$

муносабат орақали белгиланади. Бу ифодадан кўриниб турибдики, зарра зарра ҳаракатланмаётган (яъни  $v=0$ ) ҳолда унинг массаси  $m_0$  га тенг. Одатда ана шу “тинчликдаги масса” тажрибада ўлчанади. Чунки аксарият ҳолларда  $v \ll c$ . Замонавий физика катта тезликлар билан ҳаракатланаётган зарралар учун (6.6) муносабат тўғрилигини исботлади. У ҳолда ёруғлик фотони учун (6.6) ни қандай тушуниш лозим?

(6.6) ни

$$m_0 = m \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}} \quad (2a)$$

кўринишда ёзиб олайлик. Ёруғлик учун  $v=c \cdot m_\phi$  нинг қиймати эса чекли катталиқ [(1)га асосан]. Шунинг учун (2a) нинг қиймати эса чекли катталиқ (2) га асосан. Шунинг учун (2a) ифода асосида ёруғлик фотонинг тинчликдаги массаси  $m_0$  нинг қиймати нолга тенг бўлиши керак, деган

хулосага келинади. Бошқача айтганда ёруғлик фотони “тўхтаб қолса” унинг барча хусусиятлари ҳам йўқолади: массаси ҳам, энергияси ҳам нолга тенг бўлади. Умуман фотоннинг “тўхташи” деганда уни бирор жисм томонидан ютилиши тушунилади. Тўхташ жараёнида фотоннинг энергияси (ва унга эквивалент бўлган массаси) ютувчи жисмга ўтади. Натижада ютувчи жисмнинг энергияси (массаси) мос равишда ортади.

Демак, ёруғлик фотоннинг бошқа заралар (масалан, электрон, атом, молекула ва ҳакоза) дан фарқланувчи махсус хусусияти шундаки, фотон тинчликдаги массасига эга бўлмайди. Фотон фақат ҳаракатланиш жараёнидагина мавжуд бўлиб унинг тезлиги ёруғлик тезлигига тенг.


Ҳар қандай ҳаракатланувчи зарра каби фотон ҳам импульсга эга бўлади:

$$p_{\phi} = m_{\phi} c = \frac{h\nu}{c^2} c = \frac{h\nu}{c} \quad (3)$$

Шундай қилиб, барча заралар каби фотон ҳам

энергия  $E=h\nu$ , масса  $m_{\phi} = \frac{h\nu}{c^2}$ , импульс  $p_{\phi} = \frac{h\nu}{c}$  билан характерланади.

Фотонлар мавжудлиги бир қатор тажрибаларда тасдиқланди. А.Ф.Иоффе ва Н.И. Добронравов амалга оширган тажрибада (1922 йил) зарядланган висмут зараси (В) ясси конденсатор қопламалри орасида “муаллақ” вазиятда туради (10.1-расм), яъни зарранинг оғирлик кучи заррага тескари йўналишда таъсир этувчи электр куч билан мувозанатлашган бўлади. Тажрибада конденсатор қопламаларидан бири рентген трубкасининг аноди (соддалаштириш мақсадида рентген трубкаси расмда тасвирланмаган) вазифасини бажаради. Ниҳоятда кичик интенсивликдаги электронлар оқими А анодга келиб урилгач, унда тормозланади. Натижада А дан бир секундда 1000 га яқин рентген импульслари чиқарилади. Бу рентген нурлари таъсирида зарра 30 минутлар чамасида бир марта “титраб” мувозанатдан чиққан. Ҳисобларнинг кўрсатишича, шундай вақт ичида зарра йўналишида битта рентген кванти нурланар экан. Бу квант зарра билан тўқнашганда фотоэффект ходисаси рўй беради.



10.1-расм

Натижада заряди ўзгарган (ажралиб чиққан электрон ҳисобига) зарра мувозанат вазиятидан чиқади. Тажрибани ана шундай тушунтириш мумкин ва у рентген нурларининг жисм билан таъсирлашуви квант



характерга эга эканлигини тасдиқлайди. Агар рентген нурлари тўлқин тарзида тарқалади деб тасавур қилинса, заррадан электроннинг ажралиб чиқиши учун лозим бўладиган энергия  $A$  нинг қийматига етгунча йиғилиши лозим. тажрибаларда қўлланилган рентген нурларининг интенсивлиги ниҳоятда кичик бўлгани учун, ҳисобларнинг кўрсатишича, бундай энергия ҳар қанча вақт ўтса ҳам йиғилмас экан.


С.И.Вавиловнинг фикрига кўра, ёруғлик оқими айрим фотонларнинг йиғиндисидан иборат бўлса, статистика физика қонунларига асосан фотонларнинг флуктуацияси (флуктуация – физик катталиқнинг ўртача қийматидан тасодифий четга чиқишлари) кузатилиши лозим. 1933-1942 йиллар мобайнида ўтказилган кузатишларда бу фикр тасдиқланди. Натижада ёруғликнинг фотон табтатини исботловчи яна бир далилга эришилди.

### Ёруғликнинг босими


Максвелл назариясига асосан, жисм сиртига тушаётган ҳар қандай электромагнит тўлқиншу жисмга босим беради. Босимни вужудга келишини қуйидагича тушунтириш мумкин. Ясси ёруғлик тўлқин металл сиртига нормал равишда тушаётган бўлсин (10.2-расм). У холда ёруғлик тўлқининг  $E$  ва  $H$  векторлари металл сирти бўйлаб йўналган бўлади. Ёруғликнинг электр майдони таъсирида металл сиртига яқин жойлашган электрон майдонга тесқари йўналишда ҳаракатга кела бошлайди. Лекин шу вақтнинг ўзида ёруғлик тўлқинининг магнит майдони томонидан ҳаракатланаётган электронга Лоренц кучи ( $F_L$ ) таъсир қилади. Бу куч металл сиртига перпендикуляр равишда унинг ичига қараб йўналган. Ёритилаётган металл сиртининг бирлик юзига таъсир этадиган Лоренц кучларининг йиғиндиси ёруғлик босимини характерлайди. Максвелл назарияси асосида ўтказилган ҳисоблар натижасида ёруғлик босими учун қуйидагича формула ҳосил қилинади:

$$p = \omega(1 + \rho) \quad (4)$$

бунда  $W$  – сиртга тушаётган ёруғлик дастаси энергиясининг ҳажмий зичлиги,  $\rho$  – сиртнинг ёруғлик қайтариш коэффициентини.



10.2-расм



10.3-расм

Ёруғлик босимини биринчи бўлиб 1900 йилда П.Н.Лебедев тажрибада аниқлади. П.Н.Лебедев тажрибасининг моҳияти қуйидагидан иборат: осонгина буриладиган парракнинг қанотларидан бири қорайтирилган, иккинчиси эса ялтироқ қилиб ясалган (10.3-расм). Бу қанотларни навбатма-навбат ёритиш натижасида ҳосил бўладиган парракнинг бурилишлари таққосланади. паррак ўқиға ёпиштирилган кичкина кўзгудан қайтувчи нурнинг оғишига асосланиб парракнинг бурилганлик даражаси тўғрисида маълумот олинади. Тажрибаларда ёруғликнинг ялтироқ қанотга берадиган босими ( $p_y$ ) қорайтирилган қанотга берадиган босими ( $p_k$ ) дан икки марта катта бўлиб чиқди. Бу натижа

Максвеллнинг назарий хулосасига мос келади. Ҳақиқатан, идеал ялтироқ сирт учун  $\rho=1$ . Шунинг учун (4) га асосан,

$$p_y = \omega(1 + \rho) = 2\omega.$$

Ёруғликни тўла ютувчи қорайтирилган сирт учун  $\rho=0$ . Натижада

$$p_k = \omega(1 + \rho) = \omega.$$

Ёруғликнинг босимини П.Н.Лебедев тажрибасида аниқланган қиймати (6.8) формула асосида ҳисобланган қийматига яқин бўлиб чиқди.

Ёруғлик босимини квант тасаввурлар асосида ҳам тушунтириш мумкин. Сиртга нормал равишда тушаётган ясси момнхроматик ёруғлик дастсининг бирлик ҳажмида  $N$  та фотон мавжуд бўлсин. Сирту стида асосининг юзи бир бирликка, билиндлиги эса  $c$  га тенг бўлган цилиндрни хаёлан тасаввур қилайлик. Цилиндр ичидаги  $N \cdot c$  фотонларнинг барчаси бирлик вақтда бирлик юзага тушади.

Уларнинг  $\rho Nc$  қисми сиртдан қайтади, қолган қисмини яъни  $(1-\rho)Nc$  фотон сиртда ютилади. Ютилган фотонларнинг ҳар бири сиртга  $m_\phi c$  импульс беради. Қайтган ҳар бир фотон туфайли сирт  $m_\phi c - (-m_\phi c) = 2m_\phi c$  га тенг импульс олади. У ҳолда бирлик вақтда сиртнинг бирлик юзига таъсир этувчи импульсларнинг йиғиндиси ёруғлик босимини ифодалайди, яъни

$$p = 2m_\phi c \rho Nc + m_\phi c(1-\rho)Nc = (1+\rho)Nm_\phi c^2 \quad (5)$$


Бу ифодадаги  $Nm_\phi$  - бирлик ҳажмдаги фотонлар массаси. Шунинг учун, Эйнштейннинг масса ва энергия оарсидаги эквивалентлик қонунига асосан  $Nm_\phi c^2$  бирлик ҳажмдаги  $\omega$  ёруғлик энергияни характерлайди.

Натижада (5) ифода  $p = (1+\rho)\omega$  кўринишга келади.

### Комптон эффекти

Комптон эффекти деб ном олган ҳодисани 1923 йилда А.Комптон рентген нурларининг сочилишига оид тажрибада аниқлади. Тажрибанинг схемаси 10.4-расмда тасвирланган.

$D_1$  ва  $D_2$  диафрагмалар ёрдамида ингичка даста шаклига келтирилган рентген нурлари сочувчи кристалл  $K\alpha$  га тушади. Сочилган нурларни рентген спектрограф  $Cn$  да тўлқин узунликлари бўйича анализ қилинади.



10.4-расм

Тажрибаларнинг кўрсатишича, монохроматик рентген нурларининг тўлқин узунликлари тушиш йўналишида ўзгармайди, яъни  $\theta=0^\circ$  бўлганда  $\lambda=\text{const}$  бўлади. Лекин бошланғич йўналиши билан нолдан фарқли ихтиёрий  $\theta$  бурчак ҳосил қилиб сочилган рентген нурларининг тўлқин узунлиги ( $\lambda'$ ) нинг қиймати кристаллга тушаётган рентген нурларининг тўлқин узунлиги  $\lambda$  дан катта. Нурларнинг частоталари тўғрисида мулоҳаза юргизиладиган бўлса, сочилган нурларнинг частотаси  $\left(\nu' = \frac{c}{\lambda'}\right)$ , тушаётган нур частотаси  $\left(\nu = \frac{c}{\lambda}\right)$  дан кичик. Тушаётган ва сочилган нурлар тўлқин узунликларининг фарқи ( $\Delta\lambda = \lambda' - \lambda$ ) нинг сочилиши бурчагига боғлиқлиги


$$\Delta\lambda = 2K \sin^2 \frac{\theta}{2} \quad (6)$$

муносабат билан ифодаланади. бунда  $K$  – комптон доимийси бўлиб, унинг тажрибаларда топилган қиймати  $2,41 \cdot 10^{-12}$  м га тенг.

Тўлқин назарияга асосан, рентген нурларининг ўзгарувчан электр майдони таъсирида кристаллдаги атомларнинг электронлари мажбуран тебранади ва улар иккиламчи тўлқинлар тарқатади. бу иккиламчи тўлқинлар (сочилаган рентген нурлари) нинг частотаси билан бир хил бўлади. тажрибаларда кузатилаётган сочилган нурлар частотасининг ўзгарувини тўлқин назария мутлақо тушунтира олмайди.

Комптон эффектини ёруғликнинг квант назарияси асоасида тушунтирилди. Бунда рентген нурларининг кристаллдан сочилиш ҳодисасини рентген фотонларининг кристаллдаги эркин электронлар билан тўқнашуви маҳсулидир, деб ҳисобланади. Энергияси  $w_{\text{тф}} = h\nu$  ва импульси  $p_{\text{ф}} = \frac{h\nu}{c}$  бўлган фотон электрон билан тўқнашаётган бўлсин (10.5-расм). Тўқнашиш содир бўлгунча нишон электроннинг энергияси  $w_{\text{нэ}} = m_0 c^2$  (бунда  $m_0$  – электроннинг тинчлик вазиятидаги массаси) ва импульси  $p_{\text{нэ}} = 0$  қийматлар билан характерланади. Тўқнашув туфайли электрон фотон энергиясининг бир қисмини қабул қилади ва  $\mathbf{v}$  тезлик билан ҳаракатга келади. Натижада сочилган электрон  $w_{\text{сэ}} = mc^2$  энергияга ва

$p_{cэ} = mv$  импульсга (бу ифодаларда  $m = m_0 / \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$ ) эришади. Фотоннинг ўзи бошланғич йўналиш билан  $\theta$  бурчак ҳоисл қилиб сочилади. Сочилган фотоннинг энергияси ( $w_{cф} = hv'$ ) ва импульси  $\left( p_{cф} = \frac{hv'}{c} \right)$  тушаётган фотонниқидан кичикроқ бўлиши табиий, албатта. Фотон энергиясининг камайиши, унинг частотасининг камайиши ҳам демақдир. сочилган фотон частотасининг камайганлиги,  $\lambda = \frac{c}{\nu}$  формулага асосан, тўлқин узунликнинг ортганлигини билдиради.



10.5-расм

Фотон ва эркин электроннинг тиаъсирлашуви туфайли вужудга келган тўлқин узунлик ўзгарувчи -  $\Delta\lambda$  тўғрисида микдорий ахборот олиш учун энергия ва импульснинг сақланиш қонунларига мурожаат қилиш лозим:

$$w_{тф} + w_{нэ} = w_{сф} + w_{сэ}; \tag{7}$$

$$p_{тф} = p_{сф} + p_{сэ} \tag{8}$$

Бу икки тенгликни биргалиқда ечиш натижасида

$$\Delta\lambda = 2 \frac{h}{m_0c} \sin^2 \frac{\theta}{2} \tag{9}$$

муноасбатни ҳосил қиламиз. Бу ифодани (6) билан солиштирсак, комптон доимийси  $k = \frac{h}{m_0c}$  бўлиши керак, деган хулосага келамиз.

Ҳақиқатан,  $h, m_0$  ва  $c$  ларнинг қийматларидан фойдалансак,  $K = 2,426 \cdot 10^{-12}$  м ҳосил бўлади. Демак, назарий (9) ифода ва (6) муносабат жуда мос келиб, фотонларнинг мавжудлигини исботловчи далил бўлиб хизмат қилади.

### Мустаҳкамлаш саволлари

1. Фотонларнинг табиати қандай?
2. Комптон эффектини изоҳланг?

3. Комптон силжиши нимани тушунтиради?

### Таянч сўзлари

Фотонлар – ўзида ёруғликнинг квантланган улуши энергиясининг сақланган микрозаррачалардир.

### Синов тест саволлари

1) Бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтганда фотоннинг энергияси ўзгарадими?

- a) Оратади.
- b) Камаяди.
- c) Ортиб сўнг камаяди.
- d) Ўзгармайди.

2) Комптон тўлдқин узунлигининг энг катта ўзгариши қандай сочилиш бурчагида кузатилади?

- a)  $\alpha=0^\circ$ .
- b)  $\alpha=180^\circ$ .
- c)  $\alpha=90^\circ$ .
- d)  $\alpha=60^\circ$ .

3) Агар сочилишда тўлқин узунлигининг ўзгариши  $\Delta\lambda=3,62$  нм бўлса, эркин электрон билан тўкнашган фотоннинг сочилиш бурчаги  $\theta$  аниқлансин.

- a)  $120^\circ$  ёки  $240^\circ$
- b)  $150^\circ$
- c)  $135^\circ$
- d)  $225^\circ$

4) Монохроматик ёруғликнинг ( $\lambda=662$  нм) параллел дастаси қорайтирилган сиртга тушмоқда ва унга  $p=0,3$  мкПа босим билан таъсир кўрсатмоқда. Ёруғлик дастасидаги фотонлар концентрацияси  $n$  ( $\text{м}^{-3}$ ) аниқлансин.

- a)  $12 \cdot 10^{12}$
- b)  $34 \cdot 10^{12}$
- c)  $6 \cdot 10^{13}$
- d)  $26 \cdot 10^1$

### Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.

2. И.Т.Трофимова, Физика курси , М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т.,”Укитувчи” 1989,
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Ўзбекистон” , 1994
5. А.А.Детлаф, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ НУРЛАНИШ КОРПУСКУЛЯР ВА ТУЛКИН  
ХУСУСЯЛАРИНИНГ ДИАЛЕКТИК БИРЛИГИ.**

**Маърузанинг маисади:** электромагнит нурланишнинг корпускуляр ва тўлқин хусусиятларининг диэлектрик бирлиги асосида, микроразрларнинг тўлқин хусусиятларини урганишдан иборат.

Бунинг учун қуйидаги мавзуларни кўриб чиқамиз:

**Моддаларнинг корпускуляр тўлқин дуализми,  
Де – Бройль гипотезаси ва унинг формуласи  
Бор постулатлари,  
Водород атоми учун Бор назарияси**

Оптикага оид ходисаларни урганиш натижасида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

- 1) абсолют қора жисм нурланиш спектридаги энергия тақсимоли, фотоэффект, Комптон эффекти ёруғликнинг квант хусусиятларидан далолат беради;
- 2) ёруғлик интерференцияси, дифракцияси, дисперсияси, кутбланиши каби ходисаларда ёруғликнинг тўлқин хусусиятлари намоён бўлади.

Бу икки гуруҳ ходисаларни тушинтиришда ёруғлик табиатини ақс этгузиривчи икки назариядан, яъни ёруғликнинг тўлқин (электромагнит) ва корпускуляр (квант) назарияларидан фойдаланилди. У ҳолда, барча ёруғлик ходисаларини икки бир-бирига зид назариялар асосида эмас, балки бу нвзврияларнинг замонавийроғи асосида талқин қилишнинг иложи йўқми?-деган савол тугилади.

Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги тажрибани тасаввур қилайлик. Икки бир-бирига яқин жойлаштирилган тиркишдан ёруғлик утаётган бўлсин. Иккала тиркиш очик бўлган ҳолда экран урнига жойлаштирилган фотопластинкада навбатлашган ёруғ ва қоронғи соғалардан иборат интерференцион манзара вужутга келади. Фотопластинкани алмаштирайлик. Бу фотопластинкага олдин факат биринчи тиркишдан, кейин факат иккинчи тиркишдан ёруғлик туширамиз. Бу ҳолда ҳам фотопластинкага ёруғлик иккала тиркиш орқали тушади. Лекин бир вақтда эмас. Фотопластинкадаги манзара мутлақо бошқача бўлади, интерференцион манзара кузатилмайди. Тўлқин назарияга асосан шундай бўлиши керак, албатта. Энди, тажрибани корпускуляр назария асосида тушинтиришга ҳаракат қилайлик: фотонлар тиркишдан утиш жараёнида тиркиш деворларига урилиб йуналишларини узгартиради, натижада фотопластинкаларнинг турли соғаларига тушган фотонлар сони турлича бўлади, деб тасаввур қилиб қурайлик. У ҳолда иккала тиркиш бир вақтда очик қолдирилган ҳолдаги ва тиркишлар навбатма-навбат очик

колдирилган (аммо ёруглик бир фотопластинкага туширилган) холдаги манзараларнинг хар хил булишини мутлако тушинтириб булмайди.

Шунга ухшаш тажриба ва мулохазалар асосида барча оптик ходисаларни факат тулкин назария ёки факат корпускуляр назарияга таяниб талкин килиш имконияти йуклигини исбот килиш имконияти йуклигини исбот килиш мумкин. Бу икки назариянинг кайси бири хакида мулохаза юргизсак хам, у бир гурух ходисаларни тушинтиришда муваффикиятга эришади-ю, аммо иккинчи гурух ходисаларни талкин килишга ожизлик килади.

Шунинг учун кулланилаётган икки назариядан кайси бири заманавийрок эканлиги хакида мулохазалар юритиш урнига ёруглик табиати тугрисидаги тасавурларимизни ойдинлаштириб олганимиз маъкулрокдир.

Умуман, инсон онгида ташки мухит таъсири туфайли дунё манзараси шаккланиб бир катор тасавурлар системаси вужутга келади. Масалан, «тулкин харакат» деганда сув сиртининг тулкинланиши кузатиш натижасида вужутга келган таассуротлар куз унгимизда пайдо булади. Лекин дунёни инсон сезги органлари оркали кайд килиш (таассурот) туфайли вужудга келган тасавурларни микроламга хар доим куллаб булмайди. Хусусан мулохазаларда тулкин манзарасидан электромагнит нурланишнинг модели сифатида фойдаландик. Умуман, учлаш ёки кузатиш натижасида йигилган ахборотларни назарий жихатдан мухокама килиаётганда текшириш объекти (ходиса) ни содалаштиришга ёрдам берадиган баъзи фаразлардан фойдаланилади. Бу фаразлар асосида тикшираётган буюм ёки ходисаларни идеаллаштирилган модели хосил килинади. Хар кандай модель объектив табиатини факат биринчи якинлашувдаги ифодасидир. Шунинг учун ёругликнинг тулкин модели бир катор оптик ходисаларни талкин килишда жуда катта ёрдам беради. Аммо баъзи холлардабу модель нотугри фикирларга олиб келиши хам мумкин. Бунга ажабланмаса хам булади, чунки хар кандай модель барча холларда объектни айнас акс эттира олмайди-да. Худди шунингдек, ёругликнинг корпускула модели хам хамма вақт кул келавермайди. Бунинг сабаби шундаки, электромагнит нурланиш, аслида, тулкин хам, корпускула хам эмас.

Электромагнит нурланиш, хусусна ёруглик хакидаги ахборотларнинг аксарияти инсоннинг бевосита сезги органлари оркали эмас, балки билвосида махсус курилмалар ёрдамида вужудга келади. Ёруглик баъзи курилмаларга тулкинга ухшаш таъсир килса, баъзиларига корпускулага ухшаб таъсир курсатади. Шунинг учун ёругликнинг тажрибаларда кузатиладиган тулкин ва корпускуляр хусусиятларини бир-бирига карама-карши куйиш керак эмас. Балки ёруглик бир вақтнинг узида иккала хусусиятга хам эга, деб хисоблаш керак. Бокача килиб айтганда, электромагнит нурланишда тулкин ва корпускуляр хусусиятларнинг диалетик бирлиги кузатилади. Бирок бу хусусиятлар маъум конуният асосида намаён булади: тулкин узунликнинг камайиши (частотанинг



камайиши) туфайли электромагнит нурланишнинг тулкин хусусиятлари юзага чика бошлайди.

Электромагнит нурланишнинг иккала хусусияти бир вақтда мавжуд булса, улар орасида бирор боғланиш ҳам булиши керак, албатта. Хакикатан , нурланишнинг тулкин хусусиятидан фойдаланиб интенсивлик тулин амплитудасининг квадратига пропорционал деган эдик. Нурланиш-фотонлар окими деб хисобланганида интенсивлик фотонлар сонига тенг эди. Демак, фотоннинг фазонинг бирор нуктасига тушиш эхтимоллиги тулкин амплитудасининг квадратига пропорционалдир.

Шундай килиб, электромагнит нурланиш физик нуктаи назардан реал объект булиб, у тулкинга ҳам, корпускулага ҳам ухшамайди. Тулкин ва корпускула тасавурлари ходисаларни талкин килишда фойдаланиладиган моделлар булиб, улар нурланишнинг бир-бири билан узвий боғланган турли хусусиятларини акс эттиради. Баъзи шароитларда нурланишнинг табиати, асосан, корпускуляр хусусиятлар билан аникланиб, тулкин хусусиятлар эса текшириляётган ходисанинг унчалик ахамиятга эга булмаган хислатларини ифодаляйди. Бошка хил шароитларда эса нурланишнинг тулкин табиати урганиляётган ходисанинг асосий хислатларини аникляйдиган даражада катта ахамиятга эга булади. Бу холларда нурланишнинг корпускуляр хусусияти ходисанинг иккинчи даражали хоссаларни аниклашга ёрдам беради, холос.

## КВАНТ МЕХАНИКАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Микрозаррачаларнинг корпускуляр-тулкин дуализми.

Де-Бройль формуласи

Ёругликнинг дуалистик хусусиятлари, яъни унинг тулкин ва корпускуляр хусусиятлари тугрисидаги фикрни ривожлантириб 1924 йилда де-Бройль янги гипотезани илгари сурди. *Табиат симметрияга мойил булганлиги туфайли модда зарраларининг факат корпускуляр хусусиятлари эмас, балки тулкин хусусиятлари ҳам содир булиши керак.*


Бошкача килиб айтганда, де-Бройль гипотезасига асосан, корпускуляр-тулкин дуализм электромагнит нурланиш учун ҳам, модда зарралари учун ҳам тегишлидир. У холда электромагнит нурланиш фотони учун уринли булган куйидаги

$$p = \frac{h\nu}{c} = \frac{h}{\lambda}$$

муносабатни модда зарралари учун ҳам куллаш мумкин. Шунинг учун массаси  $m$ , тезлиги  $v$  булган зарранинг характланиш жараёнида узунлиги

$$\lambda = \frac{h}{p} = \frac{h}{mv} \quad (1)$$

булган тулкиннинг хусусиятлари намоён булиши керак, деган хулосага келинади. (1) ифодани *де-Бройль тулкин узунлиги формуласи* деб,  $\lambda$  ни эса *де-Бройль тулкин узунлиги*. деб аташ одат булган. Де-Бройль гипотезаси билан танишгач, Эйнштейн куйидаги фикирни айти: агар бу гипотеза учун булса, электронлар учун дифракция ходисаси кузатилиши лозим.



11.1-расм

Хакикатан, 1927 йилда *Дэвиссон ва Жермер тажрибасида* бу фикр тасдиқланди. Бу тажрибасининг схемаси 11.1-расмда тасдиқланган. Киздирилган *K* катоддан чиққан термоэлектронлар катод ва *A* анод оралигидаги электр майдони таъсирида тезлатилади. Электронлар дастаси ва диафрагмалар ёрдамида ингичка даста шаклида кристаллга, ундан сочилган


электронлар эса ионизацион камера (*ИК*) га тушади. Ионизацион камерада вужудга келган ток гальванометр ёрдамида улчанади. Тажрибада ионизацион камерани силжитиш ёрдамида турли бурчаклар остида сочилган электронларни кайд килиш имконияти мавжуд эди. Тажрибалар натижаси шуни курсатдики, сочилиш бурчагининг узгариши билан ионизацион камерадаги ток кучи монотон равишда узгармайди, балки бир қарор максимумлар кузатилади.

Масалан, никель кристали билан тажрибада утказилганда электронларни тезлатувчи (яъни *K* ва *A* лар орасидаги) потенциаллар фарқи 54 В булганда (бундай майдонда электрон  $\sim 4 \cdot 10^6$  м/с тезликка эришади) сочилиш бурчагининг  $\alpha = 50^\circ$  кийматида максимум кузатилди. Агар шу тажриба электронлар дастаси билан эмас, балки рентген нурлари билан утказилган, дифракцион максимум  $\alpha = 50^\circ$  да кузатилиши учун рентген нурларининг тулкин узунлиги  $1,67 \cdot 10^{-10}$  м булиши лозим. Иккинчи томондан, тажрибада кулланилган электронлар учун, (1) ифода асосида, де-Бройль тулкин узунликни ҳисобласак,  $\lambda \approx 1,67 \cdot 10^{-10}$  м кийматни ҳосил қиламиз. Мос келувчи бу натижалар де-Бройль гипотезаси тўғрилигининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Одатда спектрларни узлуксиз ва чизиқли деб аталади. Бу терминлар ишлатилишининг сабаби нимада? Нурланишларни тўлқин узунликлар (яъни частоталар) бўйича ажратиб уларни фотопластинкага тушурувчи қурилмаларни спектрограф дейилади.

Спектрографнинг асосий қисми призма булиб, тасмасимон тиркишдан утиб призмага тушаётган турли тулқин узунликли (частотали) нурланишлар бу призмада турлича синади, яъни частотаси кичикрок булган бинафша нурланишга нисбатан кичикрок бурчакка оғади. Натижада

фотопластинкада вужудга келтирган тасвирлари пайдо булади. Туркиш тасмасимон шаклда булганлиги учун тасвир ҳам тасмасимон булади. Лекин спектрографни ажратиш кобилиятини ошириш максасида туркишни нихоят энсиз килиб олинадики, натижада ишлов берилган фотопластинкаларни тасвир худди чизикка ухшаб кетади (11.2-расмдаги чизикларга қаранг .) Шунинг учун бундай нурланиш спектри чизикли ёки узлукли деб аталади. Шуни алохида кайд килайликки, хар бир «чизик»ни бирор спектрал интервални акс эттиради, лекин бу интервал жуда кичик булганлиги туфайли хар бир «чизик»ни маълум частотали нурланишга мос келади, дайишимиз мумкин. Агар манба нурланиши узликсиз равишда кетма-кет келувчи частотали нурланишлардан иборат булса,бу нурланишлар туфайли вужудга келган фотопластинкадаги «чизиклар» бир-бирлари билан ажратиб булмайдиган даражада ёнма-ён жойлашади. Шунинг учун фотопластинкаларни тасвир узлуксиз булади ва бундай нурланиш спектри узлуксиз спектр деб аталади.



Водород атоми нурланишнинг спектрини урганиш натижасида спектрадаги чизиклар тартибсиз эмас, балки группалар тарзида (бу группаларни чизиклар сериялари деб аташ одат булган) маълум қонуният билан жойлашганлиги аниқланди.

11.2-расмда водород атоми спектрининг қурунувчан ва ультрабинафша қисимлари тасвирланган. Водород атоми спектридаги барча чизиклар частоталарини қуйидаги умумлашган Бальмер формуласи билан ифодаласи булади:

$$\omega = R \left( \frac{1}{m^2} - \frac{1}{n^2} \right) \quad (3)$$

Бу формуладаги  $R$ -Ридберг доимийси деб аталади, унинг қиймати  $2,07 \cdot 10^{16}$  рад/с га тенг.  $m$  нинг қиймати эса Лайман серияси учун 1, Бальмер серияси учун 2, Пашен серияси учун 3, Брэкет серияси учун 4, Пфунд серияси учун 5 га тенг. Айрим сериялардаги чизикларнинг частоталари (7.3) ифодага  $n = m + 1; m + 2; m + 3; \dots$  қийматларни қуйиш натижасида вужутга келтирилади. Масалан, Бальмер серияси учун  $m = 2$ . Шунинг учун  $n = 3; 4; 5$ ; қийматларда мос равишда 11.2-расмда тасвирланган  $H_{\alpha}, H_{\beta}, H_{\gamma}$  чизикларнинг частоталари ҳосил булади.

Демак, атомнинг Резерфорд таклиф эткан планетар модели, биринчидан, атомларнинг барқарорлигини, иккинчидан, атомлар спектрларнинг чизиклилигини ва унинг қонуниятларини тушинтиришга ожизлик килади.

Бу кийинчиликларни енгиш учун даниялик физик Н. Бор классик физикага зид булган фаразларни илгари сурди. Бу фаразлар фанда *Бор постулатлари* номи билан машхурдир.

Биринчи постулат (тургун холатлар постулати )нинг мохияти куйидагидан иборт:

Атомнинг етарлича узок вакт баркарор буладиган маълум тургун холатлари мавжудки, бу холатлардаги атом энергиясининг кийматлари  $W_1, W_2, \dots, W_n$  дискрет іаторни ташкил этади. Атом ана шу тургун холатларининг бирида булиши мумкин, холос. Тургун холатларга тургун орбиталар мос келади. Тургун орбиталар буйича харакатланаётган электронлар нормал тезланишга эга булса хам электромагнит тулкин нурлантирмайди.

Иккинчи постулат (орбиталарни квантлаш коидаси ) га асосан, тургун холатдаги атомда айланма орбита буйлаб харакатланаётган электроннинг импульс момети


$$L_n = m_e v r_n = n\hbar \quad (4)$$

шартни каноатлантирувчи квантланган кийматларга эга булиши лозим. Бунда  $m_e$ - электроннинг массаси,  $V$ - электроннинг орбита буйлаб харакатидаги чизикли тезлик,  $r_n$  - орбита радиуси,  $\hbar = h/2\pi = 1.055 \cdot 10^{-34}$  Ж\*с

Учинчи постулат (частоталар коидаси)нинг таъкидлашича, атом энергияси  $W_n$  бглан бир турлун холатдан энергияси  $W_m$  булган иккинчи тургун холатга утганда энергиянинг битта кванти чикарилади ёки ютилади. Бу квантнинг частотаси куйидаги


$$\omega = \frac{W_n - W_m}{\hbar}, \quad (5)$$

мунособат билан аникланади.  $W_m < W_n$  шарт бажарилса, квант нурлантирилади, булганда эса квант ютилади. 1914 йилда Франк ва Герц томонидан мохирона амалга оширилган тажриба атомдаги тургун холатларни, яъни дискрет энергетик сатхаларнинг мавжудлигини тасдикланди. Бу тажрибанинг схемаси 11.3-расмда тасвирланган. Хавоси суриб олинган идиш ичига симобнинг



11.3-расм

буглари камалган. Катод ( $K$ ) киздирилиши натижасида термоэлектронлар ажралиб чиқади ва улар катод ҳамда тур ( $T$ ) оралигидаги электр майдон таъсирида тезлатилади. Катод ва тур орасидаги потенциаллар фарқи булса, турдан утаётган электроннинг энергияси булади. Тур ва анод ( $A$ )



11.4-расм

оралигида тухтатувчи кучсизгина майдон хосил килинган. Агар электрон катод ва тур оралигида симоб атоми билан ноэластик тукнашмаса, у бемалол бу кучсиз майдонни енгиб анодга етиб келади. Аксинча, симоб атоми билан ноэластик тукнашув туфайли энергиясини йукотган электрон тухтатувчи майдонни энга олмайди ва турга тушади. Турга тушаётган электронлар канчалик куп булса анод занжирига уланган гальванометр кайд килаётган ток шунчалик камайиб кетади. Тезлатуви потенциалнинг киймати реостат ёрдамида узгартирилиши мумкин. Нинг кийматига боғлиқ равишда анод токнинг узгаришини ифодалувчи эгри чизик 11.4-расмда тавирланган. Тезлатувчи потенциални ортиши, яъни электронларнинг кинетик энергиясини ортиши билан, аввал, ток ҳам орта бошлайди (худди электрон лампалардагидек). Лекин бу усиш электронлар энергиясининг 4,9 эВ кийматигача давом этади. Шундан сунг ток кескин камаяди. Кейинчалик, ток яна уса бошлайди, лекин электронлар энергияси 9,8 эВ га етганда, яна ток кескин камайиб кетади. Токнинг кейинчи кескин камайиши электронлар энергиясининг 14,7 эВ кийматида содир булади. Тажрибанинг курсатишича, ток ийиматларининг кескин камайиши электроннинг энергияси 4,9 эВ га каррали булаган холларда амлга ошяпти. Бундан симоб атомини куйи энергетик сатхдан юкори энергетик сатхага кутариш учун 4,9 эВ энергия лозим, деган хулосага келамиз. Бошкача айтганда, симоб атомига электрон факат маълум улуш энергияни (айни мисолда 4,9 эВ ни) беради 9,8 ва 14,7 эВ ли электронлар эса мос равишда симобнинг икки ва уч атоми билан тукнашса, хар бир тукнашувда 4,9 эВ дан энергия бериб, уларни юкори энергетик сатхага кутаради. Шу тарика Франк ва Герц тажрибаси атомнинг тургун холатлари хакидаги Бор гоясини исботлади.

Бор узининг постулатларига таянган холда водород атомнинг назариясини яратди. Шу назариянинг мохияти билан танишайлик. Водород атоми ядросининг заряди  $+e$ . Ядро атрофида радиуси орбита буйлаб тезлик билан айланётган массаси булган электроннинг хакракат тенгламаси

$$\frac{m_e v^2}{r_n} = \frac{e^2}{4\pi\epsilon_0 r_n^2} \quad (6)$$

курунишда ёзилади. Бу электроннинг импульс моменти эса, орбиталарнинг квантлаш коидасига асосан, (7.4) ва (7.6) ифодаларни биргаликда ечсак, водород атомидаги электрон учун тургун орбиталарнинг радиуслари

$$r_n = \frac{4\pi\epsilon_0 \hbar^2}{m_e e^2} n^2 \quad (7)$$

ифода билан аникланиши лозимлигини томамиз. Бундаги  $n$ -асосий квант сон деб аталади ва у бирдан бошланадиган бутун мусбаг сонларга тенг була олади, яъни

$$n = 1, 2, 3, \dots$$

Бу орбиталарга мос келувчи тугун холатларда водород атомининг тулик энергияси электроннинг кинетик энергияси ва электроннинг ядро билан узаро таъсир энергияларининг йигиндисидан иборат:

$$W_n = \frac{m_e v^2}{2} - \frac{e^2}{4\pi\epsilon_0 r_n} \quad (8)$$

Иккинчи томонидан ,(6) ифоданинг иккала томонини  $r_n/2$ га купайтирсак, у

$$\frac{m_e v^2}{2} = \frac{e^2}{8\pi\epsilon_0 r_n}$$

курунишга келади. Бундан фойдаланиб (7.8) ни куйидагича ёза оламиз:

$$W_n = \frac{e^2}{8\pi\epsilon_0 r_n} - \frac{e^2}{4\pi\epsilon_0 r_n} \quad (9)$$

Бу ифодаги  $r_n$  урнига унинг (7) билан аникланувчи кийматини куйсак, водород атомининг тургун холатларини характерловчи энергетик сатхларнинг кийматларини СИ да хисоблаш имконини берадиган куйидаги

$$W_n = - \frac{m_e e^4}{32\pi^2 \epsilon_0^2 \hbar^2 n^2} \quad (n=1, 2, 3, 4, \dots) \quad (10)$$

формулани хосил киламиз. Гаусс бирликлар системасида бу формула анча ихчам курунишда булади:

$$W_n = - \frac{m_e e^4}{2\hbar^2 n^2} \quad (n=1, 2, 3, 4, \dots) \quad (11)$$

Водород атомининг (7.11) ифода ёрдамида хисобланган энергетик сатхлари 7.9-расмда горизонтал чизиклар шаклида тасвирланган. Албатта, бу чизикларнинг бирбиридан узоклиги бирор масштаб буйича

Энергияларнинг кийматларига монанд равишда утказилган. Водород атомининг нормал (уйготилмаган) ҳолатида электрон энг куйи энергетик сатҳда, яъни асоси квант соннинг  $n=1$  кийматида мос келувчи сатҳда жойлашган бўлади. Агар атомга ташқаридан бирор энергия берилса, электрон  $n=2; 3; 4; \dots$  кийматларга мос булган энергетик сатҳларнинг бирортасига кутарилади. Атомнинг бу ҳолатларида уйготилган ҳолатлар деб аташ одат булган. Уйготилган ҳолатдан нормал ҳолатга қайтаётган атом электромагнит нурланиш квантини чиқаради. Агар электрон  $n=4$  билан характерланувчи ҳолатда булса, у норал (яъни  $n-1$ ) ҳолатга бирданига ёки  $n=3; 2$  ҳолатлар орқали ҳам қайтиши мумкун. Лекин ҳар бир утишда нурланадиган фотоннинг энергияси бошлангич ва охириги сатҳлар энергияларининг фаркига тенг бўлади. Масалан, Лайман сериясига оид булган чизиклар уйготилган ҳолатлардан нормал ҳолатга ( $n = 1$ ) утишларда нурланадиган электромагнит тулкинларга мос келади. Бальмер сериясининг чизиклари эса  $n = 3; 4; 5; \dots$  ҳолатлардан  $n = 2$  ҳолатга утишларда нурлантириладиган электромагнит тулкинларни ифодалайди. Шу тарифка Бор назарияси водород спектридаги серияларнинг физик маъносини ойдинлаштирди.

Бундан ташқари Бор назарияси Ридберг доимийсини ҳам хисрбланиш имконини берди: водород атоми  $n$  ҳолатдан  $m$  ҳолатга нурланадиган электромагнит тулкин частотаси

$$\omega = \frac{W_n - W_m}{\hbar} = \frac{m_e e^4}{32\pi^2 \epsilon_0^2 \hbar^3} \left( \frac{1}{m^2} - \frac{1}{n^2} \right) \quad (12)$$

бўлади. Бу ифодани умумлашган Бальмер формуласи билан солиштирсак, Ридберг доимийси

$$R = \frac{m_e e^4}{32\pi^2 \epsilon_0^2 \hbar^3} \quad (13)$$

### Мустахкамлаш саволлари

- 1) Ёруҗликнинг 2 хил табиати ( корпускуляр ва тўғлиин) қандай изоҳланади?
- 2) Модда зарраларининг тўғлиин табиатини қандай тушунаси?
- 3) Де – Бройль гипотезаси нимани тушунтиради?
- 4) Де – Бройль тўғлиин узунлигининг физик маъноси қандай?

## Таянч сузлар

Ёрулик бир ваитнинг гзида 2 хил табиатга эга бглиб, материанинг 2 хил кгриниши модда ва майдон хусусиятларига эгадир.

Микрозарралар – тинчликдаги масасага эга бглан харакатлари тглинсимон бглан элементар яъни, гзидан бошiasига бглинмайдиган заррачалардир. Масалан, электрон, протон нейтрон, ва бошialар

## Тест синов саволлари

- 1)  $\phi_1 - \phi_2 = U = 1$  В потенциаллар айирмасидаги гтган электронлар учун Де – Бройль тглин гзунлиги анилансин ( Нм)
  - a) 2,3
  - b) 1,5
  - c) 1,2
  - d) 4,5
- 2)  $U = 100$  В потенциаллар айирмасида гта оладиган электронлар учун Де – Бройль тглин гзунлиги неча ( Нм) бглади?
  - a) 0,12
  - b) 0,53
  - c) 1,54
  - d) 5,42
- 3) Кинетик энергияси 1 МэВ бглан электрон учун Де – Бройль тглин гзунлиги хисоблансин.
  - a) 10
  - b) 1,2
  - c) 2,4
  - d) 5,5
- 4) Биринчи Бор орбитасидаги электроннинг кинетик, потенциал ва тгла энергияси неча ( эВ) га тенг?
  - 1)13,6: 2)–27,2: 3)–13,6
  - a) 1,3,2
  - b) 1,2,3
  - c) 3,2,1
  - d) 3,1,2
- 5) Водород атомининг  $n = 2$  орбитасидаги электронинг кинетик энергияси неча (эВ) бглади?
  - a) 3,4
  - b) 13,6
  - c) 0,85
  - d) 1,51



## Адабиётлар

1. И.В.Савельев, Умумий Физика курси, т.2.3, М., “Олий мактаб” 1989.
2. И.Т.Трофимова, Физика курси , М., “Олий мактаб” 1992
3. О.И.Ахмаджонов, Физика курси, т.2.3, Т.,”Укитувчи” 1989
4. А.Х.Косимов ва б, Физика курси Т., “Узбекистон” , 1994
5. А.А.Детлав, Б.М.Яворский, Физика курси, М., "Олий мактаб", 1990

**МИКРОЗАРРАЛАРНИНГ ТУЛКИН ХУСУСИЯТИ. ГЕЙЗЕНБЕРГ  
НОАНИКЛИК МУНОСАБАТИ. ШРЕДИНГЕР ТЕНГЛАМАЛАРИ.  
ТУЛКИН ФУНКЦИЯСИНИНГ ФИЗИК МАЪНОСИ.**

**Маърузанинг маисади:** Микрозарраларнинг тгліин хусусиятларини математик тенгламалар ёрдамида урганиб, уларнинг бирор нуитасидаги грнини анилаш усуллари маида маълумотлар олишдан иборат. Бунинг учун іуидаги мавзуларни куриб чиіамиз:

Микрозарраларнинг тгліин хоссалари.  
Гейзенберг ноаниілик муносабатлари.  
Шредингер тенгламалари.  
Тгліин функциясининг физик маъноси.


Ёруілик (умумий холда электромагнит нурланиш) ва харакатланувчи зарра(кгпинча “микрозарра” термини ишлатилади)лар дуалистик хислатларга эгалиги хакида тажрибаларга асосланиб ишонч хосил килинди. Энди харакатланаётган микрозарраларда намаён бгладиган де-Бройль тулкинларининг табиати хакида мулохоза юритайлик. Маълумки, электромагнит нурланиш, хусусан ёруглик хам, тулкин нуктаи назаридан фазода узгарувчи электромагнит майдон таркалишидир. Де- Бройль тулкининг таркалиши эса хеч кандай электромагнит майдоннинг таркалиши билан боглик эмас. Хатто зарядланганмикрозарраларнинг фазодаги харакати бирор электромагнит жараён билан боглик булиши мумкин-ку, деб фараз килайлик. Хакикатдан, тезланишга эга булган электроннинг электромагнит тулкин нурлантириши кузатилади. Лекин электрон тугри чизикли траектория буйича тугри харакатланаётганда хеч кандай электромагнит нурланиш вужудга келмаслиги юкоридаги фаразни инкор этади. Худди шунингдек, де-Бройль тулкининг классик физикада маълум булган бошка бирор тулкинга ухшатиш асоссиз эканлигини исботлаш мумкин.

Умуман, *харакатланаётган микрозарралар билан боглик булган де-Бройль тулкинларини классик тушунчалар асосида тасавур килиб булмайди.* Хакикатдан, биз идрок киладиган дунёда микрозарраларга ухшаш объект мавжуд эмас. Микрозарралар бизнинг сезги органларимизга бевосита таъсир килмайди. Биз микрозарраларни на кура оламиз, на сеза оламиз. Микрозарралар биз шу вақтгача курган бирор объектга ухшамайди. У бир вақтнинг узида хам зарра, хам тулкин хусусиятларини мужассамлаштирган махсус табиатли материядир. Унинг табиатининг галатилиги шундаки, микрозарра дуалистик хислатга эга, лекин у бизнинг классик тасавуримиздаги заррага хам, тулкинга хам ухшамайди.

Масалан, ёруглик тулкин ярим шаффоф жисмга тушаётган булса, икки мухит чегарасидан ёруглик кисман кайтади, кисман синиб иккинчи

мухитга утади. Бошқача айтганда, ёруглик тулкин қисмларга булинапти. Агар бир мухитдан иккинчи мухитга электрон тушаётган бўлса, у иккинчи жисмни ташкил этувчи зарралар билан таъсирлашуви туфайли ё бирор бурчакга оғиб ҳаракатини давом эттиради, ё жисм томонидан ютилади. Лекин электроннинг бир қисми ютилиб, бир қисми ҳаракатни давом эттиргани, яъни уни булинмаганлиги ҳеч қандай тажрибада қузатилмаган. Демак, микрозарранинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган тулкин классик тушунчадаги тулкинга ухшайди.

Энди қуйидаги ҳаёлий тажриба билан танишайлик. Икки тасмасимон тиркишли тусикка (12.1-а расм) моноэнергитик (яъни энергиялари бир хил бўлган) электронлар оқими тушаётган бўлсин. Экран урнига фотопластинка жойлаштирилган. Тиркишлардан бирини беркитсак, электронлар фақат иккинчи тиркиш орқали утади. Фотопластинкада электронлар купрок тушган соҳалар бошқа соҳаларга нисбатан қорарок бўлади. Шунинг учун электронлар фақат иккинчи тиркиш орқали утган ҳолда фотопластинканинг қорайиши 12.1-б расмдагидек, фақат биринчи тиркиш орқали утган ҳолдагиси эса 12.1- в расмдагидек бўлади. 12.1- г расмда бирор фотопластинканинг узига, аввал фақат биринчи тиркиш орқали, кейин фақат иккинчи тиркиш орқали электрон туширилган ҳолда вужудга келган манзара тасвирланган.



12.1-а,б,в,г,д, -расм

Энди иккала тиркишни ҳам очик қолдирган ҳолда фотопластинкага электронлар туширайлик. Бу ҳолдаги манзара олдинги ҳолдагидек бўлиши лозим эди. ваҳоланки, ҳосил бўладиган манзара худди когерент ёруглик тулқинларининг интерференцияси туфайли вужудга келадиган манзарага ухшайди (21.1-д расм).

Бу тажрибадан қуйидаги хулосага келамиз: ҳар бир электроннинг ҳаракатига иккала тиркиш ҳам таъсир қурсатади. Ажабланарли даражадаги бу галати хулоса бизни «Ахир электрон булинмас-ку! Шунинг учун у ё биринчи, ё иккинчи тиркиш орқали утиши лозим» деган фикрга олиб келади. Бундай фикр биз урганиб қолган классик тасаввурларнинг


окибатида вужудга келди. Аниқрок килиб айтганда, биз микрозаррани улчамлари нихоятда кичик булган механик шарча деб тасаввур қилганлигимиз учун шундай фикрга келдик. Аммо улчамлари кичиклашган сари микрозарраларда янги галати хусусиятлар пайдо булишини ҳисобга олган ҳолда, яъни микрозарранинг дуалистик ҳислатларини ҳисобга олган ҳолда фикр юритсак, юкоридаги тажрибалар асосида чиқарилган ҳулоса ажабланарли эмас, балки мантиқан тугри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шундай килиб, юкорида юритилган мулоҳазалар микрозарраларнинг ҳаракати билан боғлиқ булган де-Бройль тулкинларини классик физикадаги бирор тулкинга ухшатишдан воз кечиш лозимлигини курсатди. Шунинг учун ухшатиш кидирмасдан де-Бройль тулкинларининг физик маъносини англашга ҳаракат қилайлик.

1926 йилда М. Борн электромагнит нурланиш ҳамда ҳаракатланаётган микрозарралар дуалистик ҳислатларининг умумийлигига асосланиб де-Бройль тулкинининг физик маъносини статистик тарзда изохлаб берди. Ҳақиқатдан, фазонинг бирор нуктасида ёруғлик тулкини амплитудасининг квадрати айни нуктага тушаётган ёруғлик фотонларининг сонига, яъни ёруғлик интенсивлигига пропорционал эди. Бошқача айтганда, фазонинг бирор нуктасига фотонларнинг тушиш эҳтимоллиги айни нуктадаги ёруғлик тулкин амплитудасининг квадрати  $|E_m|^2$  билан аниқланар эди. Бунга киёс килиб М. Борн *ҳаракатланаётган микрозарра билан боғлиқ булган де-Бройль тулкини амплитудасининг квадрати фазонинг айни нуктасида микрозаррани қайд қилиш эҳтимоллигини характерлайди*, деб тушунтирди. Демак, электронлар дифракцияси содир булган тажрибаларда экраннинг дифракцион максимум кузатилган соҳалардаги нукталарда де-Бройль тулкини амплитудасининг квадрати максимал қийматга эришади. Аксинча, де-Бройль тулкини амплитудасининг квадрати минимал қийматларга эга булган экраннинг нукталарида эса дифракцион минимум кузатилади.

Гейзенбергнинг ноаникликлар муносабати.

Ҳаракатланаётган микрозарраларда тулкин хусусиятларининг намоён булиши классик механика тушунчаларини микрозарраларга куллашда қандайдир чегараланишлар мавжудлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан, классик механикада жисм (яъни микрозарра) нинг ҳар бир ондаги ҳолати унинг фазодаги аниқ урни (яъни жисм огирлик марказининг координатаси)




ва импульснинг аниқ қиймати билан характерланади. Классик механикада *сабабият принципи* амал қилади. Сабабият принципининг моҳияти шундан иборатки, жисмнинг бирор ондаги ҳолати маълум булганда унинг ихтиёрий кейинги вақтлардаги ҳолатларини олдиндан аниқ айтиб бериш мумкин. Бу фикрни қуйидаги мисол устида яққол тасвирлаш мумкин.

Массаси  $m$  булган макрозарра  $x_0$  баландликдаги огирлик кучи таъсирида эркин тушаётган булсин (12.2-расм).

Кузатиш бошланган вақтда ( $t_0=0$ ) макрозарранинг тезлиги нолга тенг булган ( $v_0=0$ ). Кузатиш бошлангандан ихтиёрый  $t$  вақт утгач, макрозарранинг урнини  $x_t=x_0 - gt^2/2$  формула оркали, импульсни эса  $p=mv=mgt$  формула оркали олдиндан аниқ айтиб бериш мумкин.

Микрозарра мисолида эса ахвол узгача булади. Масалан, тусик (Т) даги кенглиги  $\Delta x$  булган тиркишдан моноэнергетик электронлар дастаси ОУ уига параллель равишда утаётган булсин (12.3-расм).



12.3-расм

Экран Э да электронлар факатгина тиркиш тугрисидаги сохагагина эмас, балки дифракция ходисасини характерловчи конуниятларга хос равишда экраннинг барча сохаларига тушади. Экранга тушаётган электронлар зичлигининг ОХ уки буйлаб таксимоти расмда пунктир чизик билан тасвирланган. Расмдан курунишича, бу эгри чизик битта тиркиш туфайли вужудга келадиган параллель нурлардаги дифракцион манзарани эслатади. Хакикатдан, тиркиш тугрисида биринчи тартибли максимум,  $\varphi_1$  бурчак остида эса

12.3-расм биринчи тартибли минимум кузатилади.  $\varphi_1$  бурчак, тиркиш кенглиги  $\Delta x$  ва электрон учун де-Бройль тулкинининг узунлиги  $\lambda=h/p$  лар орасидаги боғланиш дифракцион минимум шартини каноатлантирувчи куйидаги ифода билан боғланган:

$$\sin \varphi_1 = \frac{\lambda}{\Delta x} = \frac{h}{p\Delta x} \quad (1)$$

Кузатилаётган дифракцион манзарага электронни механик зарра деб тасаввур килиш асосида ёндашайлик. Механик зарранинг хар ондаги холати унинг урни (яъни координатаси) ва импульси оркали ифодаланиши лозим. Тиркишдан утаётган пайтдаги электроннинг координатаси сифатида тиркишнинг координатасини олиш мумкин. Координатани бундай усул билан аниқлаш туфайли вужудга келган ноаниклик тиркиш кенглиги  $\Delta x$  га тенг. Тиркишдан утиш чогидаги электрон импульси  $p$  булсин. Тиркишдан утгач, электронларнинг бир кисми бошлангич йуналишдан фаркли йуналишда таркалади (шунинг учун хам бизга таниш булган дифракция ходисаси кузатилади). Бошланич йуналишдан фарк килиб (яъни ён томонларга огиб) таркалаётган электронлар импульсларининг ОХ уки йуналишидаги ташкил этувчилари (яъни  $\Delta p_x$  лар) огиш бурчагига пропорционал булади. Агар факат биринчи тартибли

максимумни вужудга келтирувчи электронлар билан кизиксак,  $\Delta p_x$  нинг энг катта киймати куйидаги

$$\Delta p_x = p \sin \varphi_1 \quad (2)$$

ифода оркали аниклаш мумкин. Бошқача айтганда, биринчи тартибли дифракцион максимумни вужудга келтиришда катнашаётган электронлар импульслари аниқ эмас, балки (2) ифода билан характерланувчи ноаниклик билан топиш мумкин. Агар иккинчи дифракцион максимумнинг мавжудлигини ҳисобга олсак,  $\Delta p_x$  нинг максимал киймати (2) ифода асосида топиладиган кийматдан катта булади, яъни

$$\Delta p_x \geq p \sin \varphi_1$$

булиши керак. (1) дан фойдаланиб, бу ифодани куйидагича узгартираемиз:

$$\Delta p_x \geq p \frac{h}{p \Delta x} = \frac{h}{\Delta x}, \quad (3)$$

ёки

$$\Delta p_x \cdot \Delta x \geq h \quad (4)$$

Бу муносабат ноаникликлар муносабатининг математик ифодаси булиб, уни куйидагича уқиш мумкин: микрозарранинг импульси ва координатасини бир вақтнинг узида ихтиёрий аниклик билан улчаш мумкин эмас. Микрозарранинг координатаси аниқрок (яъни тиркиш кенглиги  $\Delta x$  кичикрок) булса, унинг импульсини камрок аниклик билан улчаш мумкин буладики, бунда Планк доимийси барча физик улчамларда чегаравий фактор булиб хизмат қилади.

Бир неча хусусий ҳолларни караб чикайлик. Водород атомида электронларнинг координатасини атомнинг улчами, яъни  $10^{-10}$  м аниклик билан курсатилиши мумкин. Шунинг учун  $\Delta x = 10^{-10}$  м деб, (4) ифода асосида электроннинг тезлигидаги ноаникликни ҳисоблайлик:

$$\Delta v_x = \frac{\Delta p_x}{m_e} \geq \frac{h}{m_e \Delta x} = \frac{6,6 \cdot 10^{-34} \text{ Ж} \cdot \text{с}}{9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг} \cdot 10^{-10} \text{ м}} \approx 7 \cdot 10^6 \frac{\text{м}}{\text{с}}$$

Иккинчи томондан, классик тасаввурлар асосидаги ҳисоблардан водород атомидаги электрон  $2 \cdot 10^6$  м/с тезлик билан ҳаракатланиши аён булади. Демак, электрон тезлигини аниқлашдаги ноаниклик тезлик кийматидан каттарок экан. Бундан водород атомидаги электронни механик зарра деб тасаввур қилиб булмайди ва албатта, электрон маълум тезлик билан ҳаракат қилувчи орбита тушунчаси ҳам уз маъносини йукотади, деган ҳулосаларга келамиз. Бошқача айтганда, бу хусусий ҳолда классик тасаввурлардан фойдаланиш мумкин эмас.

Иккинчи мисол билан танишайлик. Элементар зарраларни қайд қилиш учун кулланадиган қурилмалардан бири – Вильсон камерасида электрон қолдирадиган изнинг қалинлиги миллиметрнинг ундан бир улуши чамасида булади: яъни  $\Delta x \approx 10^{-4}$  м. У ҳолда электрон тезлигидаги ноаниклик куйидагича тенг булади:

$$\Delta v_x \geq \frac{6,6 \cdot 10^{-34} \text{ Ж} \cdot \text{с}}{9,1 \cdot 10^{-31} \text{ кг} \cdot 10^{-4} \text{ м}} \approx 7 \frac{\text{м}}{\text{с}}$$

Агар Вильсон камерасида ҳаракатланаётган электрон тезлиги 700 м/с булса, тезликнинг ноаниклиги 1% лар чамасида булади, холос. Шунинг учун бу хусусий ҳолда электроннинг ҳаракатини характерловчи траектория тушунчаси маънога эга, албатта.

Биз юқорида ноаникликлар муносабати билан фақат ОХ уқи йуналишидаги тирқиш мисолида танишдик. Бу ҳулосани ОҮ ва ОZ уқлари учун ҳам умумлаштира булади, натижада

$$\begin{aligned}\Delta p_x \cdot \Delta x &\geq h, \\ \Delta p_y \cdot \Delta y &\geq h, \\ \Delta p_z \cdot \Delta z &\geq h\end{aligned}\quad (5)$$

муносабатларни ёзиш имкониятига эга буламиз. Бундан ташқари микрозарранинг энергияси ва вақтни улчашдаги ноаникликлар учун куйидаги муносабат ҳам мавжуд:

$$\Delta W \cdot \Delta t \geq h. \quad (6)$$

(5) ва (6) муносабатлари 1927 йилда В.Гейзинберг томонидан эълон қилинган ва унинг номи билан *Гейзенбергнинг ноаникликлар муносабатлари* деб юритилади.

Гейзинбергнинг ноаникликлар муносабатлари фалсафий мунозараларни келтириб чиқарган. Хатто идеалистик фикрларга асос қилиб олишга уринишлар ҳам булган. Бундай фикрлар тарафдорларининг айтишича, зарранинг координатаси ва импульсини бир вақтда аниқ улчаш мумкин эмаслигини инсон томонидан дунёни идрок қилишда чегара мавжудлигини курсатади. Ваҳоланки, ноаникликлар муносабатларининг илмий моҳияти микродунёни идрок қилиш имкониятининг чегарасини аниқламайди, балки микрозарралар учун механик зарра моделини қуллаш чегараларини характерлайди. Ноаникликлар муносабатлари инсон иродасига боғлиқ булмаган узаро боғланишларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу муносабатларни табиатнинг объектив қонуни деб қарамок лозим.

### Шредингер тенгламаси.

Ҳаракатланаётган микрозарраларда тулкин хусусиятлар намоён булганлиги туфайли микродунё ходисаларини тушунтиришда классик физика ожизлик қила бошлайди. Шунинг учун микрообъектларнинг тулкин хусусиятларини ҳисобга оладиган механика, яъни тулкин механикасини яратиш зарурияти тугилди. Бу вазифани Шредингер, Гейзенберг, Дирак каби олимлар томонидан амалга оширилди. Бу механикада фақат микрообъектлардагина аниқ қузатиладиган квант тасаввурлар уз аксини топганлиги учун у, одатда, *квант механикаси* деб аталади.

Квант механикасида микрозарранинг ҳолати тулкин функция билан аниқланади. Тулкин функция  $\psi$  харфи билан белгиланади ва «пси – функция» деб уқилади. Квант механикасида микрозарранинг ҳолати

классик механикадагидек олдиндан аник айтиб берилмайди, балки микроразрарнинг у ёки бу холатини эхтимоллиги аникланади. Шунинг учун тулкин функция деганда координата ва вақтга боғлиқ булган шундай математик ифода  $(x, y, z, t)$  тушунилиши керакки, унинг ёрдамида микроразрарларнинг фазодаги тақсимотини характерлаш мумкин булсин. У холда тулкин функциянинг қуриниши шундай булиши лозимки, унинг модулининг квадрати  $|\psi|^2$  микроразрари фазонинг бирлик хажмида қайд қилиш эхтимоллигига тенг булсин (худди ёруғлик вектори амплитудасининг квадрати  $|E_m|^2$  фотонлар зичлигини ифодалагандек). Демак, фазонинг бирор нуктаси атрофидаги  $dV$  хажмда микроразрари қайд қилиш эхтимоллиги  $|\Psi|^2 dV$  га тенг. Худди шунингдек, микроразрари фазода (яъни фазонинг каеридадир) қайд қилиш – муқаррар воқеа булганлиги учун унинг эхтимоллиги бирга тенг 0 яъни

$$\int |\psi|^2 dV = 1 \quad (7)$$

булади. Бу ифода тулкин функцияларни нормалаш шартини дейилади. Бундан ташқари тулкин функциянинг физик маъносидан келиб чиқувчи қуйидаги шартлар ҳам бажарилиши лозим:

а)  $\psi$  - функция чекли булиши керак, чунки микроразрари қайд қилиш эхтимоллиги бирдан катта була олмайди;

б)  $\psi$  - функция бир қийматли булиши керак, чунки микроразрари фазонинг бирор нуктасида қайд қилиш эхтимоллигининг қиймати бир нечта булиши мумкин эмас;

в)  $\psi$  - функция узлуксиз булиши керак, чунки микроразрари қайд қилиш эхтимоллиги сакрашсимон характерда узгармайди;

$\psi$  - функцияни 1926 йилда Шредингер томонидан тақлиф этилган ва унинг номи билан аталадиган қуйидаги тенгламани ечиб топилади:

$$-\frac{\hbar^2}{2m} \left( \frac{\partial^2 \psi}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \psi}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \psi}{\partial z^2} \right) + U\psi = i\hbar \frac{\partial \psi}{\partial t} \quad (8)$$

Бу тенгламада  $m$  – микроразрарнинг массаси,  $U$  – микроразрарнинг потенциал энергияси,  $\hbar$  – Планк доимийси,  $i = \sqrt{-1}$  – мавҳум бирлик.

(8) тенгламада  $\psi$ -функциядан вақт буйича олинган ҳосилалари хад катнашаётганлиги учун вақт иштирок этган Шредингер тенгламаси дейилади. Бу тенгламада микроразрарга таъсир этаётган кучлар потенциал функция  $U(x, y, z, t)$  орқали акс эттирилган, яъни микроразрар потенциал энергиясининг қиймати фазонинг турли нукталаридагина эмас, балки фазонинг айни нуктасида ҳам вақтнинг турли онларида турличадир. Лекин микродунёда содир булаётган аксарият ходисаларда микроразрарнинг потенциал энергияси вақтга ошқор боғлиқ булмайди (стационар холатлар учун). Бу холда  $\Psi$ -функция иккита қупайтувчига ажралиб, бири фақат координаталарга, иккинчиси фақат вақтга боғлиқ булади:

$$\Psi(x, y, z, t) = \varphi(x, y, z) \cdot \varphi(t). \quad (9)$$

Натижада бир катор математик амаллардан сунг (8) тенгламани қуйидаги қуринишга келтириш мумкин:



$$\frac{\partial^2 \psi}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \psi}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \psi}{\partial z^2} + \frac{2m}{\hbar^2} (W - U) \psi = 0 \quad (10)$$


Бу тенгламада  $W$  – микроразрарнинг тулик энергияси. (10) ифода вақт иштирок этмаган (ёки стационар ҳолат учун) Шредингер тенгламасидир. Бундан кейин муҳокама қилинадиган ҳоллар стационар ҳолатлар бўлгани учун (10) ни, оддийгина, Шредингер тенгламаси деб атайдик.

Шуни алоҳида қайд қилайликки, Шредингер тенгламаси худди Ньютон тенгламаси ( $F=ma$ ) каби илгари маълум бўлган муносабатлардан фойдаланиб чиқарилмайди. У асосий фараз сифатида қабул қилинади. Лекин бу тенгламани микродунё объектларига қўллаш туфайли вужудга келган хулосалар тажриба натижалари билан жуда мос келади. Буни эса тенгламанинг исботи деб қабул қилиш мумкин.

Бу фикрни тасдиқловчи бир неча мисоллар билан танишайлик.

1. 12.4 – расмда тасвирланган потенциал уранинг тубида  $x$  уқи бўйлаб ҳаракатланаётган  $m$  массали микроразрар учун Шредингер тенгламаси қуйидаги қўринишга келади:

$$\frac{d^2 \psi}{dx^2} + \frac{2m}{\hbar^2} (W - U) \psi = 0 \quad (11)$$



12.4-расм

$x=0$  ва  $x=a$  координаталар билан характерланувчи деворлар микроразрари фақат  $0 \leq x \leq a$  интервалда ҳаракатланишига имкон беради. Бу соҳада микроразрарнинг потенциал энергияси нолга тенг бўлганлиги учун (11) ни

$$\frac{d^2 \psi}{dx^2} + \frac{2m}{\hbar^2} W \psi = 0 \quad (12)$$

қўринишда ёзишимиз мумкин. Агар

$$\frac{d^2 \psi}{dx^2} + \frac{2m}{\hbar^2} W = \omega^2 \quad (13)$$

белгилашдан фойдалансак, (12) тенгламани қуйидагича ёза оламиз:

$$\Psi'' + \omega^2 \Psi = 0 \quad (14)$$

Бу тенгламанинг ечими қуйидаги

$$\Psi(x) = A \sin(\omega x + \alpha) \quad (15)$$


тригонометрик функция билан аниқланади.

Микроразрар потенциал урадан ташқарида бўла олмайди. Шунинг учун потенциал урадан ташқари соҳаларда  $|\Psi|^2$  (демак,  $\Psi$  ҳам) нолга тенг. Демак потенциал уранинг деворларини характерловчи координаталарда, яъни  $x$  нинг  $0$  ва  $a$  қийматларида ҳам  $\Psi$ -функциянинг қиймати нолга тенг бўлиши керак. Шунинг учун  $\Psi(0) = A \sin \alpha = 0$  ёки бундан  $\alpha = 0$ , деган хулосага келамиз. Худди шунингдек,  $x=a$  ҳол учун  $\Psi(a) = A \sin \omega a = 0$  тенгликни ёза оламиз. Бу тенглик  $\omega$  нинг қуйидаги

$$\omega = (\pi/a) \cdot n, \quad (n = 1, 2, 3, \dots) \quad (16)$$

кийматлардагина бажарилади.

2.  $x$  уки йуналишида харакатланаётган  $m$  массали микроразра баландлиги  $U_0$ , кенглиги  $a$  булган потенциал тусикка дуч келсин (12.5-а расм).



12.5-а,б - расм

б

Классик физика тушунчаларига асосан, микроразрнинг энергияси тусик баландлигидан катта булса (яъни  $W > U_0$ ), у тусикдан утиб кетади. Аксинча,  $W < U_0$  булса, микроразра тусикдан кайтиб орка томонга учиши керак.

Квант механикасида – чи? Квант механикасида тунель эффект деб аталадиган ходиса туфайли  $W < U_0$  булганда ҳам микроразррани потенциал тусикдан утиш эхтимоллиги нолдан фарклидир. Бу эффектни тушунтириш учун квант механикасида тусикнинг шаффофлиги  $D$  тушунчасидан фойдаланилади. У, оптикага киёс килинган холда, тусикка тушаётган де-Бройль тулкилари интенсивлигининг тусикдан утадиган кисмини характерлайди.

Микроразрнинг классик физикага мутлако зид булган бундай табиати Шредингер тенгламасидан келиб чикади. Шредингер тенгламасини ечиш шуни курсатадики,  $0 < x < a$  сохада ҳам  $\psi$ -функция нолдан фаркли кийматларга эга экан. Бу эса микроразрнинг таъсирини тусик ичида ҳам кайд килиш эхтимоллиги мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам микроразррани потенциал тусикдан утиш эхтимоллиги нолдан фарклидир. Бу математик операцияларнинг тафсилоти билан кизикмай, Шредингер тенгламасини бу хол учун ечиш туфайли вужудга келган натижани баён киламиз. Курилайтган тугри бурчакли потенциал тусик учун шаффофолик коэффиценти

$$D \approx e^{-\frac{2}{\hbar} \sqrt{2m(U_0 - W)}a} \quad (17)$$

ифода билан аникланади.

Потенциал тусик ихтиёрий шаклда (12.5-б расм) булган холда шаффофлик коэффициентини куйидаги ифода ёрдамида аникланади:


$$D \approx e^{-\frac{2}{\hbar} \int_{x_1}^{x_2} \sqrt{2m(U-W)} dx} \quad (18)$$

бунда  $x_1$  ва  $x_2$  лар  $W$  энергияга мос келувчи  $U = U(x)$  функция билан характерланувчи потенциал тусикнинг координаталаридир.

3.  $x$  уки буйлаб квазиэластик  $F = -kx$  куч таъсирида харакатланувчи  $m$  массали зарра гармоник осцилятор деб аталади. Классик физикада бундай осцилятор

$$\omega_0 = \sqrt{\frac{k}{m}}$$

частота билан тебраниб, унинг амплитудаси  $A$  ва энергияси ( $W \sim A^2$ ) нинг кийматлари  $0$  дан  $\infty$  гача интервалда булиши мумкин. Классик назарияга асосан, амплитудаси  $A$  булган осциляторнинг  $-A \leq x \leq A$  интервалдаги координаталарга эга булиш эхтимоллиги  $\eta_{\text{кл}}$  12.6-расмда параболасимон чизик билан тасвирланган.




Бу графикдан куринишича,  $x$  нинг киймати  $\pm A$  га якинлашганда  $\eta_{\text{кл}}$  нинг киймати нихоятда ортиб кетади.

Энди гармоник осциляторнинг тебранишини квант механикасида куриб чикайлик. Бу масала учун

Шредингер тенгламаси

$$W_n = \left(n + \frac{1}{2}\right) \hbar \omega_0, \quad (n = 0, 1, 2, \dots) \quad (19)$$



ифода билан аникланувчи энергиялардагина ечимга эга булишини курсатиш мумкин. Демак, гармоник осциляторнинг энергияси квантланган булиб, унинг кийматлари квант сон  $n$  билан аникланади. 12.7-расмда осцилятор эга булиши мумкин булган дискрет энергетик сатхлар тасвирланган.

Назарий мулохазаларнинг курсатишича, электр осцилятор (яъни диполь) электромагнит майдон билан таъсирлашганда кушни энергетик сатхларга утади: агар фотонни ютса, юкори сатхга, агар фотон чикарса,

куйи сатхга утади. Бу прцессларда фотон частотаси осциляторнинг хусусий частотаси  $\omega_0$  га, энергияси эса осциляторнинг кушни энергетик сатхларнинг айирмасига, яъни  $h\omega_0$  га тенг булади. Гармоник осциляторнинг минимал энергияси нолдан фаркли булиб, унинг киймати  $\frac{1}{2}h\omega_0$  га тенг. Гармоник осциляторни, хатто, абсолют нолгача совитилганда хам ундан бу энергияни олиб булмайди. Минимал энергияга эга булган осцилятор тебранади, лекин нурланиш чикара олмайди.

12.6-расмда синусоидасимон чизик билан тасвирланган график, квант назарияга асосан, координатаси  $x$  булган нуктада зарранинг булиш эхтимоллиги  $\eta_{\text{кв}}$  ни ифодалайди. Бу графикни тузиш учун Шредингер тенгламасининг  $n=1$  учун ечимини, яъни тулкин функцияни топиб, сунг  $x$  нинг турли кийматлари учун  $|\Psi|^2$  аникланган. Мазкур графикдан куруниб турибдики, классик нуктаи назардан рухсат этилган соха (яъни  $x$  нинг кийматлари  $-A$  дан  $+A$  гача булган соха назарда тутиляпти) дан ташкари нукталарда хам зарранинг булиш эхтимоллиги нолдан фаркли. Бунинг сабаби зарранинг тулкин хусусиятга эгалигидир.

### Мустахкамлаш саволлари

1. Микрозаррачаларнинг тулкин хусусиятларини тушунтирб беринг.
2. Гейзенберг ноаниклик муносабатларини изохлаб беринг.
3. Тулкин функциясининг маъноси нима?
4. Шредингер тенгламасининг математик ифодасини ёзиб тушунтиринг.
5. Баркарор холат учун Шредингер тенгламаси кандай ифодаланади?

### Таянч сузлар

Гейзенберг ноаниклик муносабати – микрозаррачани фазода топиш эхтимоллигининг аниклик даражасини ифодалайди.

Шредингер тенгламаси – ечимлари ёрдамида бирор микрозаррачанинг фазодаги урнини аниклаш имконини беради.

### Синов тест саволлари:

1. Тгліин функциясининг нормаллаш шарти іандай ифодаланади?
  - a.  $\int \Delta\psi dv = 1$
  - b.  $\int \Delta\psi dv = 0$
  - c.  $\int \Delta / \psi^2 / dv = 0$
  - d.  $\int \Delta / \psi^2 / dv = 1$

2. Ҳуҷуддаги формуллардан қайсылари Гейзенберг ноаниқлик муносабатларини билдиради?

1)  $\Delta P_x \cdot \Delta X \geq h$    2)  $\Delta P_y \cdot \Delta Y \geq h$    3)  $\Delta P_z \cdot \Delta Z \geq h$    4)  $\Delta W \cdot \Delta t \geq h$

- a. 1
- b. 1.2.3
- c. 4
- d. 1.2.3.4

3. Микрозарраларнинг тўғри ҳолати учун Шредингер тенгламасини кўрсатинг.

A)  $\psi + \frac{2m}{\hbar^2}(\mathbf{w} - \mathbf{u}) = 0$ ;      B)  $\psi + \frac{2m}{\hbar^2}(\mathbf{w} + \mathbf{u})\psi = 0$ ;  
C)  $\Delta\psi + \frac{2m}{\hbar^2}(\mathbf{w} - \mathbf{u}) = 0$ ;      D)  $\Delta\psi + \frac{2m}{\hbar^2}(\mathbf{w} - \mathbf{u})\psi = 0$ ;

4. Кенглиги (a) бўлган потенциал (x) га бўйлаб қарақатланаётган (m) массали микрозаррачанинг энергияси қандай аниқланади?

A)  $w = n\hbar\omega$ ;   B)  $w = \frac{\pi^2 \hbar^2 n^2}{2ma^2}$ ;   C)  $w = \frac{\pi^2 \hbar^2}{2ma^2 n^2}$ ;   D)  $w = \frac{2ma^2}{\pi^2 \hbar^2} n^2$ ;

